R 496
1980/3

Гулистон

3
1980





1



2

3



Раҳима АМИНОВА,
УзССР Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси,
тарих фанлари доктори

ГБ УзССР
НН

ЛЕНИН БЕРГАН БУЮК САОДАТ



4

ХОТИН-қизларнинг эркини, ҳуқуқини чинакам демократик асосда ҳал қилган мамлакатимиз тажрибаси бошқа мамлакатлар учун намунадир. Бу оламшумул ижтимоий масаланинг ҳал этилиши буюк доҳиймиз В. И. Ленинининг номи билан боғлиқ. Унинг «Совет республикасида ишчи хотин-қизлар ҳаракатининг вазифалари тўғрисида», «Ишчи хотин-қизларнинг халқаро кунига», «Совет ҳокимияти ва хотин-қизларнинг аҳволи», «Ишчи хотин-қизларга» каби асарларида хотин-қизларнинг пролетариат диктатураси ғалабасида ва уни мустаҳкамлашдаги, совет демократиясини ривожлантиришдаги роли ва ижтимоий аҳамияти улуғ башорат билан баён этилган, уларнинг тенгсизлигига барҳам бериш йўллари кўрсатилган эди.

В. И. Ленин «Меҳнаткашларнинг катта қисмини ташкил этувчи хотин-қизларнинг фаол иштирокини таъминламасдан социалистик бурилишга эришиб бўлмайди», деб таъкидлади. У Совет Шарқининг асрлар бўйи тутқинликда эзилиб келган хотин-қизларининг ўз озодлиги учун курашдаги дастлабки қадамларини диққат билан кузатди. В. И. Ленин 1921 йилда Шарқ хотин-қизлари делегацияси билан Москвада бўлиб ўтган учрашувдан кейин: «Модомики ҳозир ҳатто энг асоратдагиларнинг асоратдагилари, мазлумларнинг энг мазлумлари социализм йўлида ўз озодликлари учун курашга отланаётган эканлар жаҳон пролетар революциясининг ғалаба қозонишига ким ҳам шубҳаланиши мумкин!» деган эди.

Улуғ Октябрь революциясигача мазлум Туркистон хотин-қизлари уч томонлама — ижтимоий ва миллий зулм остида эзилар, шу билан бирга эрга мутелик ва итоаткорликни талаб қилувчи шариат ҳам жоҳилона урф-одатларнинг қурбони эди.

Ёш Совет давлати қабул қилган муҳим тарихий ҳужжатда «Россия халқлари ҳуқуқлари декларацияси»да жинси, ирқи, қайси миллатга мансублиги, диний эътиқоди ва ижтимоий аҳволидан қатъий назар барча гражданларнинг тенг ҳуқуқлиги тантанали равишда эълон қилинди. Декларацияда таъкидланган хотин-қизларнинг тенгҳуқуқлиги 1918 йилда қабул қилинган биринчи Совет Конституциясида қонуний ифодасини топди. Унинг 64-моддасига мувофиқ хотин-қизларимиз барча давлат ҳокимияти органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга бўлдилар. «Хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг меҳнати учун тенг ҳақ тўлашни жорий этиш тўғрисида» ва «Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тўғрисида» деб чиқарилган декретлар билан хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётимиздаги ҳуқуқлари қатъий мустаҳкамланди.

Давлатимиз ўша вақтдаги ғоят қийин шароитда РКП(б) нинг хотин-қизлар масаласи хусусидаги программасини амалий татбиқ этишга киришди. 1919 йилнинг кузида бутун мамлакат бўйлаб, шу жумладан, Туркистонда ҳам махсус хотин-қизлар бўлимлари ташкил этилди. Бу бўлимлар хотин-қизлар ўртасида сиёсий тарғибот ишларини уюштириш, фаолларни кўпайтириш, уларнинг юридик жиҳатдангина эмас, балки амалда тенгҳуқуқлигини йўлга қўйиш билан боғлиқ бўлган турли тадбирларни амалга оширдилар. Урта Осиёда маҳаллий шароитга мос келадиган ўзига хос янги форма ва усуллардан фойдаланилди. Масалан, жойларда хотин-қизлар клублари ва бурчаклари, қизил ўтовлар, деҳқон уйлари ташкил этилди. Хотин-қизлар йиғилишларида, клублар қошида ташкил этилган тўгаракларда қатнаша бошладилар.

Республикамиз хотин-қизларининг фаоллигини уюштиришда 1927 йили ВКП(б) Марказий Комитети Урта Осиё бюросининг махсус қарори билан бошланган «Ҳужум» ҳаракати муҳим роль ўйнади. 1927 йили Халқаро хотин-қизлар куни — 8 Март бу ҳаракатнинг кенг намойишига айланди. Шу тариқа хотин-қизларнинг социалистик ишлаб чиқаришдаги мавқеи беқиёс ошди.

Узбек хотин-қизлари биринчи беш йиллик планларини бажаришда, республикамизни социалистик индустрлаштиришда, қишлоқ хўжалигини коллективлаштиришда ва маданий инқилобни муваффақиятли амалга оширишда фаол иштирок этдилар. Улар саноат корхоналари, колхоз ва совхозлар маданий муассасаларда самарали меҳнат қилдилар, социалистик мусобақага қўшилиб, меҳнатда ташаббускорлик кўрсатдилар. Улуғ Ватан уруши йилларида хотин-қизларимиз она юртимизга бўлган чексиз садоқатини ва муҳаббатини, сабот ва матонатини намойиш этдилар. Кўп минглаб ўзбекистонлик хотин-қизлар Ватан озодлиги ва мустақиллиги учун қўлига қурол олиб матонатли жанг қилдилар. Улуғ Ватан уруши фронтларида ажойиб қаҳрамонлик намуналарини кўрсатган моҳир мерганлар Зебо Ғаниева ва Роза Иброҳимова, довюрак алоқачилар Раҳима Алимова, Хосият Усмонова, Сора Шукурова ва бошқаларнинг номлари ёш авлод учун қаҳрамонлик тимсоли, ватанпарварлик намунасидир.

Минглаб опа-сингилларимиз эса завод-фабрикаларда, колхоз-совхоз далаларида туну кун ишлаб, ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан душман устидан ғалаба қозонишга улкан ҳисса қўшдилар.

Халқимиз урушда ота-онасидан жудо бўлган ва республикамизга келтирилган етим болаларни бағрига олди. Оналаримиз ўз фарзандларининг насибасини улар билан баҳам кўрдилар. 14 нафар етимни тарбиялаб вояга етказган Шоаҳмад Шомаҳмудов ва Баҳри опани бугун ким танимайди!

Урушдан кейинги тинч қурилиш даврида хотин-қизларимизнинг ижтимоий фаолияти янада кучайди. Республикамиз халқ хўжалигининг барча соҳа-

---

Меҳрлари қуёшдан тафтли, қўллари ипакдек майин, иродалари пўлатдан мустаҳкам муҳтарама оналаримиз, опа-сингилларимиз халқ хўжалигининг турли соҳаларида жуда улкан ишларни амалга оширмоқдалар, қудратли дастгоҳларни бошқармоқдалар, фазони забт этмоқдалар, оламшумул янгиликлар, нашфиётлар яратмоқдалар.

1. Бир неча йилдирки, Тошкент телевидениеси рангли тасвирда кўрсатувлар бермоқда. Рангли телевидение марказидаги мураккаб инженерлик жиҳозларининг кўпи мутахассис аёллар измидадир. Дарвоқе, Зилола Сулаймонова каби инженерларнинг меҳнати ва маҳорати туфайли ойнаи жаҳонда камалак жилосини, шафақ гўзаллигини кўриб қалбингиз шодлинка тўлади.

2. Пахтадан мўл-ҳосил олиб, юртимиз бойлигига бойлик қўшиш бутун халқимизнинг нияти. Урта Осиё Табиий газ илмий тадқиқот институти технологик манбалар лабораториясининг илмий ходими Муҳаббат Маҳсудова ана шу масалани илмий ҳал қилиш мақсадида изланади. У уруғлик чигитларнинг турли касалликларга чалиниши олдини олиш имконини берадиган янги иш методининг муаллифи ҳисобланади.

3. Халқ хўжалиги институти республикамиз пойтахтидаги йирик олий ўқув юртларидан ҳисобланади. Унинг кундузги, кечки, сиртқи бўлимларида ўн икки мингдан зиёд йигит ва қизлар бухгалтерлик, товаршунослик, иқтисодчилик каби касбларни ўрганмоқдалар. Бу ерда ёшлар намунали илм олиши, яшаши учун ҳамма шарт-шароит муҳайё. Кенг, чароғон аудиториялар, замонавий машина ва жиҳозларга эга бўлган ўқув кабинетлари ва лабораториялар илмга чанқоқ ёшлар хизматида. Уқитувчи З. Файзиева (ўнгдан учинчи) электрон-ҳисоблаш техника воситалари ўқув кабинетида машғулот ўтказмоқда.

4. Тошкентдаги «Учқун» тўқимачилик галантерея ишлаб чиқариш бирлашмаси меҳнат аҳли Умри Муҳиддиновани астойдил ҳурмат қилади. Умрихон бу корхонада етти йилдан бери йигирувчи бўлиб ишламоқда.— У қўплаб ёшларнинг мураббийси, беш йиллик зарбдори. Доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллик тўйи кунлари Умрихон нелгуси йил ҳисобига меҳнат қилаётган бўлади.

И. ГЛАУБЕРЗОН ва В. СИРОТКИН фотолари

ларида миллионлаб серғайрат хотин-қизларимиз меҳнат қилмоқдалар. Хотин-қизларимиз коммунистик меҳнат зарбдорлари, ишлаб чиқариш илғорлари, рационализаторлари ва новаторлари сифатида ишлаб чиқаришда етакчилик қилмоқдалар. Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари — фарғоналик Олия Султонова, сирдарёлик Назира Йўлдошева, тошкентлик Буолма Жўраева, Мунаввар Исоқова, самарқандлик Зулайҳо Норқулова, қашқадарёлик Зиннат Тошева, сурхондарёлик Маъсис Хуррамова ва бошқаларнинг номлари бутун мамлакатга машҳур.

Ленин мукофоти лауреати, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охунова ва унинг Чиннихол Худоёрова, Мария Ковалева, Саодат Тоштемирова, Зуҳра Ҳасанова, Иноят Эргашева сингари ўнлаб издошлари пахтачиликни машиналаштиришда катта бурилиш ясадилар.

Дарҳақиқат, хотин-қизларимизнинг социалистик қурилишдаги ҳиссалари беқиёс. Ҳозир республикамиз халқ хўжалигида 144 мингдан ортиқ олий маълумотли мутахассис аёллар самарали меҳнат қилмоқдалар. Саноат, қурилиш ва транспорт ходимларининг 40 процентини хотин-қизлар ташкил этадилар. Улардан 250 минг нафари инженер ва техниклардир. Халқимиз саломатлиги ҳақида ғамхўрлик қилаётган шифокор опа-сингилларимиз эса 18 мингдан ошади.

Ривожланган социалистик жамиятда хотин-қизларимиз давлат бошқарув органларида тобора кўпроқ қатнашмоқда. Агар биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатларининг 23,3 процентини хотин-қизлар ташкил этган бўлса, тўқизинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари орасида уларнинг сони 34,9 процентга етди. Республикамиз хотин-қизларидан 24 киши СССР Олий Совети депутатидир.

Партия ва ҳукуматимиз хотин-қизларнинг коммунизм қурилишида фаол иштирокини таъминлаш билан бирга уларнинг онладаги, ёш авлодни тарбиялашдаги ролини ошириш ҳақида ҳам ғамхўрлик қилмоқда. Республикамиздаги 44,6 минг она «Қаҳрамон она» деган шарафли унвонга сазовор бўлди. Бир йилда кўп болали ва ёлғиз оналарга тўланаётган нафақалар миқдори 98 миллион сўмни ташкил этади.

«Эркин дунё» деб аталувчи мамлакатларда эса бунинг тамомила аксидир. Капиталистик мамлакатларда хотин-қизлар энг оддий инсоний эркинликлардан ҳам маҳрумдирлар. Масалан, Англияда хотин-қизларнинг иш ҳақи бир хил юмушни бажаришига қарамасдан эркакларникидан 40 процент кам. Японияда эса бу фарқ 50 процентни ташкил этади.

Капиталистик мамлакатларда иш жараёнлари «эркаклар» ва «аёллар» меҳнатига ажратилади. АҚШда эса хотин-қизлар инженер ходимларнинг атиги 2 процентга яқинини, илмий ходимларнинг 6 процентини, давлат хизматчиларининг 3,4 процентинигина ташкил этади. Ғарбдаги бир қанча капиталистик мамлакатларда кекса аёллар ўзи тенги эркакларга қараганда анча кам пенсия оладилар. Нью-Йоркда яшайдиган Лишан Гинзбург деган пенсионер аёл «Нью-Йорк таймс» газетаси мухбирига «Бу шаҳарда кекса бўлиб яшагандан кўра ўлган яхшироқ», деб аччиқ тақдиридан зорланди.

Дунёримизда меҳмон бўлган чет эллик меҳмонлар хотин-қизларимиз камолотини кўриб ҳайратланмоқдалар.

«Бироита ғарб мамлакатида,— деб ёзади таниқли Канада ёзувчиси Дайсон Картер,— хотин-қизлар ижтимоий фаолиятларида Ўзбекистондагидек юксакликка эришилмаган».

1979 йил охирида АҚШнинг тўртта шаҳрида «Совет хотин-қизлари» кўргазмаси намойиш этилди. Уни 250 мингга яқин киши келиб кўрди. Улар мамлакатимиз хотин-қизларининг барча соҳалардаги фаолиятига оид экспонатларни зўр қизиқиш билан томоша қилдилар. Кўргазманинг «Таклиф ва мулоҳазалар» дафтарига она-бола Эни ва Колпен Люсие-Граколар ёзиб қолдирган сўзлар кишининг эътиборини тортади: «Хуш келибсиз, совет кишилари. Келинг, бир-биримиз билан яқиндан танишайлик, дўстлашиб, бир-биримизни тўғри тушуниб, тинчликни таъминлайлик».

Ажойиб истак! Дунёдаги барча халқларнинг дилидаги гап!

КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида» деб чиқарган қарорида ўтмиш сарқитларига бутунлай барҳам бериш зарурлиги таъкидланган. Бу муҳим масалага эътиборни янада кучайтириш КПСС Марказий Комитетининг «Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги тўғрисида» деб чиқарган қарорида ҳам алоҳида уқтирилган. «Ғоят кенг омманинг доимо ўсиб бораётган сиёсий ва меҳнат активлиги,— дейилади мазкур қарорда,— уларнинг барча жамоат ва давлат ишларини муҳокама қилиш ва ҳал этишдаги иштироки Ленининг «Жонли, ижодий социализмни халқ оммасининг ўзи барпо этади», деган хулосаси тўғрилигини тасдиқлаб турибди». Бу Ўзбекистонимиз хотин-қизларига ҳам берилган юксак баҳодир. Улар Ватан олдидаги ижтимоий бурчларини тўла англаган ҳолда улуғ доҳий юбилейини янги меҳнат зафарлари билан кутиб олмоқдалар. Бухоро трикотаж фабрикасининг илғор ишчилари Солия Раҳимова, Назира Ботирова, Рўзия Шоҳиева, Муҳаббат Хўжақулова доҳиймиз юбилейи шарафига ўз цехларида сифат бўйича комсомол пости ташкил этиш ташаббуси билан чиқдилар. Тўрақўрғон трактор-ремонт заводидан комсомол аъзолари Фазилат Гуширова, Мунис Ашурова, Ҳабиба Абдуллаева бу шонли сана шарафига ўзаро мусобақалашиб, кунлик нормаларини бир ярим баробар ошириб бажармоқдалар.

Совет Ўзбекистони хотин-қизлари тақдирида рўй берган беқиёс ўзгаришлар Коммунистик партиямиз ва Совет ҳукумати олиб бораётган ленинча миллий сиёсатнинг ёрқин тантанасидир.

Ўртоқ Л. И. Брежнев республикамизга Халқлар дўстлиги орденини топшириш маросимида сўзлаган нутқида шундай деган эди: «Биз бугунги кунда ўзбек хотин-қизлари коммунизм қурилишида фаол қатнашаётганликларини, улар орасидан ўнлаб ва юзлаб меҳнат қаҳрамонлари, муаллималар, врачлар, атоқли олималар ва маданият арбоблари етишиб чиққанини фахр билан қайд этиб ўтамиз».

Совет хотин-қизлари ижтимоий ҳаётдагина эмас, тинчлик ва халқаро хавфсизлик учун кураш жабҳасида ҳам катта мавқега эгадирлар. Бугун Совет хотин-қизлари комитети байроғида Халқлар дўстлиги ордени порлаб турибди. Бу мамлакатимиздаги барча аёллар қатори республикамиз хотин-қизларининг ҳам ижтимоий-сиёсий фаолиятига берилган юксак баҳодир.

Улуғ Октябрь ва буюк Ленин берган саодат туфайли шонли 62 йил ичида ҳар томонлама камолотга эришган хотин-қизларимиз бундан буён ҳам коммунизм бунёдкорларининг олдинги сафларида бсраверадилар.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ойлик ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий журнали

Гулистон

№ 3 (361)
Март
1980

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти

ҲАЁТИМДАГИ энг қувончли кунми?— деб Мунаввар менга бир қараб қўйди. Шунда унинг қимтилган лаблари титраб кетгандек бўлди. Узун-узун бармоқлари столдаги сочиқ попугини ҳимарар эди. Киприклари пир-пир учди, кулимсираб давом этди:—1975 йилнинг 8 февраси... Навоий театрида қурултой давом этаётган эди. Шароф ака якунловчи нутқида: «Москвадан хушхабар келди, республикамиздан тўрт киши Социалистик Меҳнат Қаҳрамони бўлди. Улар орасида ҳозиргина минбарда нутқ сўзлаган қизимиз Мунаввар Исоқова ҳам бор», деди...— Мунаввар баргикарам кўйлагининг енги билан кўзларини артди-да, бир хўрсиниб қўйди.— Шундан икки кун кейин газеталарда СССР Олий Совети Президиумининг фармони эълон қилинди. Лекин...— Мунаввар жилмайди,— ҳаётимда бундан бошқа қувончли дамлар ҳам бўлган.

— Масалан?

— Масалан, фермага ишга киришим... 1958 йили ўнинчи синфни битирганимдан кейин неча ҳаёлларга борганман. Фермага оладими-йўқми, деб. У вақтда Жалил ака Тўлаганов ферма мудири эди. Қараб туриб «Ёш экансан», деди. Ёшликка ёшман. Бироқ ўқиб юрганимда ҳам онамга қарашиб мол боқишу сигир соғиш — барини қилганман. Шуни айтсам, «Кунига 2 сўм 34 тийин; ўн беш кунга фалон», деб қолдилар. «Амаки, пул бермасангиз ҳам майли», деб юборибман севинганимдан! Морозов деган зоотехник бор эди. Морозов тоға дердик уни. Молхонага бошлаб бориб, сигир соғдириб кўрди. «Боқса одам бўласан», деб тегишди. Тўрт ой бошқа соғувчиларга навбатчи бўлдим. Соққан сутим бошқаларникидан кам бўлмаслиги учун тиришиб-тортишиб ишлардим. Охурларни ювиб, картошка майдасини ғалвирда элаб, лавлаги тўғраб, тонггача молга терт қориб чиқардим. Охири Жалил ака билан Морозов тоғанинг ишончини қозондим: 12 та сигир беришди. Биринчи йили сигир бошига 3000 литрдан сут соғиб олдим. Келаси йили 4000 литрга етди. Саҳарлаб, соат уч яримда турардим. Қорли-қировли қишда молхона томонга биринчи бўлиб йўл солардим. Оёғимда кирза этик. Юзимни рўмол билан ўраб оламан. Фақат кўзим очиқ. Ҳозиргача ўша эски одатимни тарк этмаганман: соат уч яримда туриб, тўртда молхонада бўламан. Сигирларнинг емини бераман, елинини иссиқ сувда ювиб ийдираман, кейин соғишга тушаман. Эрталабки соғимни тамомлаб, саккизда уйга келаман. Супуриб-сидириб нонушта қилгунимча соат ўн бўлади. Тушки соғим пайти — соат ўн иккида молхонага бораман. Кейин яна уйда кир-чир, рўзғор ишлари... Йигирма икки йилдирки, мана шу одат.

Йигирма икки йил! Мунавварга зимдан тикилиб ўйланиб қолдим. Одми кўйлак устидан қизил жемпер кийган, бошида гулдор зангори рўмол. Қулоғида ярим ой шаклидаги тилла сирға — қотмагина буғдой ранг аёл. Тилла узуклар тақмаган. Ишга ўрганган меҳнаткаш аёлнинг пишиқ бармоқлари. У шу қўллари билан 1960 йили ўн икки бош сигирнинг ҳар биридан 4000 литр, 1975 йили ўттиз сигирнинг ҳар биридан 5000 литрдан ошириб, 1979 йили қирқ бош сигирнинг ҳар биридан салкам 7000 литр сут соғиб олган бўлса, йигирма икки йил давомида аҳолига у етказиб берган сут миқдорини ўзингиз ҳисоблаб кўраверинг. Тошкентдек шаҳри азим аҳолисининг бир неча ойлик эҳтиёжини таъминлайдиган сут!

Диванда бошини қуйи солганча жимгина ўтирган Ҳури опа суҳбатга аралашди:

— Тоққа чиқмасанг дўлана қайда, деган гап бор, болам. Туну кун меҳнат қилдинг, мана энди роҳатини кўряпсан. Мен ҳам санинг шарофатинг билан...

— Йўқ, ойи! Ҳаммаси сиз туфайли,— деди Мунаввар сал қизариб.— Уруш йиллари етим эканимизни билдирмадингиз. Далада бир эркакдай кетмон чопиб, топганингизни олтита норасиданинг оғзига тутардингиз.

— Ҳаҳ, эслама!

— Эсламай бўлар эканми? Ёмғир ёғса уйимиздан чакка ўтиб кетарди. Эски, жулдур адёлимиз бўларди... Ойим,— Мунаввар Ҳури опага бир қараб қўйди,—одёлни шипга қоқиб, тешик жойига тош боғлаб қўярдилар. Томдан ўтган чакка сизиб келиб тешикдан жомашовга қуйиларди. Биз адёл тагидаги қуруқ жойда уймалашиб, жомашов тўлай деганда ҳовлига олиб чиқиб тўкардик...

— У кунларни кўргулик қилмасин, болам!— дея аста бош чайқаб қўйди, дока рўмол учларини елкасига ташлаб диванда сипо ўтирган Ҳури опа.— Буларнинг отаси Фарҳод қурилишида... бу ҳам урушдай гап эди, ўпкасини совуқ олдириб ўлиб кетди. Олтита бола билан чирқираб қолавердим. Лекин, биласиз, дод-вой билан тирикчилик ўтмайди. Уруш вақти. Бу кўчада йиғи-сиғи бўлмаса, бошқасида бор. Йўргакдаги болам қў-

Суннатулла АНОРБОЕВ

ДАВР ҚИЗИ

лимда, каттароғини опичиб, тўрттаси этагимга ёпишганча далага чиқамиз. Чопиқ, ўтоқ, суғориш... Колхозда нимаики иш бўлса, қилиб кетавердим. Эвазига мана энди, роҳатда яшаяпмиз. Шукур, болаларим бари меҳнаткаш,— деди она.

— Сиздай.

— Мендайми, отасидайми, барака топкурлар ялқовликдан йироқ. Қариганимда болаларимдан қайтди. Сийлаб, ер-кўкка ишонишмайди. Уйнинг тўри меники!..

Диванга ипак гилам ёйилган эди. Устидан қизил духоба кўрпача тўшалган. Чиндан ҳам шоҳона тахтда ўтиргандай эди она!

— Сизни сийламай кимни сийлаймиз, ойи?

— Фақат ўқитолмадим,— деди Ҳури опа.

— Вой, нега унақа дейсиз?— Мунаввар кулимсираб онасига боқди.— Ўрта мактабни битирдим-ку.

Ҳури опа ўкингандай бош чайқади:

— Ўртоқлари институтга киришганда кўнгли ўксиган. Мана бу еримда турибди,— она муштини кўксига босди.— Биламан, ўқишга ҳаваси зўр эди, зеҳни ҳам ўткир. Шунга қарамай, ишла, дедим. Иложим қанча? Ўқиганида катта одам бўлиб кетарди.

Мунаввар онасининг соддалигидан кулди. Нима ҳам дея оларди? Она экан-да! Ой чиқса ҳам, кун чиқса ҳам боламга бўлсин, дейди. Бўлмаса Мунаввардан донгдорроқ киши йўқ яқин атрофда! У ўзининг ғайрати, ақли-фаросати, меҳнати билан шуҳрат поғоналарини бирин-кетин эгаллаб келяпти. 1962 йили опа-сингил Мунаввар билан Инобат Иттифоқимиздаги илғор сут соғувчилар қатори «Ҳурмат белгиси» ордени билан мукофотландилар. Шу йилнинг ўзида юнусободликлар ёшгина Мунавварни Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатдилар. Саккизинчи беш йилликда эришган ютуқлари учун Ленин ордени билан тақдирланди. Тўққизинчи беш йиллик якуни учун эса 1975 йили Социалистик Меҳнат Қаҳрамони бўлди. Ўтган йили сут соғиб олишда эришган беқиёс ғалабалари учун СССР Давлат мукофоти лауреати деган юксак унвонга сазовор бўлди. Бу йил эса ҳамқишлоқлари уни Ўзбекистон ССР Олий Советига бешинчи марта депутат қилиб сайладилар.

— Тўғри,— деди у бошини кўтариб,— ойим айтганларидек ўқишга ҳавасим зўр эди-ю, лекин олий мактабга кириб ўқишнинг иложи бўлмади. Билган одамга меҳнатнинг ўзи катта мактаб экан. Ўқимадиммас, ўқидим. 1962 йили Тошкент область комсомол комитети Чорвачилик институтининг «Красний водопад» базасига ўқишга юборди. У ерда бутун республикадан тўпланган менга ўхшаш комсомол қизларга катта-катта олимлар чорва илмидан дарс бердилар. Машҳур сут соғувчи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Анастасия Ивановна Чудная бизга ўз тажрибасини ўргатди. Колхозга қайтиб, ўрганганларимни ҳамкасбларим билан ўртоқлашдим. Умуман, сут соғишда эришган кейинги ютуқларимиз Анастасия Ивановна Чудная тажрибасини ўрганганимизнинг оқибати, деб биламан. Анастасия опа ажойиб аёл. У киши билан опа-сингил тутинганимиздан мен жуда кўп нарса ютдим. Бундай дўстларим кўп: Эстонияда — Леда Пипс, Новосибирскда — Нина Антипова, Бухорода — Муҳтарама Ғаффорова. Билмаганимни ўргатишади. Билганимни мен уларга ўргатаман. Ўқитолмадим, деб ачинманг, ойи. Ҳаётимиз ўзи зўр мактаб, ўқитяпти қулоғимиздан чўзиб.

— Рекордингизнинг сабаби фақат меҳнат бўлмаса керак?— деб сўрадим.

— Тўғри, хўжалигимизда сутчилик — асосий соҳа. Ем-хашакка, озуқабоп лавлагикорликка алоҳида аҳамият берилади. Бу соҳанинг миришкорлари кўп. Колхозимизда илғор беда-хашак бригадалари, лавлагикор ва маккажўхорикорлар бор. Шунинг учун ҳам сигирларимизнинг ҳамиша биқини чиқиб, сағриси ялтираб туради. Бундан ташқари, кўп йиллардан бери мол зотини яхшилаш учун мунтазам кураш олиб борилади. Бу ишни марҳум Жалил ака Тўлаганов, зоотехник Морозов тоға бошлаган эдилар, ҳозир Низом ака Эргашев билан зоотехник Абдунаби ака Тўлаганов давом эттирмоқдалар. Шуни айтишим керакки, агар улар республикада энг яхши қора-ола сигирлар зотини яратиб қўлимга топширмаганларида мен бунчалик обрў-эътиборга эришолмас эдим.

Яна бир омил — социалистик мусобақа, менинг мусобақадошларим. Қутбихон Файзибоева, Насиба Ҳамидова, Ноиба Ёдгорова, молбоқар Зикирбой Салимов ва бошқалар. Улар билан мусобақалашиб ишламаганимизда ферма ўз сарф-харажатини қоплаб фойда кўрмаган, ўзимиз ҳам ҳозирги юқори кўрсаткичларга эришмаган бўлар эдик. Қолаверса, барча ютуқларимизда раисимиз Турғун отанинг катта ҳиссаси бор.

Мен Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турғун Мирзаевни кўпдан таниқдим. У колхознинг бешигини тебратганлардан, Улуғ Ватан урушидан қайтгач, колхозчилар уни яна раис қилиб сайладилар. Мана ҳозирга қадар уларнинг ишончини оқлаб, ҳалол ишлаб келмоқда. Унинг раҳбарлигида колхоз ҳам, колхозчиларнинг турмуши ҳам йилдан-йилга ривож топмоқда.

Мунаввар суҳбатимиз давомида девор соатига бир неча бор қараганини пайқаб сўрадим:

— Бугун дам олиш кунингиз эмасми?

— Дам олиш-ку... Лекин депутатлик бурчимни шундай кунларда бажармасам, бошқа вақт йўқ,— деди жилмайиб.— Қишлоқ советида арзи-ҳол билан келадиганларни қабул қилишим керак.

Вақтини олганим учун узр сўраб ўрнимдан турдим. Лекин яна битта савол беришдан ўзимни тўхтата олмадим:

— Қандай масалалар билан келишади?

Мунаввар стол суянчиғини тутганча ўйчан туриб қолди. Шунда одмигина кийинган бу аёл катта арбобдай кўриниб кетди.

— Кексалар кўпроқ пенсия масаласи билан мурожаат қиладилар. Яна оилавий масалалар. Кўпини ўзимиз, кексалар маслаҳати билан ҳал қиламиз. Баъзиларини тегишли давлат идораларига ҳавола этамиз.

Дарвозагача кузатиб чиққан Мунаввар дабдурустдан сўраб қолди:

— Айриотада қурилаётган янги молхонани кўрдингизми?

Йўқ, кўрмаган эдим. Мунаввар билан хайрлашгач, тўғри сут-товар фермасига бориб, бош зоотехник Абдунаби Тўлагановни топдим. Икки юзи қип-қизил, ўрта бўй киши экан. Бошида қора қулоқчин, столда чўт қоқиб, ён дафтарига нимадир ёзиб ўтирибди. Кўзимга нохуш кўринди.

— Сигирларнинг сути тортилдими?— деб сўрадим.

— Нега ундай дейсиз?— деб ҳайрон бўлиб тикилди у.

— Ҳар қалай, баҳор яқин...

— Йўқ, домла!— Абдунаби бош чайқади.— Бизнинг бошқа хўжаликлардан фарқимиз ҳам шундаки, сутни ўн икки ой давомида бир меъёрда оламиз.

— Қандай қилиб? Сигир жонивор маълум мавсумда қочади. Кўпинча баҳорда туғади.

— Қочириш ҳам, туғдириш ҳам бизда аниқ программа асосида олиб борилади. Масалан, юзтаси январда туғса, юзтаси февралда, яна юзтаси мартда... Мана шундай бир текис кетаверади. Ўз ҳолига қўйиб берсак, Мунаввар ёки Қутбихон март ёки апрелда, сигирларим ҳали туққани йўқ, деб қараб ўтиришарди. Йўқ! Бизда узилиш бўлмайди. Шунинг учун ҳам Халқ Хўжалик Ютуқлари Кўргазмасининг дипломларини олиб турибмиз,— Абдунаби қайрилиб пўлат сандиқ тепасида осиғлиқ турган зарҳал ҳошияли дипломларга ишора қилди.

— 1973 йилги дипломда битта УАЗ енгил автомашина билан 6000 сўм пул, 1978 йил кўрсаткич-



1979 йил сентябрь ойида бўлиб ўтган сут соғувчиларнинг Бутуниттифоқ конкурсида Мунаввар Исоқова эстониялик ҳамкасби, машҳур сут соғувчи Леда Пипс билан учрашди. Икки дугона тажрибаларини ўртоқлашдилар.

Замондошларимиз



Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Давлат мукофоти лауреати Мунаввар Исоқова қизлари Мунира ва Донолар билан.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ фотолари

ларимиз ҳисобига битта УАЗ-469 енгил автомашина билан 2000 сўм пул олдик.

Айни тушки соғим пайтида Абдунаби билан молхонани айланган чиқдик. П шаклида тушган эски молхона. Сомон, беда ғарамлари. Қўрада қора-ола ғунажинлар лорсиллайди.

Уларга тикилиб қолганимни кўрган бош зоотехник:

— Жониворларнинг ой-куни яқин,— деб қўйди.— Саралаб олиб қолганмиз. Умуман Жалил акамнинг давридан бошлаб бизда наслчиликка алоҳида аҳамият берилади. Ҳар бир молнинг етти пуштига қадар, туғилганда вазни қанча, кундалик семириши, бир ойлигида, бир йиллигида, ҳозирги вазни, биринчи туққанида қанча сут берганидан тортиб, ҳозиргисига қадар ҳаммаси дафтарга ёзиб борилади. Наслга қолдиришда ҳаммаси ҳисобга олинади.

— Ташқи кўриниши-чи?— деб қизиқдим.

— Албатта!— деб бош ирғади Абдунаби.— Майиб ёки мужук сигирнинг сути ҳам ўзига яраша. Зотдор молнинг сағриси кўпинча кенг, қовурғалари орқага қараб кетган, йўғон, тумшуғи энлик, эмчаклари чўзинчоқ, тарвақайлаб бир-биридан узоқ-узоқ жойлашган бўлади. Асл говмишлар шундайлардан чиқади!

Молхонанинг остонасидан ҳатладиму беихтиёр тўхтаб қолдим. Бу ерда қатор тизилган юзлаб қора-ола сигирларнинг кавшанишлари, пишиллашлари орасидан қандайдир бўғиқ гувиллаган товуш ҳам қулоғимга чалингандай бўлди. Бу «тандем» сўрғичларидан бидонларга қуйилаётган сутнинг шовиллаши эди.

Орқама-орқа кириб келган Абдунабини билагидан тутиб тўхтатдим. Пайқадимикан, деб кўзларига тикилдим. Қайдам. Менга бу товуш фавқулодда бир ҳодисадай таъсир этган, ҳатто ҳаяжонга солган бўлса, унинг учун одатий жараён, эътибор этмаган, ҳатто эшитмагандай эди.

— Пўшт-пўшт!— деб қолди орқадан кимдир.

Йўл бердик. Манглайини қийиқча билан танғиган қотма бир йигит осма вагонеткани тортиб келмоқда эди.

— Зикирбой Салимов!— деб таништирди Абдунаби.— Колхозимизнинг илғор молбоқарларидан. Халқ Хўжалиги Ютуқлари Кўргазмасининг кумуш медалини олган.

Зикирбой кечки соғимга тушданоқ тайёргарлик кўриб, ҳар бир соғувчининг чекига омухта ем тўкмоқда эди.

Абдунаби оқ халатда, мен ҳам елкамга оқ халат ташлаб олганман.

— Ана «Макка»!— деб Абдунаби қорасидан оқи кўп ола сигирга ишора қилади.— Ноиба Ёдгорованинг энг яхши рекордчиси. Кунига 25 литрдан сут беради.

Андак тўхтаб тасаввур этишга ҳаракат қилиб кўраман. 25 литр. Катта икки пақир лим-лим сут. Чакки эмас. Жониворга ҳавас билан тикиламан. Жуда кўркам. Сағриси ялтиллайди.

— Ундан ҳам зўрлари бор. Ҳў-ў, ана! Тепасида 1016 рақами ёзилган тахтача турибди-ку,— Абдунаби думи ерга теккан каттакон говмишни кўрсатди.— Мунавварнинг «Комедия» деган рекордчи сигири ўша. Йилига 7000 килограммдан ошириб сут беради. Унинг ёнидаги «Буратино», вазни 620 килограмм. У ҳам сут беришда «Комедия»дан қолишмайди...

Назаримда, Абдунаби фермадаги 530 сигирнинг ҳаммасини номма-ном биладигандай, билганда ҳам ҳар бирининг ўзига хос номаи аъмолини ёд олгандай эди. Жониворлар тўғрисида ҳикоя қилганида унинг тили бурро бўлиб кетади.

— Мақтаниш эмас, домла, тўғриси, бизнинг сигирларга ўхшагани республикада йўқ!— деб фахр билан жилмаяди у.— Фақат битта «Чиноз» совхоз-техникумининг молларигина бизларникига яқин келади.

— Молни яхши кўрар экансиз,— дедим.

— Яхши кўрмасак, юрармидик молхонада?— Абдунаби менга бир қараб қўйди.— Ота мерос касб. Энг аввал отамиз... Шу колхозга биринчи бўлиб кирганлардан: қўш ҳайдаган, мол боққан. Кейин Жалил акам... 1938 йилдан колхоз фермасига бошчилик қилди. Мана молхонани ҳам 50-йилларда ўша киши қурдирган. Мени ҳам фермага акам бошлаб келган. Шу ерда ишлаб юриб ўқидим, уйландим, бола-чақалик, ҳатто неваралик ҳам бўлдим.

Абдунаби билан сўзлашиб турганимизда кўк халатли Қутбихоннинг шир-шир сут соғаётганини кўриб қолдим. Қўлда ҳам соғишар экан-да? Абдунаби: «Бизда юз фоиз машинада соғилади», деган эди. Айрим хўжаликларда машина терими учун ажратилган пахтани қўлда теришади-да, 80 ҳатто 90 фоиз машинада терилди, деб рапорт беришади. Шунга ўхшаб...

Қутбихон ҳалиги сигирни соғиб бўлишини пойлаб, ёнига бордим:

— Қўлда соғдингиз шекилли?

У бош ирғади.

— Ҳа...— деб кулимсиради Қутбихон.— Бу сигир... биринчи болалаши. Машинада соғишга астасекин кўниктиряпман...

Абдунаби сўзга аралашди.

— Агар елинида сут қолса, шунга ўрганади-да, кейинги сафар оз беради. Шунинг учун ийдириб-ийдириб, қатра қолдирмай тортиб олиш керак. Ана ундан кейин сигир емига яраша...

Абдунаби менинг хижолатимдан бехабар, Қутбихон ҳақида завқ билан ҳикоя қилишга тушиб кетган эди.

— Файзиева йигирма йилдан бери сигир соғади. Исоқова билан ҳаммавақт енма-ен, мусобақадош. Гоҳ у ўзади, гоҳида бу. Икки марта Халқ Хўжалиги Ютуқлари Кўргазмасининг олтин медалини олди. Қайси йиллар эди?

Абдунаби бу ердагиларнинг ҳаммасини ўзларидан ҳам яхши биладигандай туюлди менга.

— 1973, 1978 йилларнинг якуни учун,— деди Қутбихон қимтинибгина.

— Тўққизинчи беш йилликда мажбуриятларини ҳам ошириб бажаргани учун Файзиева Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди. Қўлида 26 сигир. Ҳар қайсисидан йилига 5800 литрдан сут соғиб олишнинг ўзи бўлмайди! Тинмай қараш, тараш, оғзига тутиш, бунинг учун ярим кечада туриш, уйқудан кечиш... Гапирсангиз-чи, Қутбихон! Звездний шаҳарчасига қилган саёҳатингизни айтиб беринг ҳеч бўлмаса.

Қутбихоннинг сўзлари, Абдунабининг қўшимчаларидан мен шуларни билиб олдим: у олти фарзандинг онаси. Катта қизи — Масъуда 1978 йили ўнинчини битиргач, онасига издош бўлган. Ҳозир 25 сигирга қарайди. Ҳар бир сигирдан ўтган йили 4337 килограммдан сут соғиб олган.

— Ўнинчида ўқийдиган ўғлим ҳам келиб қарашиб туради.

— Анча серқатнов бўлиб қолган,— дея кулди Абдунаби.

— Сабаб?

— Сабабини, мана, ўзлари айтсинлар.

Қутбихон ерга қараб кулиб қўйди:

— Колхоз правлениеси яқинда «Жигули» машинаси билан мукофотлади. Шунга мендан кўра кўпроқ у хурсанд.

— Звезднийга саёҳатингизни айтиб бермадингиз?

Қутбихон бош зоотехникка уятчанлик билан қараб қўйди. Бу орада ўзини анча қўлга олди шекилли, менга ўгирилиб вазмин гап бошлади.

— Бултур февралда мени бир гуруҳ илғорлар билан, Звездний шаҳрига юборишди. Бизни Валентина Терешкова, Ғазалкентдан чиққан Владимир Жонибеков ва бошқа космонавтлар кутиб олишди. Жуда томоша...— ўша тантанали дақиқалар манзараси кўз олдига келдими, Қутбихон оғир-оғир нафас оларди.— Буларни таърифлаб бериш учун шоир бўлиш керак. Мунаввардан сўранглар, жуда келиштириб гапиради.

Молхонадан чиққанимизда кун оғиб қолган эди. Лекин ферма мудири Низом Эргашевдан дарак бўлмади.

— Мудиримиз озуқа ундириш билан юргандир,— деб қўйди Абдунаби.— Ҳозир барда масаласи чатоқ. Талабгорлар кўпайиб кетяпти. Шаҳардаги пиво заводлари эса илгаригидай етказиб бермаётир. Барда сигирнинг сутини кўпайтирадиган энг асосий озуқа компонентларидан. Рационда барда сал камайса, сут ҳам камаяди. Яқинда мудир Бекободга бориб, ўша ерда станцияда ётган Тошкент область қишлоқ хўжалик бошқармаси ихтиёрига келган бир цистерна лавлаги шиннисини олиб келди. Харидорлар топилмаган шекилли, темирйўлчилар бетон ҳовузга ағдариб цистернани бўшатиб олишган экан. Бети қотиб қуюқлашган. Унча-мунча насос ярамади. Мудиримиз қидириб юриб вино заводидан насос топди. Ярим ой туни-кун тепасида туриб ташитди. Майли, ярим ой қийналдик, лекин ярим йил роҳатини кўрамиз.— Абдунаби сомон ортиб ёнимиздан ўтаётган трактор шатагига ишора қилди.— Илгари қуруқ сомонни мол емай, оёқ ости қиларди. Ҳозир сомонни шиннига қориб берамиз. Охурни топтоза қилиб ялаб қўйишади. Сутининг ёғи ҳам анча ортди. Ўзбекистон шароитида сигирларнинг организмида қанд моддаси етишмас экан. Бу бола ташлашига сабаб бўлади. Шинни озуқа сифатида ҳам, дори сифатида ҳам жуда фойдали. Мудиримиз куюнчак одам. Бош қашишга вақти йўқ. Беш йил илгари 250 соғин сигиримиз бор эди. Ҳозир 530 тага етди. Ғунажинлар, бузоқлар, отлар, беш-олти минг парранда... Ҳаммаси емиш билан тирик. Мудир югурмаса озуқа ўзидан ўзи оқиб келмайди. Шу барда масаласи билан юргандир-ов ҳойна-ҳой. Ёки қурилишдамикан? Янги молхонамизни кўрдингизми? 800 бош қора молга мўлжалланган. Замонавий соғиш аппаратлари, емхашак тарқатадигану гўнг чиқарадиган механизмлар, бутун қулайликлари билан... Ёнида беда уни тортадиган тегирмон, силос, сенаж босадиган бетон зовурлар бор...

Ҳа, албатта кўриш керак эди. Лекин энг муҳими, кўпчиликнинг оғзини оқартиришдек муқаддас касб эгаси ва шу касби, феъли орқасида барака топган Мунаввар Исоқовадек давр қизи билан танишдим. Ҳамкасб мусобақадошлари билан суҳбатлашдим. Ферма мудири Низом Эргашев, раис Турғун Мирзаев тўғрисида қанчадан қанча илиқ сўзлар эшитдим. Таассуротлар етарли. Зуваласи меҳнатда пишган, элда обрў орттирган ажойиб одамлар!

Беш йиллик режалари амалда

НАМАНГАН АТЛАСИ

ПЕШТОҚИГА «КПСС XXV съезди номли аврли газламалар комбинати» деган лавҳа ўрнатилган муҳташам бино олдига келиб машинадан тушдик. Ҳамроҳимиз, шаҳар партия комитетининг масъул ходими Юсуфжон Носиров:

— Анави кўп қаватли бино ишчиларнинг ётоқхонаси,— дея катта кўчанинг нариги томонидаги янги иморатга ишора қилди ва корхона билан таништира бошлади.— Комбинат қошида иккита ҳунар-техника билим юрти бор. Ўрта мактабни тамомлаган ёшларимиз дастлаб шу билим юртларида ўқийди, айни вақтда тажрибали ишчиларга шогирд тушиб, касб ўрганади. Бир йилда ихтисосли ишчи бўлиб етишади.

Шу орада ичкаридан қирқ-қирқ беш ёшлардаги, бўйчан, қотмагина бир киши чиқиб келди.

— Узр, куттириб қўйдим шекилли,— дея қўл бериб кўришди у.

— Аюбхон Солижонов. Комбинат партия комитетининг секретари,— деб таништирди уни ҳамроҳим.

Секретарнинг кабинетидамиз. Хона деворларига турли схемалар, диаграммали ёзувлар, фахрий ёрлиқлар осилган. Йўл-йўлакай рақамларга кўз югуртираман: жами ишчилар сони —4312. Коммунистлар —246, комсомол аъзолари —2300. Комбинат коллективининг 70 процентини хотин-қизлар такил этади. Ишчиларнинг ўртача ёши —30...

— Коллективингиз асосан ёшлардан иборат экан-да?— дея схемадан кўз узиб, Аюбхон акага юзландим.

— Ҳа, шундай. Кадрларни асосан ўрта мактабларни битираётган ўспиринлар ҳисобига тайёрлаяпмиз,— деди Солижонов стол устидаги қоғоз папкани секин очиб.— Ишлаб чиқариш кўлами йил сайин кенгайиб боряпти. Ўн биринчи беш йиллик охирига бориб ишчиларимиз сони 10 мингдан ошади. Шаҳардаги 3-, 5-, 11-, 12-, 27- ва 44-ўрта мактабларни ҳар йили кўплаб ёшлар тамомлаяпти. Уларни «бегона қилмаслик» учун ҳаракатимизни илгарироқдан кўриб қўяпмиз. Мактаблар билан яқиндан алоқа ўрнатганмиз. Ҳали ёшлар ўқиб юрган кезларидаёқ уюштирилган учрашувларда донгдор ишчиларимиз, меҳнат ветеранларимиз ўқувчилар ҳузурида меҳмон бўладилар. Ўзларининг ибратли ҳаётларини, иш шароитидаги қулайликларни, касбларининг қадрини уларга гапириб берадилар. Ўз навбатида мактабларнинг маъмурияти ҳам биз билан маслаҳатлашиб, комбинатимиз цехларига ўқувчиларнинг экскурсияларини тез-тез уюштириб туради. Ҳа, аввал ёшларнинг қалбида ишимизга ҳавас уйғотамиз. Қарабсизки, етуклик гувоҳномасини қўлларига олгандан кейинок биз томон оқиб келаверадилар. Билим юртининг бирида ишлаб чиқариш тармоқлари бўйича ихтисосли кадрлар тайёрланади. Кейинги йилда ҳар икки билим юртимизда 274 нафар тўқувчи, 182 пилла пишитувчи ва ипак ўровчи етиштирилди. Машғулотлар бевосита ишлаб чиқариш билан боғлаб ўтказилади. Бир ҳафта назарий дарслар ўтказилса, иккинчи ҳафта амалий машғулотлар бўлади. Ҳозир 400 дан ортиқ ёшлар ўқимоқда. Улар бир йилда 3-, 4- ва 5-разрядли ишчи бўлиб етишадилар. Коммунист Салима Рўзиева, социалистик мусобақа ғолиби Манзура Йўлдошева, ипак ўровчи комсомол-ёшлар бригадаси бошлиғи Оминахон Раҳматова ва бошқалар коллективимизнинг ҳурматини қозонган ёшлардан. Улар ҳам мактаб партасидан комбинатимизга келган эдилар. Тажрибали ишчилардан иш ўргандилар. Ҳозир ҳаммалари меҳнат зарбдорлари, ўнинчи беш йиллик планини муддатидан олдин адо этиб, 1981 йил ҳисобига ишламоқдалар. Улар доҳий Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги шарафига ўзаро мусобақалашиб, зиммаларига оширилган мажбурият олганлар.

— Умумий ишлаб чиқариш кўрсаткичларингиз қандай?

— Ҳозир,— деб Аюбхон ака телефон трубкасини кўтарди-да, иқтисодчи Худойберди Тошпўлатовни кабинетига таклиф қилди.— Рақамларни тилга киритадиган ишбилармон иқтисодчимиз бор. Далилу таҳлилларнинг ҳаммасини шу киши гапириб беради.

Хонага паст бўйли, бошида чуст дўппи, юзлари қизғиш йигит кириб келди. Унинг сўзамоллиги кўринишидан сезилиб турарди. Аюбхон ака бизларни таништирди.

Иқтисодчига юзланиб, анъанавий саволга ўтдим:

— Ўтган йили комбинатингиз коллективи эришган ютуқларни қисқача гапириб берсангиз.

— Хўп бўлади,— дея у қўлидаги рақамларга кўз югуртира бошлади.—1979 йил план бўйича 211 миллион 379 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришимиз керак эди. Амалда эса 230 миллион 279 минг сўмлик маҳсулот тайёрланди. Ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йилида кўзда тутилганидан 18 миллион 900 минг сўмлик ортиқ газлама ишлаб чиқардик. Шундан сифат белгиси билан тайёрланган маҳсулот пландаги 8 миллион 700 минг сўм ўрнига 12 миллион 246 минг сўмни ташкил этди. Ишчиларимизнинг кўпчилиги ўтган йилнинг ноябрь ойидан бери 1980 йил ҳисобига ишламоқда.

— Ишлаб чиқаришнинг рентабеллик даражаси қалай?

Иқтисодчи бир оз ўйланиб қолди.

— Лекин худди шу масалада оқсаяпмиз,— деди у бир ютиниб.— Тўғрироғи, пилла тайёрловчи ўртоқларимиз бизни оқсатяптилар. Бир нарсани очиқ эътироф этишимиз керак. Хом ашёни етиштиришда тайёрлов идоралари ва хўжаликларнинг пиллачилари баъзан рақам кетидан қувиб, сифатга эътибор бермайдилар. Масалан, 1979 йил комбинатимиз қабул қилиб олган 588 тонна пилланинг 23 проценти яроқсиз чиқди. Оқибатда, пилладан мўлжалдагидан кам ипак олдик. Шу сабабдан рентабеллик бўйича белгиланган планни бажаролмадик. Район пиллачилик идоралари сифатсиз пиллани ҳам қабул қилаверганлар. Бу зўрма-зўракиликнинг жабрини энди биз тортаяпмиз. Ахир, давлатнинг маҳсулот сифати ҳақида стандарт қонуни бор. Қонун эса ҳаммамиз учун... Кечирасиз, меҳмон, сал қизишиб кетдим.

Худойберди Тошпўлатовнинг куйиниши бежиз эмас эди. Баъзи ҳолларда фақат пиллачиликдагина эмас, бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлашда ҳам «Нима бўлса ҳам планни бажарайлик», деб, маҳсулотнинг сифати ҳақида қайғуришни унутиб қўямиз. Бу ҳол умумий манфаатимиз учун қанчалик зиён етказишини вақтида тарозига солиб кўрмаймиз, етарли масъулият ҳис қилмаймиз. Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг 1979 йил Ноябрь пленумида шундай зарарли кайфиятни қаттиқ қоралади. Бу ҳаммамиз учун сабоқ бўлиши керак.

Секретарнинг хонасидан чиққанимизда директор қандайдир йиғилишдан чиқиб келганини айтишди.

Гарчи, Камолхон Эгамбердиевни танимасам-да, уни ташкилотчи, ишбилармон, ғамхўр раҳбар деб кўп эшитган эдим. Танишиш истаги билан ҳузурига кирдим. Самимий сўрашдик. Директор оҳиста ўрнидан туриб, бурчакдаги кўрсаткич таёқни қўлига олди. Комбинатнинг қурилиш макети олдига келди.

— Комбинатимиз 1972 йили шаҳардаги шойи тўқиш ва ипак йигириш фабрикалари базасида ташкил топган,— дея салмоқли оҳангда гапира бошлади директор. Шу топда у менга корхона бошлиғидан кўра кўпроқ меҳрибон ўқитувчиларимдан бирини эслатди.— Лойиҳа бўйича ўн биринчи беш йиллик охирига бориб комбинатимиз 300—320 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаради. Ҳали танишасиз, янги бинолар қуряпмиз. Олти қаватли инженерлик корпуси қад кўтарди. Бу ердагилардан ташқари, Учқўрғон шаҳрида, Янгиқўрғон посёлкасида комбинатимизнинг филиалларини ташкил этганмиз. Ишчиларимизнинг унумли ишлаши, муқим бўлиши учун шароитни яна ҳам яхшилаш ҳаракатидамиз. Иккита болалар боғчаси, 50 ўринли касалхона, поликлиника ишлаб турибди. Сўлим Нанай қишлоғида пионерлар лагеримиз бор. Ёзда бу жойда ишчиларимизнинг фарзандлари яйраб дам оладилар. Комбинатимизга яқин ерда ходимларимиз учун турар жойлар қуряпмиз.— Камолхон ака қўлидаги таёқ учи билан макетдаги шартли белгиларга изоҳ берарди. Хуллас, имкониятларимиз катта. Раҳбар партия ва совет ташкилотлари, республика Енгил саноат министрлиги яқиндан ёрдам беряпти.

Шундан сўнг директор билан комбинатни айландик.

Дастгоҳлар бир маромда ишлаб турибди. Уларни асосан ёшлар бошқарар, аксарияти хотин-қизлар эди.

Чўгдек товланиб, кишининг кўзини қамаштирадиган нафис атлас кўйлаклар опа-сингилларимиз кўркига кўрк, чиройига чирой қўшишини яхши биламиз. Лекин оддий пилладан шу асл матолар тайёрланишигача бўлган машаққатли жараёнларни ҳаммамиз ҳам тасаввур қилавермасак керак.

Кун бўйи дастгоҳлар олдида тик туриб, уларнинг қулоқни қоматга келтирадиган шовқинига бардош бериш осон эмас. Пиллани пишитиш, силлиқлаш, ундаги ёпишқоқ моддани йўқотиш машаққатли жараён. Бунинг учун пилла иссиқ сувда уч қайта бўктирилади. Сўнгра, эзиб мижиғланади. Кейин эса эшилиб силлиқланади. Шундан сўнггина 250—300 метргача чўзиб йигирилади.



Коммунистик меҳнат зарбдори Салима Рўзиева.

— Роҳатой Отавалиева ветеранларимиздан. Ёшларга устозлик қилаётган 500 ғамхўр мураббийнинг бири,— деди Камолхон ака дастгоҳлар олдида турган уч қизнинг ишини зимдан кузатаётган дуркун аёлни кўрсатиб.— Ёнидагилар — шогирдлари. Мана бу уларнинг суратлари...— У орқасига ўгирилиб стенддаги «Цехимиз машъаллари» деган ёзувга ишора қилди. Суратлар тагидаги исмларни бирма-бир ён дафтаримга кўчириб олдим: Зоҳида Қаноатхўжаева, Сожида Ҳожиева, Шарифа Дадабоева...

Цехларнинг иши билан танишишда давом этдик. Директор бўяш цехида бизни Икромовлар оиласи билан таништирди.

— Икромовлар сулоласини биздагина эмас, балки бутун шаҳримизда ҳамма яхши танийди,— деди Камолхон ака йигирилган ипак ўрамларини бўяш учун турли жойидан танғиётган бир гуруҳ кишиларга ишора қилиб.— Иброҳим ака — сулола бошлиғи. 20-йиллар охирида «Янги ривож» ҳунармандлик артели ташкил топгандан буён ишлаб келади. Ҳозир пенсияда бўлса ҳам ўғил-қизлари, укалари ёнига келиб ёрдамлашади. Ёнидаги — укаси Собиржон. 1936 йили акасига шогирд тушган. Лекин уруш дастидан фаолиятларида бир оз узилиш бўлди. Иброҳим ака ва Собиржон аёвсиз жангларда кўксини қалқон қилиб, Ватанимизни ёвуз душмандан ҳимоя қилдилар. Буюк ғалабадан сўнг эса қадрдон иш жойларига қайтдилар. Иброҳим аканинг хотини, ишчан коммунист опамиз Гулинисо Қосимовани яқинда тантана билан пенсияга кузатдик. Умр бўйи коллективга ўрганиб қолган эмасми, «Уйда зерикиб кетяпман», деб тез-тез келиб туради, ёшларга кўмаклашади. Иброҳим аканинг кичик укаси Содиқжон, қизи Ҳабиба, Собиржон Икромовнинг қизи Мавлуда, ўғли Зоҳид — ҳаммалари меҳнатда эътибор қозонган илғорлардан. Суратлари ҳурмат тахтасини безаб турибди. Яқинда қизиқиб, Икромовлар сулоласининг умумий иш стажини ҳисоблаб кўрсак, 200 йилдан ошибди. Қаранг, икки аср-а! Халқимиз «Дарахт бир жойда кўкаради», деб бежиз айтмаган. Ҳа, Иброҳим ака, Гулинисо аялар корхонамизнинг тўнғич кадрлари, коллективимизнинг фахри.

Директорнинг гапи туртки бўлиб, сулола бошлиғи билан суҳбатлашдик.

— Худди бугунгидек эсимда,— дея ўтмишини хотирлади Иброҳим ота.— Муштумзўр сифатида хўжалиги тугатилган Ортиқхўжабойнинг пахса деворли ҳовлисида «Янги ривож» номи билан тўқувчилик артели ташкил этилди. Марғилонлик Шаробиддин Умаров деган уста бизларга иш ўргатар эди. Тўрт-бешта эски дастгоҳда бўз, алак тўқирдик... Эҳ-ҳэ, у вақтда ҳозиргидек электр чироқлар нур сочган цехлар, мўъжизали техника қаёқда дейсиз! Бунинг ҳаммаси — бугунги юксалишимизнинг шарофати. Партия ва ҳукуматимизга минг раҳмат. Бизга ўхшаган меҳнат кишиларининг бошини силаб, кўксимизга қўш-қўш орден тақди. Фарзандларим ҳам, жиянларим ҳам «Сизларга ўхшаган ишчи бўламиз», деб қўлтиғимизга кирди. Мана, укам Собиржонни олинг. Ҳали сменаси тугаб, кийимини алмаштирганда кўрасиз. Кўксида Октябрь революцияси, Меҳнат Қизил Байроқ орденлари ярақлайди. Халқ хўжалиги Ютуқлари кўргазмасининг кумуш медалини олиб, Москвага ҳам бориб келди. Тағин, фаол жамоатчи, комбинатимиз партия бюросининг аъзоси. Хуллас, иним, бизнинг замонимизда кишининг бахти ўз қўлида.

— Иброҳим акамиз камтар-да,— деди Камолхон ака мамнун жилмайиб, бўяш цехидан чиқарканмиз.— Комбинатимизда биринчи Меҳнат Қизил Байроқ орденини, «Шавкатли меҳнати учун» медалини олган ўзлари-ю. лекин буни айтмадилар. Ҳа, ҳақиқий меҳнаткаш ҳеч қачон ҳаволаниб кетмайди.

Директор йўлда кела туриб кимнингдир исмини айтиб чақирди. Ён томондаги ёғоч панжарали эшикдан чиққан норғул йигит шаҳдам келиб саломлашди.

— Бугун қанча қуён топширдингиз?— деб сўради Камолхон ака.

— Қирқ саккизта,— деб жавоб қилди у.

— Яна қанча топширамиз?

— Семириб етилганлари қирқдан ошиқ.

— Яхши, буларни ҳам тезроқ олиб боринглар,— деб уқтирди унга Камолхон ака.

— Қуёнчилик фермаларингиз ҳам бор шекилли?— дея қизиқиб сўрадим директордан.

— Партия ва ҳукуматимиз идора бошлиқлари, бизга ўхшаган раҳбарлар олдига ёрдамчи хўжаликни ривожлантириш вазифасини қўяпти. Бу аҳолининг тобора ўсиб бораётган эҳтиёжларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан қондиришда муҳим резервлардан. 93 қути асаларимиз ҳам бор. Комбинатимиз қошида ширaворлик цехи ташкил этганмиз. Шаҳар этагидаги хушҳаво жойда «Оромгоҳ» дам олиш зонасини барпо этдик. Унда лимончилик иссиқхонаси — лимонарий бор.



Икромовлар сулоласи (чапдан): Иброҳим Икромов, рафиқаси Гулинисо Қосимова, қизи Ҳабибахон Иброҳимова, жиянлари Мавлуда Икромова, Зоҳиджон Икромов, укаси Собиржон Икромов, укаси Содиқжон Икромов.

Социалистик мусобақа ғолиби, ипак ўровчи Манзура Йўлдошева. Коммунистик меҳнат зарбдори, пилла эшувчи комсомол-ёшлар бригадири Оминахон Раҳматова.





Халқ селекционери Шахриддин Зайниддиновнинг «Оддий мўъжиза» деган китобида ёзилганидек, лимон дарахти дарҳақиқат аломат экан. Йил бўйи мева беради. Ҳув нариги корпуснинг этагида ҳам кичикроқ иссиқхона қурганмиз. Ҳар бир цех қошида ихчам иссиқхоналар ташкил қиляпмиз. Ахир, имконият бўлгандан кейин ўзимизни ўзимиз керакли озиқ-овқат билан таъминлашимиз лозим. Иш шароити — кадрларнинг муқим бўлиши учун асосий омил. КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг «Халқ хўжалигида меҳнат интизомини янада мустаҳкамлаш ва кадрлар қўнимсизлигини камайтириш тўғрисида» деб чиқарган қарорида бу масаланинг муҳимлиги алоҳида таъкидланган. Мазкур ҳужжатни партия ташкилотимиз йиғилишида кенг муҳокама қилиб чиқдик, қарорнинг изчил бажарилишини таъминлашга қаратилган аниқ тадбирлар белгиладик.

Кундуз соат иккиларда Камолхон ака билан хайрлашдик. Қабулхона гавжум эди.

Ичкаридан директорнинг «Кимнинг навбати? Марҳамат!», деган ёқимли овози жаранглаб эшитилди. Чамаси, бугун унинг қабул соати. Энди

А. ЖДАНОВ фотолари



Тўқимачилик ишлаб чиқариш участкаси бошлиғи Аҳмаджон Абдураҳимов (ўнгда) ва 1-цех бошлиғи Собиржон Турсунов тайёр атласнинг сифатини кўздан кечирмоқдалар.



Комбинат директори Камолхон Эгамбердиев лимончилик иссиқхонаси боғбони Абдужалил ота Мамажонов билан ҳосилни салмоқлаб кўрмоқда.



бошлиқ турли ташвиш билан келган, ҳар хил характердаги одамлар билан муомала қилади, уларнинг арзини эшитади. Раҳбар шу дақиқаларда кишиларни ўрганади. Ҳар бир ҳожатмандниng арзини диққат билан эшитиб, ташвишига шерик бўлади. Қабул соатлари Камолхон ака учун катта мактаб. У шу соатларда одамларни, қолаверса, комбинат ҳаётини, ишчиларнинг оилавий шароитларини янада чуқурроқ ўрганади, чигал масалаларнинг учини топади, одамлар билан гаплашишдан завқ олади.

Яқинда Камолхон Эгамбердиевнинг зиммасига яна бир шарафли масъулият тушди. Комбинат коллективи уни Ўзбекистон ССР Олий Советига депутат қилиб сайлади.

...Биз Аюбхон Солижонов билан тўқимачилик ишлаб чиқариш участкасига етиб келганимизда иккинчи сменада иш бошланган эди. Участка бошлиғи Аҳмаджон ака Абдураҳимов ўз соҳасининг билимдони экан, ишлаб чиқариш ҳақида лўндагина маълумот берди:

— Ўтган йили қарийб 5 миллион 300 минг метр сифатли газлама тайёрланди. Шунинг 70 процентидан ошиқроғи атлас. Меҳнатни илмий асосда ташкил этиш, дастгоҳларнинг бекор туришини кескин қисқартириш, уларнинг ремонтини тезлатиш ҳисобига меҳнат унумдорлигини 1978 йилга нисбатан 14 процентга оширишга эришдик. Дастгоҳлар қувватидан фойдаланиш планда кўзда тутилганидан 4,3 процент ортди. «Шодлик», «Оқ олтин», «Наманган машъали», «Кремль» деб аталадиган хонатласларимизга Сифат белгиси босилди. Ҳозир бу атласларимиз халқаро бозорда юқори баҳоланмоқда, унга талаб жуда катта.

Камалакдек товланган Наманган атласи мафтункор Ўзбекистонимиз гўзаллигининг яна бир рамзи сифатида диёримиз шуҳратини оламга ёймоқда.

Шомурод СИДДИҚОВ

Гулистон
ГАЛЕРЕЯСИ

МАШАҚҚАТЛИ БАХТ



Рассом Лайло Салимжонова атоқли мўйқалам усталари — А. Лунев, А. Гольдрей, Ўзбекистон халқ рассоми Р. Аҳмедовни ўзининг меҳрибон ва талабчан устозлари деб билади. Лайло тасвирий санъат сирлари ва бадиий маҳорат борасида улардан кўп нарса ўрганди. Аммо унинг кўнглига ҳамиша илҳом бағишлаб, тинимсиз изланиш ва меҳнат сари ундайдиган яна бир устози бор — бу она табиат. Ўлкамизнинг фусункор манзаралари, замондошларимизнинг меҳнатдаги шижоати, инсон суврати ва сийратидаги ҳайратомуз гўзаллик рассом асарларига етакчи мавзу бўлиб келмоқда.

Лайло кейинги йилларда асосан портрет, натюрморт ва пейзаж жанрларида ижод қилиб, бир қанча жиддий асарлар яратди. Айниқса, ишлаб чиқариш мавзуидаги ишлари диққатга сазовор. Лайло дугоналари — меҳнаткаш хотин-қизлар образларини самимият ва жозиба билан акс эттиради. «Попопчи қизлар» асарида Тошкент «Малика» фирмаси чеварларининг иш жараёни тасвирланган. Картинадаги латиф лиризмда рассомнинг оддий меҳнат кишиларига ҳурмати яққол ифода топган.

Лайло Салимжонованинг «Архитектор М. Худойназарова», «Музикашунос», «Архитектор М. Бобоева» сингари портретларида зиёли замондошларимизнинг ёрқин образлари яратилган. Рассом мўйқаламига мансуб натюрмортларда ҳаётбахш она ер неъматлари кўзни қувонтирса, синчков нигоҳ билан илғанган табиат лавҳалари шоирона руҳга йўғрилиб тасвирланган.

Лайло Салимжонова график рассом сифатида ҳам самарали ишлаб келмоқда. У республикамизнинг йирик матбуот органларидан бири — «Саодат» журналида йигирма йилдан буён безовчи рассом вазифасида ишлаб, журналнинг бадиий безаги ва техник сифати яхши бўлишига катта ҳисса қўшмоқда.

Лайло Салимжонова фарзандларини ҳам гўзалликка, санъатга ҳайрат ва шайдолик руҳида тарбияламоқда. Қизи Лола ҳозир Рассомлик билим юртининг охирги курсида таҳсил кўраётир.

Ҳам бадиий ижод, ҳам масъулиятли кундалик иш, ҳам оила-рўзғор ташвиши... Бундай мураккаб ҳаётий синовларга бардош бериш учун кишида кучли ирода, тиниқ тафаккур, ҳаётга теран муҳаббат туйғуси бўлиши керак. Совет Ўзбекистони тасвирий санъатининг истеъдодли намояндаларидан бири рассом Лайло Салимжоновада ана шу фазилатларнинг барчаси мужассам.

Р. ТАҚТАШ,
санъатшунослик доктори

ҲАМЗА



Мактабга киринглар

Қонуннинг асоси бўлибон бизларга раҳбар,
Эркак билан хотинга ҳуқуқ бўлди баробар.
Мақсуди ҳукуматни билинг, деҳқон биродар,
Илм билмак учун бирлашиб мактабга киринглар.

Янги ҳарф билса киши, ҳар иши осон,
Деҳқончилигин яхши қилар ўқиса деҳқон.
Хат бирла илм бўлғусидир дардига дармон,
Ким бормаса мактабга, бўлур кўнглида армон,
Мақсуди ҳукуматни билинг, деҳқон биродар,
Илм билмак учун бирлашиб мактабга киринглар.

Ғамлиқ йўлингизни қўйингиз, хаз йўлга бошланг,
Золим элнинг фикрини ер остина ташланг,
Ҳукумат мақсадини яхши билиб, кўнгилни хушланг,
Қарши кишилар бўлса унинг мийнина[1] муштланг,
Мақсуди ҳукуматни билинг, деҳқон биродар,
Илм билмак учун бирлашиб мактабга киринглар.

Беилму ҳунарсизлар илм билгани яхши,
Илм билмак учун мактабга киргани яхши,
Умрини зое айламайин, кулгани яхши,
Тез ғайрат этинг, коммунизм бўлгани яхши,
Мақсуди ҳукуматни билинг, деҳқон биродар,
Илм билмак учун бирлашиб мактабга киринглар.

Сизларни дийиб бир неча мактаб очилибди,
Маориф элининг тухми жаҳонга сочилибди,
Ёшларни кўринг — барча кишига бош бўлибди,
Бу илму ҳунарлар емагина ош бўлибди.
Мақсуди ҳукуматни билинг, деҳқон биродар,
Илм билмак учун бирлашиб мактабга киринглар.

[1] Мийнина — хоразм шевасида — миясига

ҚЎЛДА УСТОЗ СОЗИ БИЛАН

Ҳар ким ҳаётдан излаганини топади. Инқилоб шоири Ҳамза Ҳакимзода эса Октябрь революцияси ғояларига садоқатли, янги турмушни тузишга қодир кишиларни ахтарди, топди, ўз атрофига тўплади. Ҳамзанинг муносиб шогирдларидан бири — Қутли опа Саиджонова билан суҳбатлашиб ўтириб, шу фикр хаёлимиздан ўтди.

Қутли опа сўзлайман деса, кўнглида гапи кўп. У ҳозирги Урганч районидаги Темирчи қишлоғида туғилиб ўсган. Ота-онасини босмачилар ўлдирди: ўн уч ёшли қиз Чўлпон деган эгачисини қора тортиб, Хўжайлига келди. Қизил аскарлар бошқа етимлар қатори Қутлининг ҳам бошини силадилар. Рақс, қўшиқ бу ятиманинг жону дили эди... Қизил аскарлар унга гармонь келтириб бердилар. Кўп ўтмай, Қутли гармонни сайратадиган, чанқовузни йиғлатадиган бўлиб қолди. Эл назарига тушди. Жамоатчилик ишларига аралаша бошлади. 1921 йилдан эса женотделда ишлади — хотин-қизлар озодлиги учун курашнинг илғор сафларида бўлди. Янги турмуш йўлига тўғаноқ солаётган, хотин-қизлар озодлигига қарши тиш-тирноғи билан курашаётган бойлар, муллалар, муштумзўрларни фош қилди, уларнинг асл башарасини очиб кўрсатди. Бир куни пахта заводида бўлган йиғинда ҳам Қутли қайнаб-тошиб гапирди, дўстини кулдириб, душманни ўлдирадиган сўзларни айтди. Лекин мажлисдан қайтаётганида, панада турган душман уни мўлжалга олди... Ўқ оёғига тегди. Икки ойча шифохонада ётиб даволанди. Қутли Саиджонови бу пайтларда кўпчилик фаола сифатида ҳам, қўшиқчи сифатида ҳам қаттиқ ҳурмат қилар эди.

Қутли Саиджонова умрининг айни шу ижтимоий-маънавий ҳаётда ўз йўлини топиб олган палласида Инқилоб шоири Ҳамза билан танишди. Ҳакимзода ташкил этган бадиий ҳаваскорлик тўгарагига ёзилди. Тез орада Ҳамзанинг энг яқин ёрдамчисига айланди. Шоир тузган янги — драма тўгарагида ҳам қизғин қатнашиб, «Бой ила хизматчи» пьесасидаги Жамила ролини Қорақалпоғистонда биринчи бўлиб ўйнади. Қутли Саиджонова яратган Жамила образи Хўжайли хотин-қизлари учун катта мактаб эди. Ҳамза: «Қутли — энг қобил шогирдим», дерди. Ҳакимзода жўнаб кетганидан кейин бадиий ҳаваскорлик тўгарагига Қутли Саиджонова бошчилик қилди. Устозининг ишини давом эттириб, Қорақалпоғистонда бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ташкил қилиш ишининг жонкуярларидан бири бўлди.

Ҳозир Қутли ая Саиджонова 74 ёшда. Лекин ҳануз гармонь қўлида. Устоди ўргатган қўшиқлар — дилида.

— Ҳамза инқилобий қўшиқларини, янги шеърларини менга ўргатар эди,— деди Қутли ая.— Мен уларни кўпчилик олдида гармонь чалиб куйлардим. Шундай қўшиқларидан бири ҳозир ҳам ёдимда.

Қутли ая гармонни қўлига олади, унинг тасмасини авайлаб елкасига ташлайди, кўзларида нур чақнаб, бир нуқтага тикилади. Сўнг авжи келиб, Ҳамзанинг «Қонуннинг асоси бўлибон бизларга раҳбар, эркак билан хотинга ҳуқуқ бўлди баробар...» деб бошланадиган қўшиғини куйлай кетади. Аянинг ҳамон жарангдор овози гармонь оҳанги билан уйғун. Ҳа, эллик йиллар муқаддам ҳам одамлар жон-қулоқ бўлиб тинглаган бу қўшиқни...

Қўшиқ садолари тинади, лекин опа гармонни қўлдан қўймайди.

— Давоми бор... Атиги уч бандини айтдим. Яна икки банди бўлиши керак. Ҳозир... Ҳозир...— деб эслашга уринади.

Гармонь садолари яна атрофни тутади. Қутли ая қолган бандларни эслаб куйлайди.

Шу тариқа Ҳамза Ҳакимзоданинг яна бир асари тикланди — биз инқилоб шоирининг ўзи куй басталаган бу қўшиқни Қутли ая ижросида магнит лентасига ёзиб олдик.

Баҳодир АМИНОВ




М. БОБОЕВА ПОРТРЕТИ.

РАССОМ ЛАЙЛО САЛИМЖОНОВА АСАРЛАРИДАН

АРХИТЕКТОР М. ХУДОЙНАЗАРОВА ПОРТРЕТИ.





ҚИЗИМ ПОРТРЕТИ.

Р. СОЛИҲОВА ПОРТРЕТИ.



ФАРИДА ПОРТРЕТИ.





«ЧОЙ» НАТЮРМОРТИ.



«ҚАҲВА» НАТЮРМОРТИ.

«ГЛАДИОЛУСЛАР» НАТЮРМОРТИ.



ОҚТОШ МАНЗАРАСИ.



ДИЛКУШО МАНЗАРАЛАР

Бир куни таниш эстрада қўшиқчиси шундай деб нолиди: «Санъатшунослар мени ҳар икки-уч йилда «кашф этиб» турадилар. Қани энди, яна бир марта, лекин узил-кесил «кашф этсалар» эди!..»

Худди шунга ўхшаш фикрни рассом Лайло Салимжонова ҳам ўз ижоди ҳақида айтиши мумкин, деб ўйлайман. Албатта, ҳар қандай йирик санъаткор ижоди хусусида қачонлардир «бир марта ва узил-кесил» хулоса чиқарилиши табиий. Аммо бу хулоса қачон ва санъаткорнинг қайси бадиий фазилатларига қараб чиқарилади? Агар санъаткорнинг омма томонидан тан олиниши бирданига юз берса, яъни танқидчилик ва томошабинлар айни санъаткор ижодида бугунги кун учун зарур бўлган умумий бадиий эҳтиёж «андозаси»ни кўрсалар, баъзан бундай ҳолларда шу санъаткор қандай тез «кашф этилган» бўлса, шунчалик тез унутилиши ҳам мумкин — чунки кечаги умумий бадиий «андоза» бугунги кун учун эскиради. Шу маънода Лайло Салимжонованинг асарлари турли-туман, кўпинча, бир-бирига зид баҳоларга сабаб бўлаётганлиги боисини тушуниш қийин эмас. Баъзи томошабинлар бу рассомнинг асарларини илк бор кўргандаёқ уларнинг жозибасига мафтун бўлиб қоладилар. Айримлари эса — улар орасида санъатга дахлдор кишилар ҳам оз эмас — ижодкорнинг ишлари ҳақида салбий фикрлар ҳам билдирадилар.

Бундай қарама-қарши фикрларга сабаб бўлаётган Лайло Салимжонованинг ижоди чиндан ҳам шу қадар зиддиятлими?

Рассомнинг асарларини, хусусан, пейзаж жанридаги ишларини синчиклаб кўздан кечирганда, унинг бадиий «мода» кетидан қувиб эмас, балки санъатнинг азалий қонуниятлари асосида ижод қилаётгани сезилади. У чизган пейзажлар табиат ҳақидаги мушоҳадалардан кўра кўпроқ санъаткор қалбида табиат уйғотган ранг-баранг туйғулар ифодасидек таассурот қолдиради. Бу ўринда гап рассомнинг баъзи асарлари хусусидагина бораётгани йўқ, умуман, Салимжонова ижодига хос етакчи хусусиятлар назарда тутилмоқда. Унинг пейзажлари — шунчаки тасодиф ёки тажриба — эксперимент эмас; улар она юртимизнинг фусункор манзараларидан туғилган чинакам ҳайратнинг рангин ифодасидир.

Ўзбекистоннинг дилкушо, сўлим масканлари, беқиёс гўзалликлари ҳар қандай таърифу тавсифдан баландлиги шак-шубҳасиз. Бироқ тасвирий санъатимизда ўлкамизнинг таровати бор гўзаллиги билан ҳали ўзининг бадиий баркамол ифодасини топган эмас. Шу маънода рассомнинг пейзажларидаги баъзи санъатшуносларга «юзаки ялтироқлик» бўлиб туюладиган ёрқин таъсирчанликка интилиши муҳим аҳамиятга эга.

Рассом кейинги йилларда бир қанча жиддий асарлар яратди. Бу асарлар санъатшунос олимларимиз учун муфассал таҳлилга, уларнинг фазилат ва нуқсонлари ҳақида чуқурроқ фикр юритишга — ниҳоят, «бир марта ва узил-кесил» хулоса чиқаришга имкон беради, деб ўйлаймиз.

Р. СОДИҚОВ

Абу Али ибн Синонинг 1000 йиллигига

ТОШКЕНТДА САҚЛАНАДИ

Жавоҳир хазинаси!.. Бу ташбеҳни Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтига нисбат қилиб бемалол айтса бўлади. Чунки мамлакатимизда бу турдаги энг нуфузли институтлардан бири ҳисобланган ана шу қутлуғ даргоҳда 70 мингга яқин нодир қўлёзма кўз қорачиғидек сақланмоқда. Кўпдан-кўп бебаҳо қўлёзмалар орасида буюк юртдошимиз Абу Али ибн Сино қаламига мансуб 57 қўлёзма асарнинг мавжудлиги бизни беҳад фахрлантиради. Булар Ибн Синонинг ўз қўли билан ёзилган эмас, балки турли асрларда ҳар хил хаттотлар томонидан кўчирилган нусхалардир.

Ибн Синонинг ўзи ёзган таржимаи ҳолида шундай бир жумла бор: «Хоразмда туғилган Абу Бакр ал-Барқий деган бир қўшним бор эди... Шу кишидан мендан китобларга шарҳ ёзиб беришни сўради. Мен унга йигирма жилдча келадиган «Ал-ҳосил ва алмаҳсул» деган китоб ёзиб бердим. Бундан ташқари, ахлоққа оид яна бир китоб ёзиб бердим. Номини «Китоб ал-бирр ва-л-исм» («Саховат ва жиноят ҳақида китоб») деб қўйдим. Бу икки китоб ундан бошқа ҳеч кимда йўқ. Чунки у китобдан нусха кўчириб олиш учун ҳеч кимга изн бермаган».

Ҳозир Ибн Синонинг жуда кўп қўлёзма асарлари жаҳон кутубхоналарида кўплаб сақланса-да, аллома эслатган икки асар бизнинг давримизгача етиб келмаган, айтиш мумкинки, Ибн Сино даврида кўчирилган нусхалар деярли сақланмаган.

Ибн Синонинг Шарқшунослик институтида сақланаётган асарларининг нусхалари мавзу жиҳатидан фалсафа, мантиқ, астрономия, табобат, табиатшунослик ҳамда метафизикага оид қўлёзмалардир.

Алломага даҳлдор 57 асарнинг 67 қўлёзма нусхаси орасида дунёда ягона ҳисобланган асарлар ҳам бор. Ибн Синонинг «Саломон — Ибсол» ҳамда «Юсуф» фалсафий қиссаларининг нусхалари дунёдаги ҳеч қайси кутубхонада йўқ, улар фақат Тошкентда сақланмоқда.

Ибн Сино қўлёзмалари орасида «Тиб қонунлари»нинг Қувадан топилган, XIII асрда кўчирилган нусхаси бор. Нусха «Қонун»нинг тўла қўлёзмаси бўлиб, бу ерда сақланадиган «Қонун»лардан энг қадимийсидир. Бешала китоб ҳам бир муқовага жо бўлган. Шунингдек, институтда Ибн Синонинг «Юрак дорилари», «Абу Али ибн Сино маъжуни», «Бадан сиёсати», «Дориларнинг фойдаси», «Исканжабин ҳақида рисола», «Ошиқларга қилинган туҳфа» каби асарлари қўлёзмалари ҳам бор. Қўлёзма асарлар ичида Ўрта Осиёнинг икки буюк олими — Абу Райҳон Беруний билан Абу Али ибн Сино ўртасидаги ёзишмаларнинг сақланиб қолганлиги фан тарихида жуда муҳим ўрин тутади. Унда астрономия, физика бобида қизғин баҳс юритилган. Фондимизда Ибн Синонинг бундай рисолалари анчадир. «Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Берунийга юборилган рисола», «Шайхурраисдан сўралган ўн масалага берилган жавоб», «Шайхдан унинг шогирди Баҳманиёр сўраган ўн масала ва бу масалаларга шайхнинг жавоби», «Бағдодлик олимларга юборилган рисола» шулар жумласидандир. Алломанинг фалсафага оид асарларида «Ақл ҳақида рисола», «Баъз ал-ҳикмат ал-мушриқия» («Мушриқия фалсафасидан парчалар»), «Мантиқ ва фалсафада ишора ва танбеҳлар», «Фалсафий билимлар қисмлари», «Ақлий илмлар қисмлари», «Донишмаи Алоий», «Илоҳиёт», «Таълиқот», «Аш-Шифо» китоби бўлими, «Мавжудотнинг тақсимоти — тавсифи» кабилар ҳам институт хазинасидаги бебаҳо бойликлардир.

Ибн Сино шеъриятига доир қўлёзмалардан бири тиббий достондир. Достон медицинанинг турли-туман мавзуларига бағишланган 1326 байт, яъни 2652 мисрадан иборат. Адабиётга даҳлдор бошқа бир қўлёзма Ибн Синонинг фалсафий асарлари қаторидан жой олган «Нафс ҳақида қасида»дир. Бу фалсафий қасидада тана билан «жон» муносабати ҳақида баҳс боради. Қасида асли йигирма байтдан ортиқроқ бўлишига қарамай, унга қирқдан ортиқ шарҳ ёзилган.

Нафс-руҳия масаласига Ибн Сино бир неча асарлар бағишлаган. Алломанинг шундай масалаларга бағишланган «Нафсни поклаш ҳақида рисола», «Нафсоний баҳслар ва ўнта ҳужжат», «Нафс аҳволи ҳақида рисола» каби асарлари ҳам бор. Ибн Сино 22 жилддан иборат «Аш-Шифо» асарининг бир жилди ҳам ана шу нафс ҳақидаги асардир. Бунда муаллиф психологияга доир турли масалаларга тўхтаб ўтади. Бундан ташқари институтимиз хазинасида Ибн Синонинг юқорида эслатганимиз «Саломон — Ибсол», «Юсуф» қиссалари, «Ҳайй ибн Яқзон» қиссаси шарҳи», «Қуш рисоласи» шарҳи ҳам бор. Фондимизда буюк олимнинг яна «Мухтасар Уқлидус» («Қисқача Эвклид геометрияси»), «Маърифат хазинаси» каби бошқа рисолалари ҳам сақланмоқда.

Бу нодир асарларни ўрганиш Ибн Сино дунёқарашини теран тушунишга ёрдам беради. Унинг шоҳ асарларидан бири саналган «Қонун»га аллома Маҳмуд ибн Масъуд Шерозий XIII асрда шарҳ ёзган. Фондимиз ўша шарҳдан кўчирилган бир нусхага ҳам эга. Шунингдек, Маҳмуд ибн Умар Чағминийнинг Ибн Сино «Қонун»и асосида уни шарҳлаб ёзган «Қонунча» асари, Абдулфаттоҳ ибн Саййид Исмоил ал-Ҳасаний ас-Султонпурийнинг «Шарҳ қонунча» асари, яна Муҳаммад Акбар Арзонийнинг «Шарҳ қонунча», Абулҳасан Алоуддин Али ал-Қурашийнинг «Қонун қисқартмаси» каби шарҳлари мавжуд. Бу шарҳлар турли даврларда «Қонун» асарига доир ёзилган бўлиб, тарих жараёнида буюк алломанинг шоҳ асари кенг тарқалганидан далолат беради.

Агар Ибн Синонинг институтимиздаги асарлари қўлёзмаларини мавзуларига ажратсак, қуйидаги манзара ҳосил бўлади: табобатга оид — тўққизта, ислом тарихига оид — ўн учта, адабиётга оид — олтита, астрономияга оид — иккита, табиатшуносликка оид — учта, этика ва фалсафага оид — йигирма тўртта асар қўлёзмасига эгамиз.

Шарқшунослик қўлёзмалари институти хазинасида сақланаётган бу асарлар кўп асрлар давомида шуҳрат қозонган Абу Али ибн Сино асарларининг бир қисмидир, холос. Буюк юртдошимизнинг кўп нодир асарлари бизгача етиб келганки, бу маърифатпарвар халқимизнинг илму дониш муҳофазаси йўлидаги жонбозлигини ёрқин кўрсатади.

Абдусодиқ ИРИСОВ,
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти катта илмий ходими, филология фанлари кандидати

Бозор НАМОЗОВ

Муслима аянинг айтганлари

«Муслимка» деган бугдой навини кашф этган Муслима Бегимовага

Сира ўйлабмидим, қолсам тилларда
Бир олтин бошоқдай «Муслима» бўлиб?
Сочилган ризқингни тердим қирлардан
Ва сенга тутқаздим юрагим тўлиб.
Мен кашф этмадим бу эзгу донни,
Асли она ернинг оппоқ сути бу.
Кўзимга суртгандай бир ушоқ нонни,
Оналик меҳридай асрадим мангу.
Менинг авайлаган доним саночда
Бу кун, болагинам, ризқинг онаси.
Кўргулик қилмасин кўзлари очга,
Қуёш нурин эмган буғдой донаси!
Нон авлиё, дерлар. Ўтмиш нақлидир.
Бизлар ҳам зор эдик тузсиз кепакка.
Отамиз Лениндек толеи анвар
Бахтингга бош бўлди дунёда якка.
Ўтмиш хотираси — найи шикаста,
Дилимдан чекинган зада армонлар.
Қарагин, кўзингда қуёш — гулдаста,
Бор экан-ку, ахир, шундай замонлар!
Ризқинг бут, бахтинг бут, болажонгинам,
Измингда бу кулиб турган замона.
Атом асри эмас, нон асридир бу,
Замон ҳам умрга бахшида Она!
Она доим чорлар меҳнатга, болам,
Йўқса аталарми ҳаётнинг боши.
Серташвиш дунё бу менинг ғамхонам,
Ижодкор меҳнатдир умринг наққоши!..

Шаҳрисабз

ҚАНОТ ЕЗГАН ТАШАББУС

Аввало бир неча рақам. Бу йигитлар бригада пудрати усулида ишлаб, ўнинчи беш йилликнинг тўрт йилида Бекобод Маъдан қазилмалар заводи учун 7,4 миллион тонна порфирит ташидилар. Бу 550 кишилик корхона бўйича ташилган жами юкнинг қарийб 40 процентини ташкил этади.

Бригадир Ҳабибулла Абдужабборовнинг ўзи Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлиги бўйича ўртача кўрсаткичдан тўрт баравар юқори унумдорликка эришди, бир йилда 130 минг тоннага яқин порфирит ташиди. У икки беш йиллик планини В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигига бажариш ниятида.

Республика Автомобиль транспорти министрлиги Бекободдаги 16-автотранспорт корхонасининг бригада пудрати тажрибасини оммалаштириш мақсадида республика миқёсида мактаб ташкил этди. Автотранспортчилар уни «Абдужабборов мактаби» деб атадилар.

Автотранспорт корхонасига бориб, бригадир билан учрашмоқчи бўлсангиз «Абдужабборовларнинг қайси бирини сўраяпсиз, улар бу ерда беш ака-ука», деган жавобни оласиз. Уларнинг тўнғичи Шукрулла ёши улғайиб, энди автобазада боғбонлик қилади. Убайдулла — слесарь, Ҳабибулла, Нурулла, Хайруллалар эса шофёр.

Ҳабибулла бу ерга 1957 йили ўрта мактабни битириб келган эди. Дастлаб мойловчига ёрдамчилик қилди. Кейин слесарь ёрдамчиси ва слесарь бўлди. Ишлаб туриб, корхона қошидаги шофёрлик курсида ўқиди.

1972 йили Бекобод Маъдансиз қазилмалар заводи ишга тушди. Корхона оғир бетон тайёрлаш учун керакли материаллар ишлаб чиқариши ва уларни республикамиздаги саноат корхоналарига, шунингдек, Ўрта Осиё республикаларига, Россия Федерацияси ва Қозоғистонга юбориши керак эди.

Янги корхонанинг режадаги қувватини ўзлаштириш анча қийин бўлди. Мутахассисларнинг кўпчилиги ёш, тажрибасиз, цехларда иш ҳар замонда тўхтаб қолди. Шунинг учун 16-автотранспорт корхонасида янги заводга порфирит ташийдиган шофёрлар бригадаси ташкил этилаётганда, унга бошлиқ танлашга алоҳида эътибор берилди. Кўпчилик бригадада смена бошлиғи бўлиб ишлаётган Ҳабибулла Абдужабборовни тавсия этди. Корхона директори Холиқберди Қорабоев уни ҳузурига чақириб, розилигини сўради:

— Иш ҳақингиз камайиб кетиши мумкин. Завод бизнинг ихтиёримизда эмас. Лекин...— дея директор йигитга синовчан қаради.

— Биламан. Мен коммунистман. Қандай вазифа топширилса, бажариш керак,— деди Ҳабибулла.

Бир йилдан кейин заводда иш юришиб кетди. Шофёрлар астойдил меҳнат қилиб, корхонанинг бир маромда ишлашини таъминладилар. Бригада юк ташиш бўйича кунлик, ойлик топшириқларини ортиғи билан бажарадиган бўлди. Саккизинчи беш йилликдаги юксак меҳнат натижалари учун Ҳабибулла Абдужабборов Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланди.

Маълумки, тўққизинчи беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажариш учун республикамизда «тўққизлар ташаббуси» бошланди. Бу ташаббус саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари ишчилари ва айниқса автотранспорт ходимлари ўртасида кенг ёйилди. Ҳабибулла бу ҳаракатнинг ташаббускорларидан эди. Партия ва ҳукуматимиз тўққизинчи беш йилликда юксак меҳнат кўрсаткичларига эришганлиги ва бригада пудрати усулини муваффақиятли жорий этганлиги учун Абдужабборни Ленин ордени билан мукофотлади. Бригада аъзоларидан — Ҳабибуллланинг акаси Нурулла Абдужабборов, Василий Скрепников, мусобақадош бригада бошлиғи Николай Ким Бутуниттифоқ Халқ хўжалиги ютуқлари Кўргазмасининг бронза медали билан тақдирландилар.

Бригада пудрати... Меҳнатни ташкил этишнинг бу усули дастлаб 1970 йили Москванинг йўлдош шаҳарчаси Зеленоградда донгдор қурувчи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Давлат мукофотининг лауреати Николай Злобин бригадасида жорий этилган эди. Тажрибада бригада пудрати — бошланғич меҳнат коллективига бошчилик қилишнинг янги, истиқболли шакли эканлиги тасдиқланди. Бу илғор усул хўжалик ҳисобига, яъни ҳар бир ходимнинг иш натижаларидан моддий манфаатдорлигига асосланган. Ишнинг таннархи арзонлаштирилиши натижасида олинадиган фойданинг ярми бригада аъзоларига устама мукофот тариқасида берилади.

Бригада пудрати тўққизинчи беш йилликда мамлакатимиз халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам қўлланилди. Республикамиз автотранспортида бу усул биринчи марта 1974 йили Бекободдаги 16-автотранспорт корхонасидаги Ҳабибулла Абдужабборов бошлиқ бригадада жорий этилди.



Корхона директори Ҳ. Қорабоев ва шофёрлар бригадаси бошлиғи Ҳ. Абдужабборов, Маъдан қазилмалар заводи директори С. Жабборов ва карьердаги механизаторлар бригадаси бошлиғи С. Собиров ўзаро тўрт томонлама йиллик пудрат шартномаси туздилар. 1979 йил учун тузилган шартномада бригада юк ташиш бўйича давлат планини муддатидан илгари —10 декабрда бажариш, планга қўшимча 120 минг тонна-километр юк ташиш, сменада ҳар бир шофёрнинг ўттиз марта қатнашига эришиш ва транспортдан самарали фойдаланиш коэффициентини 0,75 га етказиш, шунингдек, анча ёнилғи ва эҳтиёт қисмларни тежаш мажбуриятини олдилар. 16-автотранспорт корхонаси ва Маъдан қазилмалар заводи маъмурияти, завод механизаторлари бригадаси олган мажбуриятларда эса шофёрлар меҳнатини яхши ташкил этиш тадбирлари белгиланди. Мазкур шартноманинг бажарилиши учун тўрт томон ҳам моддий жавобгар саналади.

— Ҳозирги кўрсаткичларга одатдаги усулда эришиб бўлмасмиди?— деб сўрадик Ҳабибулладан.

— Йўқ. Илгари автокорхона маъмурияти истаган вақтда бригададаги шофёрлардан икки-уч кишини иш тиғизроқ бўлган бошқа объектга жўнатиши ёки машиналар ремонтини кечиктириб юбориши мумкин эди. Карьердаги экскаваторчилар ҳам бизнинг олдимизда масъулият сезмас эдилар. Энди эса ўртамизда шартнома бор...

Заводдан карьергача бўлган масофа икки километр. 28 ҳайдовчи ўзгарувчи график асосида ишлаб, уч сменада порфирит ташийди. Ҳар сменада олти шофёр ишлайди. Бундай қарашда икки чақирим масофага юк ташишнинг ҳеч қийинчилиги йўққа ўхшайди. Бироқ Бекободнинг кучли шамоли, қишнинг қор бўронлари ва жазирама ёзда улкан КрАЗ машинасини илон изидек тоғ йўлида ҳайдаб бориш осон эмас. Бу ҳайдовчидан маҳорат, бардош, матонат талаб этади.

Бригада янги усулга ўтгач, шофёрлар меҳнатни тўғри ташкил этишга ҳаракат қилдилар. Ўзаро ҳамжиҳатлик, иш натижасига қизиқиш меҳнат унумдорлигини оширишнинг муҳим омилига айланди. Мана, бир мисол. Йўлда автомашина шинаси ёрилса, шофёр бошқа бир машинада ўн чақирим наридаги корхонага шина учун бориб келарди. Натижада бир эмас, икки машинанинг вақти бекор кетиб, ёнилғи исроф бўларди. Бригада пудратида ишлашга ўтилгач, шиналар заводга кўпроқ келтириб қўйиладиган бўлди, шинани алмаштиришга кетадиган вақт кескин камайди.

Смена алмашганда ҳам ҳамма шофёрлар ўз машиналарида автобазага қайтар, сменачиларга машинани шу ерда топширар эдилар. Кейин смена иш жойининг ўзида алмашинадиган бўлди. Шофёрларни карьерга олиб бориб келиш учун автобус ажратилди. Шунингдек, машиналарни жорий ремонт қилиш, уларга ёнилғи қуйиш ҳам бевосита иш жойида бажарилади. Мана шу тадбирлар иккинчи даражали ишларга сарфланадиган вақтни қисқартириш, транспортдан янада самарали фойдаланиб, ташилаётган юк миқдорини ошириш имконини берди.

Албатта, ҳар қандай усулнинг муваффақиятли жорий этилиши аввало одамларга, уларнинг ғайратига, маҳоратига, ташаббускорлигига боғлиқ. Шу маънода республика автотранспортида биринчи марта бригада пудратини жорий этиш учун Ҳ. Абдужабборов бошлиқ бригада танланиб тўғри қилинган эди. Ҳабибулла ҳалол меҳнати билан жамоатчиликнинг эътиборини қозонди. У бир неча йиллардан бери Бекобод шаҳар партия комитетининг ва корхона партия ташкилоти бюросининг аъзоси. Коллективни яхши билади. Ўзи ҳам корхонадаги шофёрлар билан баравар меҳнат қилади. Бригада ихтиёридаги машиналар 60-йилларнинг ўрталарида заводдан чиққан, тез-тез ремонталаб бўладиган эски КрАЗлар. Аммо бригада аъзолари камида беш йиллик стажга эга бўлган, ҳайдовчиликдан ташқари слесарлик, электриклик, пайвандчилик касбларини яхши билган эпчил йигитлар. Машинага яхши қарайдилар, бирор ишкал бўлса тезда бартараф эта оладилар. Бригада аъзолари Ленин туғилган куннинг 110 йиллигига қадар ўнинчи беш йиллик топшириғини адо этишга, 30 минг сўмлик ёнилғи ва мойлаш материалларини тежашга ҳаракат қилмоқдалар. Бригаданинг етакчиси ҳам, коллектив ҳам бу ваъдани бажариш арафасида турибдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Абдужабборов бригадаси илғор тажрибасини шаҳар автотранспорт корхоналарида оммалаштириш тўғрисидаги қарорини Бекобод шаҳар партия комитети бюросида кенг муҳокама этиб, амалий тадбирлар белгиланди. 16-автотранспорт корхонаси коммунистлари ҳам бу муҳим ҳужжатни атрофлича муҳокама қилдилар. Йиғилиш материаллари шаҳардаги барча автотранспорт корхоналаридаги партия ташкилотларига ишлаб чиқиш учун тарқатилди. Абдужабборовнинг иш усули бўйича плакатлар босилиб чиқди. Шу йил январь ойида Абдужабборовнинг бригада пудрати усулини республикадаги барча автотранспорт корхоналарида жорий этиш ва оммалаштириш масаласи юзасидан республика семинар-кенгаши ўтказилди.

Бекобод шаҳрида тўртта автотранспорт корхонаси бор. Улар ҳар йили 20 миллион тонна халқ хўжалиги юклари ва 21 миллион йўловчи ташийди. Ўтган йил бу корхоналарда 7 бригада янги усулда ишлади. Бу йил эса уларнинг сони 26 тага етди.

Қудратли КрАЗлар чумолидай ўрмалаб портфирит ташиётган тоғ бағридан Бекобод шаҳри худди кафтдагидек кўриниб туради. 30-йилларда у ер кичкинагина посёлка эди.

Ҳабибулланинг отаси Абдужаббор Йўляхшиев ҳам Фарҳод ГЭСини қурган меҳнат ветеранларидан эди. У сув тегирмони қуришни, арава ясашни, иморат қуришни яхши биладиган қўли гул одам эди. Фарзандлари ҳам оталаридан ибрат олиб, меҳнатсевар, сергайрат бўлиб ўсдилар.

Кимки касбига меҳр қўйиб, ҳалол меҳнат қилса, унга ҳамиша омад ёр. Оддий шофёр Ҳабибулла Абдужабборов бошлаган ташаббус мана бугун республикамизда қанот ёйди.

Алиназар ЭГАМНАЗАРОВ

ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ

НИГОҲЛАРНИ СЕҲРЛАР РАҚСИ

...Дардли, вазмин куй қалбларга ларза солади. Раққоса оҳанг дарёсида оҳиста сузади. Унинг мусиқий хатти-ҳаракатлари юзлаб нигоҳларни сеҳрлаган. Туйғуга айланган ҳолатлар тасаввурга бостириб киради... «Асрлар ғамини сўйлаётган» «Муножот» куйидек оғир қисмат зарбаларидан қадди дол аёл — раққоса Маъмура Эргашеванинг теран драматик ҳаракатларида ифодаланган кечинмалардан томошабин қалбига ёғду ёғилади, ижрочи санъатига эса — олқиш...

Маъмура санъаткор оиласида дунёга келди. Онаси — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тўхтахон Рисметованинг ажойиб рақслари қизнинг юрагида санъатга меҳр уйғотди. Маъмура Тўқимачилар маданият саройи қошидаги болалар рақс ансамблига қатнаша бошлади. Ансамблнинг бадиий раҳбари Сора Мушеева унга рақс санъатининг нозик сирларидан бошланғич сабоқ берди.

Маъмура 1961 йили Тошкент Хореография билим юртининг классик рақс бўлимига ўқишга кирди. Бу ерда Ўзбекистон халқ артисти Қундуз Миркаримовадан таълим олди.

1969 йили СССР халқ артисти Мукаррама Турғунбоева ёш раққосанинг истеъдодини сезиб, уни «Баҳор» Давлат халқ рақс ансамблига ишга таклиф этди. Шундан буён Маъмура «Муножот», «Фарғона рубоийси», «Катта ўйин», «Тановар», «Нозанин» сингари миллий рақсларни маҳорат билан ижро этиб, санъатдаги ўз йўналишини топишга интилмоқда. Айниқса, машҳур доирачи Қаҳрамон Дадаев билан биргаликда яратилган «Доира ўйини» минглаб серзавқ томошабинлар олқишига сазовор бўлмоқда.

«Баҳор» рақс ансамбли Иттифоқимизда машҳур, айни пайтда, хорижий мамлакатларда ҳам довруқ қозонган. Маъмура Эргашева ансамблнинг бир гуруҳ санъаткорлари сафида 1972 йили Польша, Чехословакия, 1973 йили Болгарияда концерт берди, шу йили ГДРда ўтказилган Жаҳон студент ва ёшларининг халқаро фестивалида ўз санъатини намойиш қилди. «Баҳор» ансамбли Ироқ, Бельгия, Ангола, Лаос, Руминия, Англия, Швеция, Финляндия, Италия сингари мамлакатларда қадимий ва навқирон ўзбек санъати туфайли қозонган оламшумул довруқда Маъмура Эргашеванинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. У 1978 йили Кубада ўтказилган Жаҳон студент ва ёшларининг халқаро XI фестивалида қатнашди, 1979 йили АҚШда ижодий сафарда бўлиб, турли элатлар вакилларини ўзбек миллий рақслари гулдастаси билан хушнуд этди.

Ўтган йил октябрь ойида «Баҳор» рақс ансамбли коллективи Франциянинг йигирмадан ортиқ шаҳарида ишчилар билан учрашувлар ўтказди, қизиқарли концертлар намойиш этди. 20-йиллардаёқ ўзбек социалистик санъати асосчилари — Муҳиддин Қори Ёқубов, Тамарахоним туфайли халқимизнинг кўҳна санъатидан баҳраманд бўлган француз меҳнаткашлари ўша улкан маданият намояндаларининг ижодий ворислари — «Баҳор» ансамбли раққосалари маҳоратини қизғин олқишладилар. Францияда ўтказилган Ўзбекистон кунлари республикамизнинг илм-фан жабҳасидаги ютуқларини, санъат соҳасидаги беқиёс зафарларини кенг намойиш қилди, халқлар ўртасидаги маданий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ишига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди. Айниқса, Париж, Лион, Орлеан, Марсель, Тулуза, Вирзан, Амьен, Саргемин шаҳарларида кўрсатилган катта концерт программалари «Баҳор» ансамбли шуҳратини янада оширди. Франция матбуотида ўзбек санъаткорлари, жумладан, истеъдодли раққоса Маъмура Эргашева шаънига кўпгина илиқ фикрлар билдирилди.



Францияда ўтказилган Ўзбекистон кунларида қатнашган «Баҳор» рақс ансамбли юртимиз санъатини моҳирона намойиш этиб, катта довруқ қозонди. Нанта шаҳрида чиқадиган «Форум» журналининг 1979 йил, 12-сонида босилган «Баҳор Ўзбекистондан келади» сарлавҳали мақолада ўзбек раққосаларининг ажойиб санъати хусусида, жумладан, шундай дейилади: «Назокат ва гўзаллик ўзбек рақсларининг бутун руҳига сингиб кетган. Ёркин ранглар ва бетакрор мусиқий оҳанглар ажиб уйғунлик касб этган бу қадар латофатли, жозибадор рақслар камдан-кам учрайди. Юксак профессионал маҳорат билан ижро этилган бу рақслардан Шарқнинг муаттар ва тароватли бўйлари уфуриб туради». Ана шу журналдан олинган бу суратда раққоса Маъмура Эргашеванинг «Муножот» рақсини ижро этаётган пайти акс эттирилган.

Маъмура жаҳон халқлари рақсларини, айниқса, арабча ўйин, тожикча «Санаме» рақси, Куба халқ рақсларини юксак маҳорат билан ижро этса-да, лекин унинг иқтидори ўзбек миллий куйлари асосидаги рақсларда яққол намоён бўлмоқда.

— Мен ўзбек классик рақсларини ҳамиша ҳаяжон билан ижро этаман,— дейди Маъмура Эргашева.— Чунки қадимий рақсларимиз ички кечинмаларга бойлиги, мусиқийлиги билан томошабинларни ҳанузгача мафтун қилади. Барча ўзбек раққосаларининг онахони — устозим Мукаррама опа саҳналаштирган рақсларда миллий унсурлар ёркин ифода топган. У бизни санъатга зўр эътиқод руҳида, классик рақсларни маромига етказмасдан саҳнага чиқмаслик, тинимсиз машқ ва меҳнат руҳида тарбиялаган эди. «Саҳнада раққоса шунчаки «хиром айлаши» эмас, куюниб, суюниб яшаши керак», дея уқтирарди устозимиз. Мукаррама опа саҳналаштирган рақсларни биз ҳамиша завқ билан тўлиб-тошиб ижро этамиз. Асосий вазифамиз ҳам репертуаримизда ана шундай ўлмас рақсларни янада кўпайтириб, Мукаррама опа мактабини садоқат билан ижодий давом эттиришдан иборат.

Рақсдек мураккаб ва қадимий санъатда ўз услуби, ўз йўлини излаётган Маъмура Эргашеванинг меҳнатлари муносиб баҳоланмоқда. У 1976 йили Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати, 1978 йили Жаҳон студент ва ёшларининг XI халқаро фестивали лауреати, худди шу йили Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист деган юксак номларга сазовор бўлди.

...Саҳнада вазмин, салобатли бир оҳанг ҳукмрон. Нигоҳларни нозик адолару ботиний истиғнолар, унсиз фарёдлар, тошқин шодликларни нафис ҳаракатларда ифода этаётган раққоса сеҳрлаган — Маъмура Эргашева рақсга тушмоқда...

Тўрамирзо ЖАББОРОВ



Муҳиддин ЖАББОР

Баҳор навоси

Баҳор фасли хуш этди кенг жаҳонни,
Адирлардан эсди сарин саболар.

Қушлар куйи тутмиш мовий самони,
Гул қошида булбул айлар наволар.

Севар кўнглим бу дилнавоз баҳорни,
Баҳор қучиб эъзозлар ҳур диёрни,
Зилол сувлар тарқатади хуморни,
Муаттар бўй бахш этади ҳаволар.

Бу кун кўҳна дунё лабида ханда,
Юр, лола сайлига қирлар кулганда,
Кўнглим ороланур сени кўрганда,
Бўйларингга бўлсин жоним фидолар.

Баҳор фасли хуш этди кенг жаҳонни,
Адирлардан эсди сарин саболар.

Қушлар куйи тутмиш мовий самони,
Гул қошида булбул айлар наволар.

* * *

Йигит юрагига ўт солмиш дилдор,
Аммо у ёндирар қилиб интизор.
Ўзи ҳам ёнармиш, ёнармиш, гўё —
Ёнмоқнинг ўзида бахтиёрлик бор.

* * *

Ёлғоннинг думига ёлғон улайди,
Ўзи ҳам баъзида рост деб ўйлайди.
Бир одам ҳақиқат сўзин айтганда —
У дейди: «Ҳамиша ёлғон сўйлайди».



БИР ЧИМДИМ НУР

Тарихий мавзуда бадиий асар ёзишнинг келажак ҳақида фантастик қисса ёзишга қандайдир ўхшашлиги бор. Лекин ҳар иккала ҳолда ҳам муайян қийинчилик ва муайян афзалликлар бўлади. Айтайлик, фантастика жанри қийин: келажакда ҳамма нарса бугунгидан бошқача бўлиб кетади, деб ўйлайсиз. Лекин бари бир қаҳрамонларингизнинг характери «бугунги», «йиғма» бўлиб қолаверади. Афзаллиги шундаки, автор ўз концепцияларини ҳеч тортинмай илгари сураверишн мумкин. Тарихий мавзуда асар ёзганда эса, кўп ҳолларда тайёр, конкрет хом ашё материалларга суянасиз. Лекин қийин жиҳати — олис замонда яшаган шахсга ижод лабораториянгизда тайёрлаган жон, руҳдан қайта ҳаёт бахш этиб, «Мана бунақа яшаган эдилар фалончи ҳазратлари!», дейишдир.

Муҳаммад Хоразмий — туғилган ватани Хоразм сингари беҳад улкан довруқ ва беҳад мураккаб тақдир соҳиби. Бир тошган дарёнинг яна бир тошиши бор, дейдилар. Араб истилоси Урта Осиё халқларининг ўтмиш маданиятини ана шу маданиятни етилтирган оташпарастлик ўчоқларида ёндириб юборди. Лекин халқнинг қони унутилган анъаналарни қайта жонлантира олиш хусусиятига эга. Урта асрда исломнинг яшил булути оша юлдузларга талпинган юзлаб минглаб буюк алломаларимиз бугун ўша эски анъаналар шиддатидан қайта туғилмоқдалар.

Хоразмийлар яшаган ва ундан кейинги бир неча аср ҳақида ўйласак, кўз олдимизда беихтиёр антик дунё жилолари пайдо бўлади. Бу — кишилик маданияти тоғ тизмалари мисол бир текис юксалган давр. У бугун ҳам Везувийга ўхшаб ўтли оҳ тортиб, замонлар тўлқини орасидан ёлқинланиб, кўплаб тафаккур кемаларига йўл кўрсатиб туради.

Урта аср Урта Осиёси антик маданиятни янгилаб такрорлади. Энди ҳамма нарса ўз ўрнига тушиб кетадигандек эди. Аммо мислсиз тарихий силжишлар ва асосан даҳшат қуюни — Чингизхоннинг қора ангоми халқимиз асрлаб йиққан камалак рангларни ютиб, тўзитиб, кўмиб юборди.

Лекин минг йиллик таъқиблар, дарбадарликлар сўнгида кўплаб хоразмлик алломалар бугун яна ўша ҳорғин Везувийга ўхшаб, дунёнинг у ёқ-бу ёғидан камтарин, аммо юксак зиё билан қад кўрсатмоқдалар. Буюк қомус ул-улум, ҳайраткалом зот, туғилганидан минг йиллар кейин — бугун дунёнинг ҳамма мактабларидаги ўқувчилар билиб-билмай номини ўз жилдларида олиб юрган ғаройиб инсон Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий юқорида таърифлаганимиз буюк хоразмликлардан биридир.

«...Қаранг-а, мунча оқ қуёшнинг нури!
Аммо ерга сингиб, иситгани он,
У беҳисоб рангда яшар барқ уриб,
Турфа бўёқларда бўлар намоён!
Олис ватандошим ақли закоси
Шу зайил бўлмишдир давронимга нақш.
Таъзим, ЖАБР илмин буюк даҳоси.
Сенга, сенга этгум қўшиқларим бахш...»

Бизнинг замонимиз ўтмишнинг маълум-номаълум йўлчиларига оқиста эшик оча бошлади. Келажакка бир-икки киши билан етиб бўлмаслиги, уни бир-икки кишигина қура олмаслиги бугун яхши аён. Келажак беҳисоб изланишлар, «тажрибалар» эвазига бунёд бўлади. Шоир Рўзимат Отаевнинг «Ал-жабр» достони олимнинг ҳаётини ҳам конкрет, ҳам шартли материаллар орқали кўрсатади. Достонда биз буюк шахс, буюк ижодкорнинг ҳамма замонларда зарур, барча оддий кишиларга ҳам асқатиши мумкин бўлган инсоний сифатларини илғаймиз. Асар хотимасида Муҳаммад Хоразмий кўп халқларни қўрқувда тутган, одамларга бахт ва ёруғлик йўлини тўсган «жазо» ғорининг сирини очишга аҳд қилади. У қоронғи ва уқубатли йўлга азм этади. Бу билан «ташқари»да ҳам шундай йўлсизлик, зулумот ҳоким эканини тасдиқламоқчи бўлади. У ўзининг ёркин ақли, юксак мантиқли фикрати ва оламқамров хаёлот кучи туфайли сўнгсиз ғор тўрида бир чимдим нур кўра олади. Бу — ўрта аср қаъридан туриб келажакка йўналтирилган умид ва ишонч нури! Бу — кўҳна маданиятимизнинг Муҳаммад Хоразмий қалби орқали ўтган ва бизга етиб келган бир даста шуъласи!

Омон МАТЖОН,
Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати

Рўзимат ОТАЕВ

ЖАҲОЛАТ САҲРОСИДА

„Ал-жабр“ достонидан парча

Автор

Ана, Байт ул-Ҳикма — Донишлар уйи[1]
Нур тўкиб турибди сокин, улуғвор.
Не-не муаммолар, жумбоқлар — бари
Шу ерда ечилиб, кўрсатар рухсор.
Шу қасри олийнинг дарвозасида
Поякилик қилиб ўлтирар бир чол.
Муҳаммадга[2] савол ташлар баъзида,
Лекин кўп сўзламас келгандай малол.

Муҳаммад

Ота, кирсангиз-чи сиз ҳам ичкари,
Чеҳрангизда порлзр зеҳнингиз кучи.

Пояки

Э, болам, кўрмай ҳам, куймайин... Бари,
Бариси гумроҳдир — онг чалғитувчи.

Муҳаммад

Наҳотки?

Пояки

Албатта, донишлар ҳам бор...
Аммоки, уларни бетавфиқ даврон
Ирмоқларни сиққан тош соҳиллардай —
Қисиб, руҳан ўртар, эзар беомон.
Азим мадрасалар тупроғин ялаб,
Илму ҳикматларни очгандим мен ҳам.
Бироқ сўзингга ҳеч бўлмаса талаб,
Оёқ қўйган жойинг мудҳиш жаҳаннам —
Сўқирлар ичида яшаб турсангу
Кундуз ёруғ, десанг, ишонарди ким?
Баридан қўл силтаб, дедим-да, ёҳу,
Бу телба дунёдан кўзимни юмдим...

Муҳаммад

ўзича

Мангулик олдида умр — бир нафас,
Аммо шу бир нафас ўзи бир жаҳон.
Кимдир кенг жаҳонни қилар тор қафас —
Кишансиз кишанда яшайди инсон!
Ер одам хокидан борар семириб,
Ҳаёт — ёниб турган чексиз аланга.
Инсон шу оловга ўзини уриб,
Куйса ҳам талпинар фақат ўшанга.

Автор

Байт ул-Ҳикма қайнар, мисоли қозон,
Аҳли донишлару ёш талабалар
Жам бўлиб юлдузлар янглиғ, ҳар азон —
Ишлашар, баҳслашар... Баҳслар авж олар:

Биринчи талаба

Адосиз туллару[1] сон-саноқсиз арз[2]
Куррани чулғамиш қон томиридай.
Қай бир зовияда[3] тоғ нураши, дарз,
Қай бир зовияда чечак гуллагай.

Иккинчи талаба

Уфқсиз макону сўнгсиз учқур вақт —
Шу улфат-ёронлар улуғ бирлиги
Узлуксиз ҳаракат моҳияти нақд!
Шулар таъмин этар ернинг ҳурлигин!

Автор

Мунозараларга қулоқ осиб жим,
Ўйчан кириб келар Муҳаммад, ана.
Даст ирғиб турганча шунда Фарғоний[1]
Таъзим бажо қилиб сўзлар қувона:

---

[1] Бу илм маркази VIII аср охири IX аср бошларида шуҳрат қозонган, унга Хоразмий бошчилик қилган.

[2] Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий 780 йилда туғилиб, 830 йилда вафот этган деб тахмин қилинади.

[1, 2, 3] Арабча — меридиан, параллель, бурчак.



Расмни Б. ЖАЛОЛОВ чизган

Фарғоний

Устоз!.. «Ал-жабр»ни ўқидим кеча...

Муҳаммад

Фикр уйғотдими?

Фарғоний

Не десам экан?

Муҳаммад

Онҳазрат: «Тезроқ битказгин!», деган.

Фарғоний

Ўтмиш авлодларнинг Зижида саҳв —
Махфий қолиб кетган сирларни рўй-рост,
Дадил таҳлил этиб, қилибсиз маҳв,
Ҳайронлик пардасин йиртибсиз... Хуллас,
Жамики ёзилган асарлар аро
Замонлар ўтса-да энг бир бақоли,
Маконлар алмашса ҳамки, тобора —
Саботлироқ бўлиб қолгуси... Олий!

Муҳаммад

Миннатдорман.

Фарғоний

Менга айтган бир сойил[2]
Олтин конларининг қудуқларидан
Топдим марваридга ўхшаш бир маъдан —
Ноёб чиғаноқлар жамғардим хил-хил.
Эмишки...

Муҳаммад

Қуруқ гап!

Фарғоний

Дунёвий тўфон —
Чиндан содир бўлган бўлса-чи бир вақт?

Муҳаммад

Жоҳиллар қўлида бу кўҳна жаҳон
Не-не тўфонларни кўрмаган?!

Фарғоний

Бу ҳақ!

Муҳаммад

Поякини кўринг, унинг қисмати —
Давр тўфонлари бахш этган самар.
Эзгулик йўлида қилган хизмати
Сарсонкесак қилиб ўзлигин кўмар.
...Чиғаноқ!.. Фозиллар берурлар таълим —
Замин тахмондаги кўрпадай қат-қат.
Буюк меҳварида курраи азим
Ётиқ чизиқ бўйлаб қилур ҳаракат.
Шул сабаб ўзгарар ҳудудсиз дунё,
Кўкўпар тоғлар ҳам емирилар тенгсиз.
Тақир чўл бўлгуси энг чуқур дарё,
Яйдоқ чўл ўрнида мавж урар денгиз.
Она табиатнинг қонуни шундай:
Шоҳликлар йўқолиб кетар кукундай.
Фақат ҳаққоний сўз, меҳнат ва башар
Ўлим нималигин билмасдан яшар!

Мутакаллим[1]

Қулоқ солиб турсам ҳар бир сўзингиз
Пойдор шариатга тушмоқдадир тик.
Худодан қўрқингиз... Ахир ўзингиз
Кимсизки, исломга тил тегизгулик?!

Муҳаммад

Тақсир, дин ҳақида гап бўлгани йўқ,
Баҳсимиз мавзуи — асрори илм.

Фарғоний

(қизишиб)

Дўзах ва худо деб урмоқдасиз дўқ,
Айтинг-чи, худони ким кўрибди, ким?

Мутакаллим

Ақлсиз экансиз, э, осий ўғлон!

Фарғоний

Сабаб?

Мутакаллим

Борми, ахир, ақлдан қатра?

Фарғоний

(истеҳзоли кулиб)

Қизиқ гап...

Мутакаллим

Жуда соз! Уни ҳеч қачон
Кўрмоқлик муяссар бўлганми сира?

Фарғоний

Ақл модда эмас — кўринмас ҳеч вақт,
Фаҳмимча, ақл — бу маҳсули мия.

Мутакаллим

Ўзингизда мавжуд ақлни, бадбахт,
Кўролмай, худони кўрдингми, дея,
Савол бермоқдасиз, олими замон,
Шунча бўлгай мантиқ, сўз эътибори!
Тангри покиза ҳам латифлигидан
Бу макруҳ оламдан турар юқори!
Унинг на жисмию ва на шакли бор,
У билан бўлолмас ҳеч ким ҳамдийдор.

Муҳаммад

Демакки, ўшал ҳар икки тушунча
Инсоннинг ўзида мавжуддир азал?

Мутакаллим

Аҳсан![1]

Муҳаммад

Сўз талашмоқ не ҳожат шунча?

Мутакаллим

Худо — қалбда!

---

[1] Абул Аббос ибн Муҳаммад ибн Каср ал-Фарғоний, IX аср бошларида туғилиб, 870 йилда вафот этган.

[2] Сойил — савол берувчи, сўровчи.

[1] Дин олими.

[1] Таҳсин.

Муҳокама, мулоҳаза, мунозара

ШАХСИЙ ХЎЖАЛИКНИНГ УМУМИЙ ТАШВИШЛАРИ

ТОМОРҚА эгаси ердан сабзавот, полиз ноз-неъматлари ва турли мевалар етиштириб ўз оиласини таъминлайди, ортиқчасини бозорга ёки тайёрлов пунктларига сотади. Хонадон бошлиғи томорқасида болаларини меҳнатга ўргатади. Булар ҳаммаси томорқанинг ижтимоий аҳамиятини белгилайди. Унинг иқтисодий аҳамияти эса бундан ҳам катта. Шу ўринда биргина рақамни келтириш кифоя. Республикамиз областларида томорқалар суғориладиган майдоннинг 8—10 процентини ташкил этади. Булар сувдан, қуёш нуридан баҳраманд бўлган энг унумдор ерлардир. Давлат томонидан берилган ана шу бебаҳо хазинадан фойдаланмай, уни ўз ҳолига ташлаб қўйиш — нақдгина неъматни увол қилишдир.

Шахсий қорамол, қўй-эчки, паррандa, от ҳақида ҳам худди шундай фикрни айтиш мумкин. Бурноғи йилнинг ўзида Самарқанд областида индивидуал сектор орқали 4 минг 500 тонна гўшт, 4 минг 400 тонна сут, 4,6 миллион дона тухум; кўплаб қоракўл тери, жун ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари тайёрланди. Шунингдек, сабзавот ва полиз маҳсулотлари тайёрлаш миқдори ҳам кескин кўпайди.

Аммо бизда кўп йиллар томорқачилик ва шахсий чорвачиликка эътиборсиз қараш, уни ҳатто эскилик сарқити санаш ҳоллари бўлгани маълум. Бунинг бир қанча сабаблари бор эди, албатта. Баъзилар томорқани фақат хусусий мулк деб камситган бўлсалар, яна бир тоифа кишилар томорқани шахсий бойлик орттириш манбаига айлантириб, унинг эътиборини туширдилар. Айрим раҳбар ўртоқлар эса партиямизнинг ихтисослаштириш, марказлаштириш тўғрисидаги қарорларини бир томонлама тушуниб, майда хўжаликлар, шу жумладан, ёрдамчи ҳамда шахсий хўжаликларга кескин чек қўйдилар.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1977 йил сентябрь ойида шахсий ва ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш ҳақида қабул қилган қарори ҳамда КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил Июль ва Ноябрь пленумларидан кейин шахсий хўжаликларга муносабат тубдан ўзгарди. Лекин бу соҳада амалга оширилаётган ишларни ҳали ёппасига мақтовга сазовор деб бўлмайди. Чунки майда хўжаликларда шундай муаммолар учрайдики, уларни ҳал этиш борасида жамоатчилик ҳам ўз ҳиссасини қўшиши керак. Бунинг учун эса махсус кенгашлар, баҳслар ўтказиш, кенг миқёсда фикр алмашиш зарур.

Шахсан ўзим колхоз территориясида яшайман, колхоз Уставига яраша томорқам бор. Бинобарин, томорқаси борлар ва шахсий мол боқувчиларнинг барча ташвишлари менга ҳам аён.

Маълумки, колхоз-совхозлар шахсий томорқаларни шудгорлаш учун трактор ажратмайди. Томорқачилар эса баҳорда ёнларидан пул тўлаб трактор ёллашга мажбурлар. Қишлоқда омочлар тугатилганига кўп йиллар бўлди. Ўн-ўн беш сотих ерни кетмон ёки белкуракда ағдариш — машаққатли. Натижада сиз трактор-чини жиноятга тортасиз. (Ахир, трактор ва ёқилғи унинг шахсий мулки эмас-ку!)

Самарқанд областидаги баъзи тадбиркор раислар томорқаларни колхоз ҳисобидан шудгорлаб бериш ташаббуси билан чиқдилар, аммо бу масала ҳеч бир жойда расмийлаштирилмагани республика Қишлоқ хўжалик министрлиги, Молия министрлиги маълум тартиблар, нормалар, прейскурантларни ишлаб чиқмаганликлари сабабли ноқулай вазиятда қолдилар ва оқибатда бу ишга барҳам бердилар.

Қурғоқчилик йиллари кўп жойларда томорқалар сувсиз қолиб кетади. Чунки пахтага оқаётган сувни очишга, табиийки, ҳеч ким журъат қилмайди. Ахир, томорқа ҳам қарийб давлат мулки, эгаси унинг учун солиқ тўлаган. Шундай экан, у ўзига тегишли сувни олиши, бунга бирон қоида ўрнатилиши керак. Лекин сув тақсимоти чоғида томорқалар ҳисобга олинмаслиги таажжубли ҳол. 8—10 процент суғориладиган ер томорқага ажратилган экан, Сув хўжалиги министрлиги уни қонуний сув билан ҳам таъминлаши зарур.

Томорқа учун уруғлик ажратиш масаласи ҳам кўзда тутилган эмас. Натижада томорқачилар уруғни ўзлари етиштирадилар ёки уни бозордан харид қиладилар. Минерал ўғит-чи, уни қаердан топиш мумкин? Уни сотиб олиш ҳам жиноят ҳисобланадику?

Ортиқча маҳсулотни давлатга сотиш борасида кўп гаплар бўлаётганига қарамай, бир масала ҳамон ижобий ҳал қилинмаётир. Ҳамма томорқачилар ҳам етиштирган маҳсулотларни бозорга чиқариб сотишга имкон тополмайдилар, баъзилар эса эп кўрмайдилар. Бу вазифани тайёрлов идоралари ўз зиммасига олиши, зарур бўлганда шахсий хўжалик эгалари билан шартнома тузиб, маҳсулотни колхоз дўконлари, сабзавот магазинлари орқали сотишни уюштириши зарур. Бу тадбир бир қанча муаммоларни ҳал қилиш имконини беради. Энг муҳими, томорқачилар ва колхоз бозорлари мавқеини тушираётган чайқовчиларни йўқотишнинг муҳим омили бўлади.

Шу ўринда яна бир таклифни ўртага ташлаш лозим. Сўнгги йилларда район марказларида бир қанча янги ташкилот ва муассасалар ташкил топди. Жумладан, шахсий машиналар, шахсий уйларни ремонт қиладиган корхоналар ишлай бошлади. Шахсий хўжалик, яъни томорқаларни ҳам шудгорлаб берадиган, уни уруғлик ва ўғит билан таъминлайдиган ташкилот очиш пайти келмадимикан?

Ҳозир қишлоқда мол боқиш мушкул иш. Самарқанд областида шахсий мол боқмоқчи бўлганларга давлат томонидан қарз бериш, шахсий сигирларни наслли буқалардан қочириш ишлари йўлга қўйилди. Аммо бари бир шахсий хўжаликлар молни кўпайтирмаётирлар.

Бунинг сабаблари ҳаммага аён: мол боқиш учун ем топиш қийин. Бўз, партов, қўриқ ерлар ўзлаштирилди, аксарият жойларда пода боқиладиган ерлар камайиб кетди. «Узбекбирлашув» правлениеси ҳар бир область ҳисобига шахсий хўжалик учун 10 минг тонна атрофида аралаш ем ажратаётгани қувонарли ҳол. Лекин бу жуда оз: ҳар бир сигирга 7 килограммдан тўғри келмоқда. Ваҳоланки, шахсий хўжаликларда сигирлардан ташқари, қўй-эчкилар, бузоқлар, товуқлар, отлар, чўчқалар ҳам йўқ эмас. Бироқ шуниси ачинарлики, баъзи жойларда ўша 7 килограмм ем ҳам шахсий молларга етиб бормаётир. Шунинг учун шахсий хўжалик эгалари ўз томорқаларига сабзавот, полиз экинлари ўрнига озуқа экинлари экишга мажбур бўлмоқдалар. Икки-уч йилдан бери баъзи тадбиркор раислар колхозчиларга арзон нархда сенаж ва силос сотишни йўлга қўйдилар. Бу ташаббусни қўллаб-қувватлаш, оммалаштириш ҳар томонлама фойдалидир.

Шахсий мулкда фақат томорқа ва шахсий молдан солиқ олинади. Республика Молия министрлиги бир неча йилдан бери ана шу солиқ миқдори, тартибини қайта кўриб чиқиб, вазият ва шароитга қараб такомиллаштирган эмас.

Ҳозирги пайтда қишлоқ Советлари ва район тайёрлов идоралари томорқаларни ўз оталиқларига олишлари кечиктириб бўлмайдиган вазифадир. Бу икки ташкилот шахсий хўжаликни бошқариши мумкин ва зарур. Ваҳоланки, улар томорқачилардан солиқ ундиришдан нарига ўтмаётирлар. Шахсий хўжаликларни зарур воситалар билан таъминлаш, уларни агрономия, зоотехника, ветеринария хизматидан баҳраманд этишни қишлоқ Советлари ва тайёрлов идоралари зиммасига юклаш керак!

Яна бир муҳим масала шундан иборатки, ҳозир республикамиз қишлоқларида бўлсангиз, томорқаларда фақат чоллар, кампирлар ишлаётганини кўрасиз. Ёшлар ва ўсмирларни камдан-кам учратасиз. Ҳолбуки, ишдан кейин вақтларини нуқул телевизор қаршисида, турли зиёфатлар, пиво дўконлари олдида ўтказгандан кўра, жисмоний меҳнат қилиш ўзлари ва жамият учун фойдали эканини уларнинг онгига оилада, қолаверса, мактаб партасида сингдириш керак.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1977 йил 14 сентябрда «Колхозчилар, ишчилар, хизматчилар ва бошқа гражданларнинг шахсий, ёрдамчи хўжаликлари, коллектив боғдорчилик ҳамда чорбоғчилик тўғрисида» деб қабул қилган қарорида бу муаммоларнинг энг муҳимлари тилга олинган ва уларни ҳал этиш тегишли ташкилотларга юклатилган. Қарорда, жумладан, имкони бор жойларда томорқаларни кенгайтириш, моллар туёғини кўпайтириш, қишлоқ зиёлилари — ўқитувчилар ва врачларнинг шахсий хўжаликлардан манфаатдорликларини ошириш, коллектив боғлар, чорбоғлар ташкил этиш муҳим вазифа қилиб қўйилган. Мазкур қарорни амалга ошириш кечиктириб бўлмайдиган вазифадир.

Нусрат РАҲМАТОВ
Самарқанд области

Фарғоний

Ақл — мияда!

Муҳаммад

Тугал

Бир фикрга келдик — айни муддао
Инсон туғилишда гўштдир бир парча
У ўсиб-улғайиб, ақл ҳам худо
Ва ўзида мавжуд ҳис борки барча —
Муҳит таъсирида кашф этар уни!

Мутакаллим

Биллоҳ, сен Қуръонга келтиряпсан шак,
Инкор қилмоқдасан парвардигорни!
Пушаймон бўлурсан ўкиниб бешак.
Тонг отиб, кун ботар, туғилар одам,
Бариси — яратган эгам ҳукмида!

Муҳаммад

Булар бўлаверар худовандсиз ҳам.

Мутакаллим

Воллоҳ биссавоб![1] Эй, худо денг, худо!

[1] Чин ҳақиқатни фақат худо билади, дегани.

Муҳаммад

Майли! Сиз айтганча бўлсин ҳам, майли,
Жамики одамзод — худо бандаси.
Нечун тескаридир замона зайли,
Фалакни титратар забунлар саси:
Кимдир дин номидан кўтариб қилич
Ўзгалар диёрин ёндирар, талар?
Бир халқ худованднинг эрка ўғлию
Ўгай саналарми ахир бошқалар?

Мутакаллим

Бу фоний дунёда не бўлса содир
Бариси оллодан... У бермас жавоб.
Меҳрибон расулнинг бурҳони[1] шулдир:
Ғайри дин қонини тўкмоқлик савоб!

Муҳаммад

Нечун? Уларнинг ҳам эътиқодлари,
Урфу одатлари, мафкураси бор!

Мутакаллим

Ислом хорижида ботилдир[2] бари,

[1] Исбот, далил.
[2] Нотўғри, сохта.

Муслим дунёсидан ўзгаси — бекор!
Ҳабис[1] динлиларни раият санаб,
Гуноҳ ботқоғига бўлмоқдасиз ғарқ.

Муҳаммад

(хиёл кулимсираб)

Ё оллоҳ!

Мутакаллим

Масхара қиляпсиз кулиб,
Биллоҳ, туролмайман бу ерда мутлоқ!

Муҳаммад

(ўйчан)

Афсус! Минг афсуски, авлоди башар
Тушуниб етмаган нарсага ўзи
Ўта душманлик-ла боқади кўзи,
Жаҳолат саҳроси ичра адашар.
Биз яшаб турган бу носоғлом дунё
Ҳавоси бузилган коронғи ғордир,
Ёлғиз бир йўлаги, эшиги бордир!..

[1] Пасткаш, бадкирдор.

Оқилжон ҲУСАНОВ

СОВҒА

Қисса

Ҳамқишлоқлар

СУВСИЗЛИКДАН қақраб ётган чўл. Узоқларда яккамдуккам ўсган юлғун тупи кўзга ташланади. Куз ва қиш давомида изғиринларга ўйинчоқ бўлган туяқорин билан қуёнжуни ҳам бошқа гиёҳларга қўшилиб ҳар ер-ҳар ерда чўкиб ётибди. Чўлда шамол эсган пайтларда улар жунини ҳурпайтириб ҳамлага ҳозирланаётган ёки оҳиста ўрнидан қўзғалаётган маҳлуқларни эслатади.

Шимолдан жанубга қараб чўзилган иланг-биланг арава йўлида икки отлиқ ёнма-ён кетмоқда. Ўқтин-ўқтин шабада шўрхок тупроқнинг туз аралаш чангини гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа тўзғитади. Яқин орада бу йўлдан биронта йўловчи ўтганми-йўқми — билиш қийин.

Ўнгда кетаётган отлиқ ҳамроҳига нисбатан ёшроқ кўринади: эгар устида қоматини адл тутиб бормоқда. Эгнида ҳали оҳори кетмаган зираки беқасам яктак, бошига янги қўқон дўппи қўндириб, қулоғи устидан атлас қийиқ танғиб олган; оёғида амиркон маҳсию ялтироқ калиш... Арғумоғи гижинглаб, ёнидаги отдан ўзиб кетишга уринади. Бироқ эгаси юганни тортиб-тортиб қўяди — ўзиб кетмасликни «уқтиради».

Иккинчи отлиқ уфққа ўйчан тикилади. Ёши тахминан қирқларга борган, ҳамроҳига қараганда жуссали, бўйи паканароқ. Бошида эскирган салла, эгнида гулли чит чопон. Ювошгина кўк бия жимгина одимлайди. Отлиқ юганнинг тугунли учини эгар қошига илиб қўйиб, бир қўлини белбоғига тираганча бемалол кетмоқда.

Отлиқлар анчагача чурқ этмай борадилар. Сафардан кўзлаган мақсадлари ўринламаганини кайфиятларидан ҳам, юксиз қайтаётганларидан ҳам билса бўларди. Хуржунларнинг кўзида жун чакмон ва икки-учтадан бўш қоп, холос...



Ниҳоятда ориқлаб кетган, жунлари ҳурпайган тулки отлиқларнинг йўлини ўқдек кесиб ўтди-да, ер бағирлаб югургилаганча бир тўп юлғун ортида ғойиб бўлди.

— Оббо лаънати-ей!— деди ёшроқ отлиқ.— Йўлимизни кесиб ўтди-ку, Меливой ака?

Меливой ака ихчам мўйлабини бармоқлари билан силаганча аввал ҳамроҳига, кейин тулкини кўздан яширган юлғун тупига қаради. У ҳамроҳининг саволига жавоб бермади-ю, ўзига ўзи гапиргандек сўзланди:

— Шўрликнинг турқини кўрдингизми? Тулки сиёғи қолмабди. Қуён боласидек... Очарчилик азобини шулар ҳам тортаётган экан-да...

Ёш йўловчи индамади.

Осмонни аллақандай оғир, рутубатли булутлар қоплаган. Ҳар йили кўкламда барқ уриб ўсадиган юлғун, шувоқ, шўра узоқ ётган бемордек туссиз, ҳолсиз кўринади. Тўрғайлар сайрамайди, қўшиғини эсдан чиқариб кўймаслик учунми, ўқтин-ўқтин чийчийлаб қўяди.

Ёш йўловчи юганни қаттиқ тортган эди, оти йўлдан чиқиб, қандайдир ўпқонга мўнкиб кетди. Эгаси ўрнидан тургунча ўзини аранг ўнглади: иккала оёғини ростлаб, ўпқондан ҳуркандек олдинга интилди. Эгаси жиловини аранг тутиб олди. Қамчисини ҳаволатиб, отни урмоқчи бўлганида Меливой ака уни тўхтатиб қолди:

— Ҳой, Бекмурод! Ўзингизни босинг! Отга беҳуда қамчи урмайдилар.

— Кўрмаяпсизми бу ҳаром ўлгурни!

— Мол эгасига ўхшамаса... деган гап бор.

Бекмурод ялт этиб ҳамроҳига қаради. Меливой ака кулимсираганча отининг жиловини ўнглади-да, йўлга имо қилди:

— Аччиғингиз келмасин, ука. Қийшик бўлса ҳам йўл яхши, деганлар.

— Қуллуғ-э, Меливой ака! Сиз билан ҳамроҳ бўлиб дакки ҳам эшитиб олдим...

— Бир қишлоқдан, бир элдан бўлатуриб омади гапни ҳам айтолмасам, унда сизга йўлдошлигим қаёққа борди, ука?! Узоқ йўлнинг ўзига яраша азоби бўлади, чидаш керак-да.

Бекмурод табиатан бир қадар шошқалоқ йигит эди. Ҳозиргина ҳамроҳига ўқрайиб, тўнғиллаб сўзлаётган йигит ўзининг ана шу феълини эслади шекилли, хижолат чеккандек бошини кўтаролмай қолди.

Кўкдаги булутлар қуюқлашиб, пастлашаётгандек эди. Кўп ўтмай ёқимли шабада эсиб, ўт-ўланларни тебрата бошлади... Бекмурод ҳозиргина танбеҳ берган, шу билан бирга ўзининг яқинлигини билдирган Меливой акага ёқадиган гап қидирарди.

— Оламнинг тинчи бузилди-да, Меливой ака. Ола-тасир кунларга қолдик. Ҳеч нимага тушуниб бўлмайди. Кимга ён босишингни билмайсан. Оқ подшо йиқилиб, ўрнига Керинский дегани чиқувди, у ҳам қочди, дейишди. Энди большевиклар... Самарқандга тағин қозоқ ўрислар келиб, «Аввал қандай бўлса, шундай яшайверасизлар», деганмиш. Қўқон билан Бухоро эса ҳали ҳам қадимгича экан...

Меливой ака важоҳатини ўзгартирмай ҳамроҳининг сўзларини тинглаб борарди. Бекмурод айтган гаплардан унинг ҳам хабари бор эди. Томоғини қириб қўйди-да, гапни бошқа ёққа бурди:

— Ёмғир ёғадиганга ўхшаб қолди, Бекмурод. Бир ёғиб берса, табиат яйрар эди-да.

Гапи жавобсиз қолганидан Бекмуроднинг кўнгли ранжиди.

— Бунақа қисир булутлар жонга тегди-ку, ака. Мана, кўклам ҳам ярмидан ўтяпти, ҳалигача бир томчи ёмғирдан дарак йўқ.

— Йўқ, бугун ёғади, Бекмурод. Шабадани сезяпсизми? Жуда бошқача, яхши шабада.

Бекмурод осмонга қаради:

— Ким билади энди...

Отлар баравар одимларди, отлиқлар ўз ўйлари билан банд эдилар. Бекмурод яна ўз гапини қўзғади:

— Большевиклар қанақа бўлади ўзи, Меливой ака?— деб қўққисдан сўраб қолди у.— Бу кўргуликлар ўшаларнинг касофати, дейишади.

Меливой ака индамади. Кейин ҳамроҳига ўгирилди:

— Улар сиз билан бизга бирор ёмонлик қилишдими ўзи?

— Шулар бўлмаса тинчгина юрувди-да эл.

— Аввалига ҳамма иш худодан, Бекмурод ука,— дея Меливой ака насиҳатомуз сўз бошлади.— Худодан беамр тикон кирмас, деганлар. Пешанамизга ёзилгандир-да шу қисматлар, нима қиламиз... Қолаверса, ўша падарлаънат оқ подшонгиз ҳам ҳеч кимни тинч қўйган эмас. Ҳали унақа солиқ, ҳали бунақа солиқ, ҳали мардикорлик... Ўзининг орқасидан пилтаси чиқиб турган экан-у, тағин бировларга қарши уруш очганига бало борми?..

Бир муддат индамай борганларидан сўнг Меливой ака сўзига якун ясагандек уқтирди:

— Бунақа, Бекмурод ука, биров нима деса, лаққа тушаверманг. Дуч келган одамнинг гапига қараб иш тутадиган бўлсак, унда қўйдан фарқимиз қолмайди. Ўйлаш керак, шошқалоқлик билан иш битмайди...

Бекмурод ўйланиб қолди. Шу тобда Меливой ака унга сирли одам бўлиб кўринди. Чунки у йўл-йўлакай Бекмуродга бир неча марта дакки берди. Қолаверса, айтаётган гаплари бамаъни кўринади. Қишлоқда рўзғорини аранг тебратиб юрган Меливой ака шунчалик сермулоҳазаю шунчалик донишмандми?

Бекмурод шу ўй билан ҳамроҳига яна кўз ташлади. Йўқ, Меливой ака большевикларга гап тегишини истамайди, ўшаларга қайишади. Аввалги йили мардикорликка кетиб, олти-етти ойда қайтиб келган эди. Қарағай кесиб юрганида большевикларга қўшилиб келмаганмикан?..

Аслида Бекмуроднинг ҳамроҳи у ўйлаган даражадаги одам эмасди. Лекин гоҳо ўзича ёлғиз ўйга толиб, босмачиларни ҳам, Самарқанддаги қози Исахонни ҳам, Қўқон мухториятини ҳам ич-ичидан сўкиб қоларди. «Булар бари бир-бирининг гўштини ейишга тайёр турган қузғунлар», деб қўярди ўзича.

Ҳаво тўлишиб, ёмғир томчилай бошлади. Бундан иккала йўловчининг ҳам юзи ёришди. Сўнгги тўрт-беш ой давомидаги биринчи ёғин эди бу. Сувсизликдан рамақдажон бўлиб ётган ўт-ўланлар ёмғир шамолида чайқалиб, табиатга тасанно айтаётгандек эди. Ёмғир майдалаб ёғарди, осмонни булутлар буркаб олганига қараганда узоқ давом этадиганга ўхшарди.

— Яхши-я, Бекмурод!

— Яхши-ю, лекин... Шалаббо бўлмасак дейман, ака.

— Шалаббо бўлсак ҳам майли, ёғаверсин. Илгарироқ бўлганида балки биз ҳам мана шу Гавранкаларга[1] буғдой-арпа сўраб, тариғу маккайи сўраб келиб юрмасдик.

Бекмурод индамади. Отларнинг юриши ҳам тезлашди. Уст-бошлари ивиб борарди, ҳамроҳлар нима қилишларини билмай бот-бот осмонга қараб қўярдилар. Хуржун кўзидаги жун чакмонларни елкаларига ташладилар. Ёмғирда ярим соатлар чамаси юрганларидан сўнг олдинда пастроқ тепалик кўзга ташланди. Бу Чиноз билан Жиззах оралиғидаги икки сардобанинг бири эди.

Дастлаб тепачадек кўринган сардоба бора-бора улкан, маҳобатли тимга айланди. Иккала йўловчи унинг кунботар томонига ўтиб, ичкарига кўз ташладилар. Ҳеч ким кўринмади. Бирин-кетин эгардан тушиб, отларининг юганидан ушлаганча, чоғроқ ҳовлидек келадиган нимқоронғи саҳнга кирдилар.

Меливой ака ичкарида ҳеч ким йўқлигини билса ҳам, одат юзасидан:

— Ким бор?— деб қўйди. Унинг овози ғиштин деворларга урилиб акс садо берди. У отини қозиққа боғлаш учун эгилаётган эди, Бекмуроднинг ваҳимали овозини эшитди:

— Изимиздан биров келяпти, Меливой ака!..

— Ушланг-чи буни,— деди Меливой ака Бекмуродга тизгинни тутқазиб.— Аста ташқарига чиқатуринг. Зўр келса, шартта минамизу жўнаб қоламиз-да.

Сардоба эшигидан чиқаётиб иккалалари ҳам ўнг тарафга қарадилар. Ҳақиқатан ҳам юз қадамча нарида бир отлиқ келарди.

— Ёпирай! Ярим яланғочми? Ёмғирда кийимим ивимасин, дегандирда. Бошида сочи ҳам...

— Ҳа,— деди Бекмурод шивирлаб. Нотаниш йўловчи уларга тобора яқинлаб келарди.— Ўрис бўлса керак, жўнаб қўяқолсакмикан?

— Йўқ, нима бўлса бўлди энди.

Бу орада дарвешнамо отлиқ ҳам етиб келди.

— Ассалому алайкў-ўм!— деди у жиловни тортаркан. Овози Меливой акага сирли эшитилди. «Ё тавба, у Хизир бўлса-я!..», деб ўйлади у.

Икки томон бир-бирига синовчан тикилиб турарди.


— Сизларга етиб олай деб, қичаброқ ҳайдай десам, от шўрликка раҳмим келди... Нега ичкарига кирмаяп-

---

[1] Гавранка — Мирзачўлдаги Славянка посёлкасининг маҳаллий халқ орасидаги номи.

ҒАЗАЛДЕК НАВҚИРОН

ҲАБИБИЙ,
Ўзбекистон халқ шоири



Қутлаймиз!

Кекса ғазалхон шоиримиз Ҳабибийнинг мўътабар номи деярли ҳар куни тилларда такрорланиб туради. Унинг атоқли ҳофизларимиз, хушовоз хонандаларимиз севиб куйлайдиган дилрабо, мусиқий ғазаллари санъат шинавандаларига кўпдан буён манзур, кўнгилларга чексиз завқ ва сурур бағишлаб келади.

Икки асрни кўрган ва икки даврда яшаб ижод қилаётган, Ғафур Ғулом, Собир Абдулла, Миртемир, Чархий сингари оташнафас шоир дўстларига жўровоз бўлиб юртимиз жамолини, бағри кенг, заҳматкаш кишиларимиз қалбини тўлиб-тошиб тараннум этиб, Ўзбекистон халқ шоири деган юксак унвонга, халқнинг самимий эҳтиромига мушарраф бўлган мавлоно Ҳабибий 90 ёшга тўлди.

Шоир қарийб олтмиш йиллик ижодий фаолияти давомида Лутфий, Отойи, Навоий, Бобир, Машраб, Нодира, Муқимий, Фурқат, Завқий сингари классик шоирларимизнинг ўлмас ижодидан баҳраманд бўлиб, Улуғ Октябрдан бошланган инқилоб даврони, янги замон, бахтли ҳаёт, озод инсонлар қўшиғини баланд пардаларда куйлаб келмоқда. Қадим адабиётимизнинг мураккаб тури — аруз қонуниятлари ва сирларини пухта эгаллаган Ҳабибий ўзбек совет шеъриятида ғазал жанри ривожига муносиб ҳисса қўшди. Унинг ғазаллари мазмундорлиги, ширали тили, равон услуби билан шеърият мухлисларининг ҳурмат-эътиборини қозонди. Мамлакатимиз, халқимиз тақдирида рўй берган барча буюк ўзгаришлар шоир асарларида ўз поэтик ифодасини топган. Ўзбекистон халқ шоири Уйғун Ҳабибий ижодининг ҳозиржавоблик, замонавийлик руҳи ҳақида шундай деб ёзади: «Ўз замонасига, ўз халқига ҳалол хизмат қилган шоир асло қаримайди, доим халқнинг ҳурматига, муҳаббатига сазовор бўлади, деганлари рост. Фикримизча, мавлоно Ҳабибий ҳам ўшалар жумласидан. Унинг ҳурмати доим халқнинг кўнглида, унинг китоби халқнинг қўлида, унинг ғазаллари халқнинг тилида!»

Ғазалхон ўлканинг ғазалхон шоири шу улуғ ёшида ҳам баракали ижод қилиб, шеърият шинавандаларини хушнуд этмоқда. Биз, журналхонларимиз номидан отахон шоиримизни табаррук 90 ёши билан қизғин қутларканмиз, «Қалам тутган қўлларингиз асло толмасин!», деймиз.

Ўзбекистон

Яшнаган, гул-гул очилган Ўзбекистонни кўринг,
Хушҳаво, хушбаҳра, кўм-кўк боғ-бўстонни кўринг.

Тер тўкиб пешонадан ишлайди ҳар эркак, аёл,
Меҳнатидан бахту равнақ топган инсонни кўринг.

Умрида сув кўрмаган қирларга бахш айлаб ҳаёт,
Гуллатиб, обод этар, эл топган имконни кўринг.

Чеҳра очган, кулган оқ олтин билан зийнат топиб,
Яшнаган, барқ урган ул собиқ биёбонни кўринг.

Ҳар план узра дадил имзо чекиб эл қошида,
Аҳду паймонин бажарган ишчи, деҳқонни кўринг.

Маърифат ўсди, очилди илму фаннинг сирлари,
Кунда-кунда янги ижод, илму урфонни кўринг.

Мадҳ этай, куйлай, Ҳабибий, бахту иқбол устида,
Элга бахш этди саодат, янги давронни кўринг.

Меҳрибонингман

Гар ёмон бўлсам ҳам, эй жоно, ёмонингман сенинг,
Яхши бўлсам тонг эмаским, жонажонингман сенинг,

Келгай аввал номинг оғзимга, агар сўз бошласам,
Номи покинг бирла доим нуктадонингман сенинг.

Сўзларинг жонимга роҳат, тандурустлик бахш этар,
Сўзла, жоним, ташнаи ширин забонингман сенинг.

Ухламасман кўйинг атрофида тунлар айланиб
Ким, вафо бирла қўриқчи посибонингман сенинг.

То абад ишқингда содиқман, десам ёлғон эмас,
Тоза виждонликда бўлган имтиҳонингман сенинг.

Дилда ким меҳрингнинг муҳри бирла бўлган нақши бор,
Хоҳи яхши, хоҳ ёмонман, меҳрибонингман сенинг.

Васл гулзорин, Ҳабибий, ёд этиб булбул каби
Кечалар куйловчи васфу достонингман сенинг.

сизлар? Ё биров бор эканми? Мабодо мендан хавотир олаётган бўлсаларинг, чакки қиласизлар. Шум ниятли одам эмасман, ишонинглар.

Меливой ака билан Бекмурод кўнгиллари жойига тушгандек бир-бирларига қараб қўйдилар. Бу орада нотаниш йўловчи ҳам отдан туша бошлади. Майдалаб ёғаётган ёмғир аъзойи баданидан ўтиб, шалаббо қилиб юборган эди.

— Сизларни билмайман-у, мен роса ивидим,— деди у отини сардоба ичкарисига етаклайтуриб.— Этигим ҳам сувга тўлди.

У бориб, боягина Меливой ака эгилган қозиққа отини боғлади. Меливой ака билан Бекмурод ҳам беихтиёр унинг изидан сардобага кирдилар ва отларини эшик яқинидаги қозиқларга боғладилар. Нотаниш йўловчи эгардан ҳуржунни олиб, қудуққа яқинроқ олиб бориб қўйди. Ҳуржунни титкилаб, нимдошгина одми қийиқчани топиб ерга ёйди-да, шимини сиқиб, икки буклаб унинг устига ташлади. Ўзи юпқагина иштонда қолди. Узун сочининг ҳам сувини силқитаркан, Меливой аканинг кўзига совуқдан дийдираётгандек туюлди.

— Мана бу чакмонни елкага ташлаб туринг,— деди Меливой ака,— унгача кийимларингиз ҳам селгиб қолар.

Нотаниш йўловчи худди шу гапни кутиб турган экан шекилли:

— Э, бормисиз, мулла ака,— деб чакмонни дарҳол елкасига ташлади-да, этигини ечиб, сувини тўкди. Пайтаваларини тош устига ёйиб қўйди. Оёқларини ҳам чакмонга ўраб ўтириб олди, Меливой акага қараб жилмайди.

Бекмурод ҳам хуржунларни олиб келди. Ёмғирдан қутулган, юклари енгиллашган отларнинг навбатма-навбат силкингани эшитиларди.

— Хўш, йўл бўлсин, акалар?— дея сўради янги ҳамроҳ рўпарасида ўтирганлардан.— Жиззахга кетяпсизларми?

— Топдингиз,— деди Меливой ака.— Ўзингизга йўл бўлсин?

— Йўлимиз бир экан. Мен Жиззахдан ўтиб, яна узоқроққа кетаман...

Бекмурод нотаниш кишига гап-сўзсиз тикилиб ўтирарди. Оппоқ, чўзиқ юзли, узун бурни остида қўнғиздекина ихчам мўйлаб, қоши қоп-қора, чуқур кўзлари ўйчан боқадиган бу йигит Бекмуроддан беш-олти ёш чамаси кичик эди, яъни унинг ёшини йигирма-йигирма бешда деб тахмин қилса бўларди.

— Исми шарифингизни билсак бўладими? Бир кўрган билиш, икки кўрган таниш, деган гап бор. Мана, насиб экан, йўлда учрашиб қолдик...

— Албатта танишган яхши-да,— деди Меливой ака янги ҳамроҳнинг муомаласига мос оҳангда сўзлашга ҳаракат қилиб.— Вақти келса, ёру дўстлар қариндошдан аъло бўлиб қолади... Менинг исмим Меливой, бу укамизнинг исмлари Бекмурод. Хўш, ўзингиз-чи?

Нотаниш меҳмон ўрнидан турди-да, ҳамроҳларига бирма-бир қўл узатди:

— Энди сўрашайлик, менинг исмим Ҳожи,— деди. Сўнгра бориб хуржунидан бир бурда бўлка нон ва кичик қайрилма пичоқ олиб келди. Яна ўз жойига боягидек ўтириб, нонни пичоқ билан учга бўлди.

— Қани, олинглар,— деди ҳамроҳларига,— тамадди қилиб олайлик.

— Раҳмат,— Меливой ака сиполик билан қўлини кўкрагига қўйди. Бекмурод ҳам шеригига тақлидан шундай қилди.

— Олинглар-да энди, тенг еганни тангри суйибди, дейдилар.

Ҳамроҳлар Ҳожи узатган нондан олдилар. Меливой ака Бекмуродга ўгирилиб:

— Зоғора кулчани ҳам олинг, астойдил нонушта қилақолайлик,— деди. Бекмурод хуржундан туянинг кўзидек кулчани олиб узатди. Кулчани ҳам учга бўлдилар. Иштаҳалари яхшилигидан, чой йўқлиги ҳам билинмади.

Меливой ака қўлини юзига тортиб, эшик томон юрди.

— Ёмғир тинмадимикан?

— Қуп-қуруқ қайтаяпсизларми? Ҳеч нима топилмабди-да?— деб сўради янги ҳамроҳ Бекмуроддан.

— Йўқ, ҳеч нима бўлмади.— Янги ҳамроҳининг саволи уни ҳайрон қолдирган эди. «Қизиқ, қуруқ қайтаётганимизни қаёқдан билди бу?», дея ўйланди Бекмурод.

— Ёмғир хиёл шахтидан қайтганга ўхшайди,— деди эшикдан келаётган Меливой ака.

Дарвешнамо йигит ўрнидан туриб, шимини кийди.

— Чинозга борувдиларингми, Гавранкагами?

— Гавранкадан келяпмиз, Ҳожимурод,— деди «Ҳожи» дейишга тили бормаган Меливой ака.— Аммо ишимиз ўринламади.

— Кўриниб турибди,— деб қўйди янги ҳамроҳ.

— Энди бошқа ёқдан нажот излаймиз.

— Нажот излаш керак... излаш керак,— деди Ҳожи ўзига ўзи гапиргандек.— Тилсимланган омборларни топиш зарур... Халқ очдан ўлмаслиги керак...

Меливой ака билан Бекмурод янги ҳамроҳга ҳайрат билан тикилиб қолдилар. Меливой ака: «Бу ўзини дар-

веш қиёфасига солиб юрган Хизр эмасмикан?», деб ҳали ҳам гумонсирарди. Бир маҳал янги ҳамроҳ хаёли жойига тушгандек сўраб қолди:

— Жиззахнинг қаеридан бўласиз, Меливой ака?

— Равонликданмиз, Ҳожимурод. Биласизми, йўқми, Равонлиқ деган қишлоқ бор, Яккақайрағоч, Ҳасангул, Оқсоқол тўпи, Юқори деган гузарларга бўлинади.

— Равонлиқ, Равонлиқ...— дея такрорлади йигит.— Унда Ғойибнинг қишлоғидан экансизлар-да?

— Ғойиб дейсизми? Қайси Ғойибни айтаяпсиз?..

— Аввалги йили дорга осиб ўлдирилган Ғойибни билармидингиз?

— Ҳа, билардим, таниқдим,— деди Меливой ака Ҳожига тикилиб. У йигитнинг Ғойибга муносабатини билиб олиш илинжида эди. Бироқ Ҳожининг юз ифодасидан ҳеч нимани уқиб бўлмади.— Ғойиб бизнинг қишлоқдан чиққан эди. Ёш кетди. Сиз ҳам танирмидингиз, Ҳожимурод?

— Танирдим...

— Бекмурод ҳам биларди уни.

— Ҳа, яхши танирдим. Бизлар тенгги эди. Қўшни гузардан. Бухорода ҳам ўқиганмиди, Меливой ака?

— Ўқиган...

Ўртага жимлик чўкди. Жиззах қўзғолонининг қатнашчиси Ғойибнинг номи тилга олингандан кейин ўртада хавотирлик пайдо бўлгандек эди. Дарвешнамо йигит Ғойибни мақтамади ҳам, ёзғирмади ҳам. Шу сабабли иккала ҳамқишлоқ ҳам Ғойиб ҳақида яхши ёки ёмон гап айтишдан ўзларини тийдилар.

— От жониворларга ҳам қийин бўлди, Меливой ака,— дея Ҳожи ўртадаги жимликни бузди.— Ўзимиз билан овора бўлиб, жиндек хас-пас юлиб ҳам беролмадик... Хўш, бу ердан нариги сардобагача тўрт тош йўл. Энди жилсак ҳам бўлар, Меливой ака?

— Майли,— деб ройиш билдирди Меливой ака,— йўлимиз узоқ, коронғига қолиб кетмайлик... Жиззахга етиб олсак, бизникида бир кеча меҳмон бўларсиз...

— Раҳмат, кўрамиз, йўлга тушаверайлик-чи...

Йигит елкасидаги чакмонни олиб, Меливой акага узатди:

— Мана, Меливой ака, раҳмат.

— Кийимларингиз борми хуржунда? Кийиб оласизми?

— Бор-у, киймайман,— деб тишининг оқини кўрсатди Ҳожи.— Шундай кетаверараман. Совқотмасман.

— Йўқ, ундай деманг, ука. Манг, кийиб олинг, ҳаво салқин.

Ҳожи чакмонни олиб кияркан:

— Қуллуқ сизга,— деди Меливой акага.

Бекмурод хуржунларни отлар устига ташлаб, ташқарига етаклаб чиқа бошлади. Ҳожи хуржунини кўтараётганида иккала кўзи бир-бирига тегиб, тиқ этган овоз чиқди.

— Хуржунингизда нима бор, Ҳожимурод, пақирми?

— Ҳа, Меливой ака.

Учала отлиқ сардоба олдида отга миниб йўлга тушдилар. Ёмғир сийракланиб ёғар, кунботар тарафда ҳаво ёришиб кетган, уфқда зумрад осмон кўзга ташланар эди.

Аломат қишлоқ кишилари

Ҳамроҳлар отларни ўз эркига қўйиб, ўзаро суҳбатлашиб кетдилар. Ёмғир тинган. Кунчиқар тараф бутунлай ёришган эди. Иккинчи сардобага яқинлашганларида қуёш чарақлаб кўринди.

— Вақт кетибди-я, Ҳожимурод?

— Ҳа, ҳали анча йўл бор. Отларимиз чарчаб қолмаса бўлгани... Тозғарадан ўтиб, Олмачининг устидан тушамиз. У ёғи Хайробод...

— Учтепанинг усти билан ўтиб, бизнинг қишлоққа тушсак, нима дейсиз?.. Ё бизга ишонмаяпсизми?

— Сизларга ишонаман, Меливой ака. Кимлигингизни юз-кўзингиз айтиб турибди... Тунаб қолаверсам ҳам бўлади-ю, борадиган манзилимда зарур ишлар бор. Бугундан қолса бўлмайди...

Иккинчи сардоба ҳам ортда қолди.

— Жиззах атрофидаги қишлоқларни яхши билар экансиз,— деди Меливой ака.

— Инсон ҳамма нарсани билиши керак, Меливой ака. Шунинг учун ўз оти билан инсон... Энди, гап бундай, сизлар ҳам мен борадиган манзилга борсаларинг, илтимос.

Кўпдан бери гап-сўзга қўшилмай келаётган Бекмурод Меливой акага қаради. Меливой ака эса отининг ёлига тикилганча тебраниб борарди. Чамаси янги ҳамроҳга нима деб жавоб беришга тараддудланарди.

— У ёғига ёлғиз кўрқаркан, деб ўйламанглар,— Ҳожи ҳамроҳларига бир-бир қаради.— Гап шундаки, балки озроқ бўлса ҳам дон топармиз...

— Сиз нима дейсиз, Бекмурод?— деб сўради Меливой ака.

— Сиз нима десангиз, шу-да, ака.

— Майли, Ҳожимуродга йўлдош бўлайлик. Болалар бир кеча кўз тутар.

— Ана бу бошқа гап,— деди йигит жилмайиб.— Энди чакмонингизни ўша ерга етгунча ечмайдиган бўлдим.

— Майли, бемалол,— деди Меливой ака.

Тозғара қишлоғини ёқалаб ўтаётганларида қуёш ботди. Олмачига етганларида атрофни аллақачон қоронғилик босган эди

— Жиззах атрофида бир қишлоқ бор,— деб сўз бошлади Ҳожи.— Ўзи мана шу кетаётган томонимизда. Балки сиз ҳам биларсиз, Меливой ака... Менга қолса, «Аломат қишлоқ», деб ном қўярдим унга. Одамлари ажойиб. Ўзи катта бир сойда жойлашган. Қишлоқда алоҳида мачит, алоҳида меҳмонхона бор. Узоқ-ёвуқдан меҳмон келса, ўша меҳмонхонада кутиб оладилар. Қафасларда какликлар сайраб туради. Мачитнинг орқаси — текис тепалик. Маслаҳат тепа, дейишади. Бирор маслаҳатли гап чиқиб қолса, одамлар ўша ерга йиғилади. Қишлоқнинг ўз полвони бор, ўз чавандози бор. Янгибой полвон, Рисбой чавандоз. Уларнинг атрофида — Умматқул, Бутунбой, Абдураим, Кенжабой деган норғул йигитлар. Мабодо қишлоққа бир хавф туғилса, камида юз отлиқ саф тортади. Бунинг ҳаммаси нимадан? Аҳиллиқдан. Қишлоқда иғво-фасод йўқ. Ҳамма бамаслаҳат иш кўради. Бундоқ разм солиб қарасангиз, Тошкентда, Самарқандда тузилган Шўроларнинг ўзи, дейсиз. Ҳа, рост. Шўро дегани — маслаҳат дегани бўлади. Ахир ўша қишлоқ одамлари ҳам маслаҳат билан иш қилишади-да... Хўш, Меливой ака, ўша қишлоқни биласизми?

Меливой ака қоронғида ўйланганча сукутга чўмиб борарди.

— Билмадим, Ҳожимурод, тополмадим, юрт бердим,— деди у топишмоқда ютқизган боладек.

— Тақдир тақозоси мени ана шундай аломат қишлоқ билан яқинлаштирган. Ана шу қишлоқ аҳли билан бир жону жигар бўлиб кетганман.

— Бағишлайсиз, Ҳожимурод, ўзингиз қаердан бўласиз?

— Асли Бухоронинг Вобкентидан. Ҳозир Самарқандда тураман... Хўўш, Меливой ака, Уста Сафар деганни эшитганмисиз?

— Эшитганман. Ўзини ҳам кўрганман. Жиззах молбозорида қўл бериб кўришганман ҳам. Уч-тўрт йил бўлди. Нимага сўраяпсиз, Ҳожимурод?

— Ҳозир мен айтган қишлоқнинг оқсоқоли ана шу Уста Сафар бўлади.

— Э, бўлди, бўлди, сиз Қайроқчибулоқ қишлоғини айтаяпсиз, шундайми?

— Ҳа, ана энди ўзингизга келдингиз, Меливой ака. Бор экансиз-ку. Сиз ҳам биласизми, Бекмурод ака?

— Уста Сафар деб эшитганга ўхшайман.

— Ана шу Уста Сафар отахоним бўлади. Ҳозир биз ўша қишлоққа борамиз. Илонўтди ўнгиридан чиқамизу чапга бурилamиз. Сойдан сал кўтарилишда қишлоқ бошланади. Отамга бебаҳо совға олиб келяпман.

— Баракалло, Ҳожимурод! Сизни биринчи кўрганимдаёқ, бу одамда бир ҳикмат бўлса керак, деб ўйловдим. Янглишмаганга ўхшайман.

— Ҳикмат борми, йўқми — буни худо билади, ака.

— Уста Сафардек одамга ўғил бўлган йигит беҳикмат бўлармиди? Сиз туфайли ўша одамни ҳам зиёрат қиладиган бўлдик.

— Сизларни учратмаганимда мен ҳам қийналардим, Меливой ака. Чакмонингиз мени асраб келяпти. Бўлмаса йўлда қолиб кетишим ҳеч гап эмасди... Ҳали ҳам совуқ олганга ўхшайди сал. Чап курагимнинг ости ачишяпти. Қишлоққа — отамникига етиб олай, деб шошаётганим-да.

— Шифо берсин! Бир терласангиз, отдек бўлиб кетасиз...

Кичкина сойдан ўтиб юқорига ўрладилар. Қўй қўраси ёнидан ўтаётганларида итлар ҳуриб чиқди. Чўпонлар овоз бериб итларни «қайириб» олдилар. Отлар эҳтиёт билан юқорига ўрлаб борарди. Тун қоронғи бўлса ҳам, катта-кичик уйларни, қўй қўраларини бир-биридан илғаб олса бўлади. Вақт ярим кечага яқинлашиб қолган, бирон уйда милтиллаган чироқ кўринмайди.

Бир маҳал олдинда кетаётган Ҳожи отдан тушди-да, бир эшикни тақиллатди. Бу Уста Сафарнинг меҳмонхонаси экан. Ичкаридан ҳеч ким жавоб бермади. Ҳожи отини етаклаганча нариоқ юрди. Меливой ака билан Бекмурод ҳам унга эргашдилар. Ҳожи яна бир дарвозани қамчи сопи билан тақиллатди-да:


— Ота! Ҳов отахон!— дея чақирди.

Расмни Н. ИБРОҲИМОВ чизган



Назира ЙЎЛДОШЕВА





* * *

Эшит, эшит овозимни! Эшитяпсанми?..
Бу мен — ёпиқ деразангга ўзни урган қуш.
Яшил тўлқин чулғаётир ахир оламни,
Ҳамма-ҳамма нарса унда ўзича сархуш.

О, бу сархушлик ҳам, билсанг, асли қайтмасдир,
Ўпиб қутла ҳар майсанинг дуркун чоғини.
Йўқса, йўқса қушлар бизга қўшиқ айтмайди,
Лолазорлар ҳам кутмайди бизни соғиниб.

Йўқса, тошга тушиб синар қўлимдаги соз,
Ҳаётингда бўлмас кейин ҳеч бунақа дам.
Бас, кўкламни соғиниб мен беряпман овоз,
Қўшиқ бўлиб деразангни жим чертаяпман.

Эшитяпсанми?..

* * *

Юрагингда чарс-чирс ёнган олов сўндими,
Ёвқур қуюн нигоҳингни қўйдими тўсиб?
Ҳақ-ноҳаққа баб-баравар дилинг кўндими,
Нечун менда уйғотасан бу хил таажжуб?
Оҳ урмайсан бедор бўлиб, чекмайсан фарёд,
Отмоқда-ку мунисгина оҳуни сайёд.

Гоҳида ой нурини ҳам қўярлар тўсиб,
Хўрсинаман, эвоҳ, бу ҳол ўнгимми, тушим?
Ҳар тарафдан хуш, гоҳ нохуш шамоллар эсиб,
Ўзгартириб юбормоқда дунёнинг тусин.
Унга боқиб гоҳ шод, гоҳи юрагим қондир,
Сен эса жим, йиғламайсан, йиғлайди ёмғир.

Унинг зулмат бурчларига тушсаю чақин,
Бўлса эди фисқу фасод ҳасаддан йироқ.
Дунёда бор юракларни этсайдим яқин,
Дейману бу келмаса-да қўлимдан, бироқ,
Уринаман қайта-қайта дунёнинг камин
Тўлдирай деб меҳрим билан этганча таъмин.

Шу жаҳоний туйғу билан гурлайди қалбим,
Ҳар отилган ўқ жароҳат очади танда.
Шундан гоҳо тўлқин мисол қалқийди таним,
Юрагимни чулғаб борар учқун, аланга.
Ўз уйинггагина эмас, сен дунёга боқ,
Ахир унга жуда керак ҳали ўт, чироқ.

Алангага айланармиш заруратдан шам,
Заруратдан мен ҳам ўтда хўп тобланаман.
Давралардан ногоҳ бир оз чекинганинг дам,
Сўндими, деб бағрим ёниб азобланаман.
Бурқсиётган тутун бўлсанг, қийнама мени,
Қизил ўтдай гурлашингни истайман сенинг.

Агар ёниб яшолмасак олам бўлур тор,
Юрагимга оғир-оғир санчилгуси тиғ.
Осиёнинг тупроғида қанчалар дард бор,

Ўчма асло, учқунлардан сен ҳарорат йиғ!
Нима ёлғон, нимадир рост, ёниб-ёниб айт,
Келди ахир дунёни деб ёнадиган пайт!

Юрагингда чирс-чирс ёнган олов сўндими?..



Дала-дашт

Олчалар қизғиш тортиб, яйраётир дала-дашт,
Насим эркалашидан ўйинга тушар майса.
Гуркираган боғлардан мева термоқ қандай гашт,
Қандай гашт йигит қизга юрак розини айтса!
Тинглаб турса уни жим куч-қувватга тўлиқ ер,
Бутун вужуди қайноқ муҳаббатга тўлиқ ер.

Оҳ, шунда юрагингда гупуриб боради ишқ,
Бир боғ каби борлиқни қучоқларкан она юрт.
Борлиғингни бир қайноқ ҳисларга қоради ишқ,
Олча гулидай яшнар бутоқларда она юрт.
Юрт дедим, вужудимни бир шавқ билан қучди ўт,
Сувда ўчмас, яллиғи маъдандан ҳам кучли ўт.

Эҳ, сендай омон-омон тупроқ борми, жон она,
Чулдираган булоққа чанқоқ лабимни боссам!
Фарзандларингга сендай қучоқ борми, жон она,
Меҳр тўла бағрингга талпиниб бағрим боссам!
Туярмисан меҳримни, оҳ, менинг нуридийдам,
Она юрт, она ерим, жоним туташган сийнам!



Жоним туташган далам, хизматингга мен ҳам шай,
Ўз-ўзингча мени ҳам болам деб суяркансан.
Сенга бор ҳаётиму меҳрим, жонимни берай,
Ахир сен ҳам онадай ёшликка суянгансан!
Кенгликларда барқ уриб ёзавергин сен палак,
Ҳар битта гўдагига жонҳалагим, жонҳалак.

Мана, сен гуллаяпсан, мен эса ҳеч узмай кўз
Сўзлагим келаётир жонбахш саратон ҳақда.
Кўклам эса, кўкламни ўпиб қўяйин бесўз,
Қизғиш қуёш нурлари ёнганида шафақда.
Кўклам деганим асли кўклам эмас — келажак,
Ўтмиш-келажагингга қалбим кўприк бўлажак.

Ҳа, кўприк бўлайин, деб мен ҳам чертаяпман соз,
Бисотимда боримни сенга тутиб қўш қўллаб.
Жонимни ич-ичидан қиздириб боради ёз,
Куйла, дея, дунёни, чоғи қуёшга йўллаб.
Деҳқон отамдай суюб, деҳқон отамдай чапдаст,
Дон экиб талпинаман деҳқонча туйғудан маст.

Олчалар қизғиш тортиб, яйраётир дала-дашт.

Унинг товуши қандайдир хастароқ эшитиларди. Ҳамроҳининг қаттиқ шамоллаганини ҳис этган Меливой ака:

— Анча қийналдингиз-да, Ҳожимурод,— деб қўйди.

Ҳовлида бир ит эринчоқлик билан ҳуриб қўйди, гўё «Биров келди», деб уй эгаларини огоҳлантирди. Ҳовлида кимдир йўталди, сўнгра ғўнғир-ғўнғир овозлар эшитилди. Дарвоза ғийқиллаб очилганда Ҳожи:

— Ота!— дея овоз берди.

— Э, Сафожон, сенмисан ўғлим!..

Ҳожи билан Уста Сафар қучоқлашиб сўрашдилар.

— Сатторжон, Сафо аканг билан кўриш, нега қараб турибсан... Оббо Сафожон ўғлим-э, қандай шамол учирди?

— Ота, меҳмонлар ҳам бор.

— Буни қара-я! Келинглар, меймонлар... Ваалайкум... Яхши келдинглармі? Сатторжон, меймонхонани оч. Гугурт олачиқ.

— Ота, отларимиз ҳам бор...— деди Ҳожи.— Бухорода «Меҳмон — атойи худо, аспаш — балойи худо», дейдилар.

— Қанча меймон бўлса, қанча от бўлса, Сафожон ўғлим, жой топилади. Биз чорва халқмиз. Қани, ичкарига. Сатторжон отларни отхонага боғлаб, олдига ем солади.

Уста Сафар меҳмонхонада шифтга осилган лампа чироқни ёқди. Кенггина хона ёришди. Тўрдаги девордан иккита туйнук очилиб, ойна қўйиб сувалган. Шолча-гилам, узун-узун кўрпачалар тўшаб қўйилган.

— Ота, мен ёмғирда шамоллаб қолдим,— деди Ҳожи самоварга пайраха ташлаётган Уста Сафарга.— Ўзингиз бир давосини топасиз-да...

Меливой ака билан Бекмурод ҳам хуржунларини деворга суяб, кўрпачага чўкдилар. Уста Сафар уларнинг ёнида бир зумгина ўтирди-да, ҳаммалари: «Қадам етди, бало етмасин», деб қўлларини юзларга тортдилар.

— Қалинроқ кийиниб олмабсан-да, Сафожон,— деди Уста Сафар.— Сен уйга кирсанг ҳам бўлармиди? Муолажа иссиқроқ уйда бўлгани яхши-да,— деди Уста Сафар меҳмонлардан узр сўрагандек,— дори-дармон қилиб, кўрпага ўраб ташлай-чи.

— Бемалол, уста,— деди Меливой ака,— бу киши тезроқ тузалиши керак.

— Булар ҳам ўз одамларингиз, ота. Жиззахлик экан ўзлари, чўлда учрашиб қолдик. Қўймасдан бирга олиб келдим. Ота билан танишиб қайтасизлар, деб.

— Яхши қилибсан, Сафожон...

Ҳожи хуржунини кўтарганча Уста Сафарга эргашди. Уста меҳмонларга тайинлади:

— Самовар қайнаса, чой дамлаб ичаверинглар. Ҳозир ўғлим нон олиб чиқади. Мен дарров қайтаман, гаплашиб ўтирамиз...

Уста Сафар билан Ҳожи чиқиб кетганидан сўнг ҳамқишлоқлар бир-бирларига қараб қўйдилар.

— Булар ўртасида бир сир борга ўхшайди, Меливой ака.

— Нима десангиз ҳам, Уста Сафар яхши ном чиқарган одам.

Шу пайт қафасда боядан бери питирлаётган каклик сайраб юборди. Ўзаро шивирлашиб ўтирган ҳамқишлоқлар жилмайиб қўйдилар.

— Мен устани ёмон одам, деятганим йўқ. Ҳамроҳимиз... савдогармі, дейман-да. Хуржунини ҳам олакетди, кўрдингизми?

— Отамга совға, деяётувди... Мен бошқа нарсадан ҳайрон бўляпман, Бекмурод. Ҳамроҳимиз бизга ўзини «Ҳожи» деб танитувди. Уста бобо уни нуқул «Сафожон», деяпти...

Охири келгуси сонда

Ғайбулла САЛОМОВ,
Нажмиддин КОМИЛОВ

ТАРЖИМА МЎЪЖИЗАСИ

ЭПОСНИНГ РУҲИ

«Шоҳнома» ўзининг бутун шакли ва маъноси билан ўзбек классик адабиёти анъаналарига яқин. Услубий ва тасвирий воситалари жиҳатидан форс-тожик ва ўзбек адабиётлари ўртасида умумийлик, муштараклик мавжудлиги исботталаб муаммо эмас. Бинобарин, таржимонларимиз ўз адабиётларининг барҳаёт нафаси, бой арсеналидан фойдаланиш имкониятига ва ҳуқуқига эга. Бунда айтарли «номувофиқлик» юз бермайди. Аммо ҳинд адабиёти билан ўзбек адабиётининг ўзаро алоқалари тадрижи ва уларнинг бир-бирига таъсири масаласига келганда, бир қанча фарқли аспектлар борлигини қайд этмоқ керак. Ҳинд адабиёти билан Моваройуннаҳр ва Хуросон регионида қарор топган классик адабиёт орасида, шубҳасиз, жонли алоқа бўлиб турган, бироқ бу алоқа кўпроқ адаптация — адабий мослаштириш, интерпретация — талқин характерига эга эди: ҳинд адабиётининг сюжетлари, мотивлари олиниб, маҳаллий халқларнинг эстетик дидига мослаштирилар, уларнинг бамисоли ўз адабиёти нусхасига айлантирилар эди. Шунинг учун ҳинд адибларининг асарлари бизнинг классик адабиётимиз намуналаридан кўп жиҳатлари билан фарқланади, китобхон тамоман янги адабий муҳитга дуч келгандек бўлади. Жумладан, «Рамаяна» ҳам биз учун, адабий ҳаётимиз учун деярли янги ҳодисадир.

Маълумки, бу ҳиндиёна мўъжиза ўзбек тилига санскритда яратилган асар нусхасидан эмас, балки 200 томли «Жаҳон адабиёти кутубхонаси» сирасида чоп этилган Вера Потапованинг қисқартирилган таржимасидан ўгирилган. Аслида, достон етти китобдан иборат (унда эрамиздан олдинги XIV—XII асрлар воқеалари ҳикоя қилинади), у йигирма тўрт минг шлокни ўз ичига олади. (Шлок маснавийдан шу билан фарқланадики, унда мисралар ўзаро қофияланмайди.) Бир миллий адабиёт дурдонаси бошқа тилга иккинчи ё учинчи тилларга қилинган таржималаридан ўгирилганда, ўз миллий руҳи, маънодорлиги, таъсир қуввати, услубий ўзига хослиги ва бадиий хусусиятларидан табиий равишда қисман маҳрум бўлади. Лекин Муҳаммад Али таржимасининг китобхонни лол қолдирадиган жиҳати шуки, унда ҳиндий колорит восита тил — рус тили, русиёна талқин орқали анча тўкис олиб ўтилган, достоннинг характерли миллий-этнографик, фольклористик компонентлари бут.

«Рамаяна»нинг ўзбекчасида унинг етти жилдидан турли фасллар («Болалик», «Айўдҳя», «Ўрмон», «Кишкиндҳа», «Соҳибжамол», «Жанг» китоблари ҳамда «Хотима») ажратиб олинган. Иккинчи китобдаги бешинчи фасл рус тилида «Кайкейи удаляется в Дом Гнева» («Кайкейи Ғазаб Уйига равона бўлади») деб номланади. Муҳаммад Али буни «Кайкейининг Байтулғазабга чекилгани» деб жуда яхши берган. Шунингдек, «Ўрмон китоби»да —«Равана открывается Сите», «Равана продолжает уговаривать Ситу»; «Соҳибжамол китоби»да —«Летающая колесница», «Женщины Раваны» фасллари «Рававанинг Ситага кўнгил изҳори», «Рававанинг Ситани аврагани»; «Учар ароба таърифинда», «Равана маҳбубалари таърифинда» деб таржима қилинган. Албатта, эпос эрамиздан олдинги XIV—XII асрлар воқеаларидан ҳикоя қилар экан, бунинг устига, у аллақачонлар «ўлик» тиллар қаторига ўтган қадимги санскритда бунёд этилгани ёдда тутилса, уни ўзбекчага «муқобил давр» тили билан ўгириш тўғрисида гапириш мантиқсизликни келтириб чиқариши ва кулгили туюлиши тайин. Бугина эмас, мазкур достонни ҳатто эрамизнинг XIV—XV асрлари даври туркий тили услубида таржима қилишни талаб этиш ҳам мушкул, негаки, таржима бизнинг замондошларимиз —XX аср китобхонларига мўлжалланган. Демак, «Рамаяна» таржимаси, бир томондан, ҳозирги ўзбек адабий тилида жаранглаши баробарида, айни вақтда китобхонларда услубан кўҳналик таассуротини ҳам туғдириши лозим. Муҳаммад Али ана шу дилемма замиридаги диалектик бирлик, яхлитликка, назаримизда, муваффақият билан эришган.

«Рамаяна» таржимасининг ибратли томони шундаки, унинг таржима экани воқеаларнинг кечмиш жойи, уларнинг номлари, киши исмлари, ҳар хил атамалар, тарихий-этнографик истилоҳлардан билинмаса, асарнинг бадиий мукаммаллиги, шеърий тароватнинг тозалиги, тил ва услубнинг бойлиги, тиниқлигидан пайқаш қийин. Бошқача айтганда, Муҳаммад Али асл нусхага байтма-байт, бандмабанд, мисрама-мисра содиқ қолгани, яъни эпопея бисотидаги деярли ҳеч нарсанинг баҳридан ўтмагани, унга ёнидан бирон ножинс, номатлуб нарса қўшмагани ҳолда, ҳинд эпосини баайни ўз халқининг маънавий мулки сифатида авайлаб, ардоқлаб, севиб, жўшиб таржима қилган. У асарнинг русча талқини, таржимаси, баён тарзи, лисоний тўқимаси аро қадимий ҳинд эпосининг шеърияти баҳрига, руҳига йўл топа олган, ўзича жуда соз услуб калити кашф этиб, достоннинг бадиий жавоҳирларини қўлга киритган, уларни халқимизга инъом этган.

Таржиманинг бадиий тасвир тарзи қанчалик бой ва гўзал эканлигига қуйидаги бир неча мисолни чоғиштирганда ҳам қаноат ҳосил қилиш мумкин.

Тўртинчи китобнинг бир жойида гуллардан юкли бўлиб турган дарахтлар, биринчи китобда эса, ёмғирга юкли бўлиб кезаётган булутлар тилга олинади. Манзара китобхоннинг кўз олдида гавдаланиб туради. Ҳар икки ҳолда ҳам, русча ва ўзбекча таржималарда, дарҳақиқат, **юк** тушунчаси бор. Лекин кейинги мисолга келганда, айни бир тушунчанинг русча ва ўзбекча таъбири бир-биридан фарқланади: бўйида бўлишни руслар «юк» билан боғламайдилар. Ўзбек тилида эса **юк — дарахт** ва **булутга** тушганда «оғирлик» маъносини берган бўлса, уч кундош **аёлга** тушганда тамомила ўзгача, кўчма маъно ҳосил қилган. Аммо еттинчи китобнинг бир жойида таржимон Ситанинг «оғироёқ бўлгани»ни русча иборани айнан ўгириш орқали англатган. Демак, ҳинд эпоси таржимасида Муҳаммад Али ўзбек тилининг ранг-баранг луғатларидан кенг фойдалангани ҳолда, айни вақтда, агар мазмунга халал етказмайдиган, китобхонга тушунарли, у «ҳазм қила оладиган» бўлса, сўзма-сўз таржима усулидан ҳам қочмаган.

Таржиманинг услуби алоҳида диққатни талаб қилади. Биринчи китобда оғзаки халқ ижоди асарларига хос бир белги — фарзандталаб хотинларнинг илоҳий куч таъсири остида сирли равишда ҳомиладор бўлишлари хусусида гап борар экан, бундай ҳолат ва вазият бизга ўзбек халқ достонлари анъанасидан яхши таниш. Бироқ Муҳаммад Али бор «воқеа»нинг ўзини данғал, қандай бўлса шундайлигича айтиб қўяқолмайди, балки русча матн заминидаги пинҳоний ҳиндиёна сеҳр, «илоҳий қудрат», «сирли», «ваҳий» башорат, таъсир, ҳолат-

Охири. Боши журналнинг 2-сонида.

Пирмат ШЕРМУҲАМЕДОВ,
Муҳаммадали ҚЎШМОҚОВ

ШОИРАЛАР ҚОЛДИРГАН ХАЗИНА

Ҳаётнинг ҳам, халқнинг ҳам онаси — аёл. Оламга кўплаб улуғ олимларни, шоирларни, арбоблар ва саркардаларни берган ўзбек халқи Меҳри, Зебуннисо, Увайсий, Нодира, Маҳзуна, Дилшоди Барно, Анбар отин, Муаззамхон, Самар Бону, Нозимахоним, Ойдин, Зулфия сингари оташнафас, шердил шоираларни камолга етказгани табиий ҳолдир. Бу шоиралар ҳар бирининг ижоди ўз даври бадиий қомуси, деб айтиш мумкин. Зеро, адабиётшуносларимиз ўзбек классик шоиралари ижодини улар яшаган ижтимоий-адабий муҳит билан узвийликда ўрганаётганлари айни муддаодир. Аммо ҳануз ижодлари ўз тадқиқотчиларини кутаётган шоираларимиз ҳам анча-мунча. Академик Ғафур Ғуломнинг «Ўзбек шоираси Меҳри» мақоласида таъриф этилган, «Оналар» мақоласида эслаб ўтилган шоира Меҳри (1351—1387) шулар жумласидан. Бу мақолаларда шоира ижодидан мисол келтирилган рубоийлар яққол кўрсатиб турадики, ўз шеъриятида инсон эркини мардона ҳимоя қилган Меҳри бибимиз ҳаёти ва ижоди махсус ўрганилишга, асарлари қайта-қайта нашр этилишга ва ўзбек адабиёти, балки жаҳон шеърияти тарихидаги ўз қонуний ўрнини эгаллашга лойиқдир.

Аёлга муносабат ҳамиша мавжуд ижтимоий тузумнинг асл мазмунини акс этиб турувчи кўзгу бўлиб келган. Эзувчи синф маданияти ва демократик маданият вакиллари хотин-қизларга ижтимоий муносабат масаласида қарама-қарши қутбни ташкил этганликлари маълум. Дарвоқе, ўзбек халқининг илғор, тараққийпарвар фарзандлари — демократик муҳит намоёндалари ва улар атрофидаги ижодкорлар хотин-қизларнинг мазлумалигини, ижтимоий ҳуқуқсизлигини кўрмаслиги, бу ҳақда ўйлаб, маълум хулосага келмаслиги мумкин эмас эди. Қўқонлик шоир ва маърифатпарвар Мирзазам Иброҳим Даврон тартиб бериб, жиддий таҳрир қилиб, тўпламга киритилган 44 шеърдан 20 тасини ўзи ёзиб (бу ҳақда қаранг: Ўзбек Совет Энциклопедияси, IV жилд, 519-бет) 1914 йили нашр этган «Ашъори нисвон» («Хотинларнинг шеърлари») мажмуаси фикримизнинг далилидир. Хотин-қизларнинг инсоний ҳуқуқсизлиги қонунлаштириб қўйилган бир шароитда «Ашъори нисвон»нинг чоп этилиши ижобий воқеа — тараққийпарварлик намунаси эди, албатта. Лекин ўзбек классик шоираларининг ижоди Улуғ Октябрь революцияси шарофати билангина тўла рўёбга чиқди. Бу эса Ленин бахш этган озодликнинг чинакамига ҳаётий ва амалий эканини яна бир карра исботлайди.

Ўзбек классик шоиралари ҳаёти ва шеърияти бўйича олиб борган тадқиқотлари туфайли эл меҳрини қозонган адабиётшунос олимимиз Тўхтасин Жалолов ана шу муҳитда — бутун демократик маданиятни ленинчасига ижодий ўрганиб, инқилобий давр хизматига қўйишни тақозо этган эзгу муҳитда униб-ўсди. Унинг шоиралар ижодидан баҳс этган илк тадқиқоти — Зебуннисо бегим ҳақидаги мақоласи «Ёрқин ҳаёт» журналининг 1940 йил 3-сонида босилиб чиқди. «Ўзбек шоиралари ижоди устида илмий тадқиқот олиб бориш зарурати ва шу ху-

ни назардан қочирмай, шундай вазиятда ўзбек тилида ифода тарзи қандай зоҳир бўлиши лозимлигини инобатга олган ҳолда таржима қилади. Натижада подшонинг катта хотини — кубро деб аталади; Вишну Дашаратҳа ҳузурига «келмайди», балки зуҳур кўргазади, кундош аёллар илоҳий неъматни «емайдилар» ёки «ичмайдилар», балки тановул айлайдилар. Услуб, ифода тарзи айни асар ёзилган адабий жанр, унинг яратилган даври, достонда ҳикоя қилинаётган воқеа-ҳодисаларнинг хусусиятига мос бўлгани учун таржима табиий, ишонарли, завқбахш бўлиб чиққан.

Истеъдодли шоир ва зукко таржимон Муҳаммад Али китобхонлар ҳурматини қозониб келмоқда. Унинг таржимасида Байрон ва Бёрнс шеърияти тилимизда қайта ҳаёт топди, шунингдек, қорақалпоқ эпоси «Шаҳриёр» таржимасини ҳам у жуда ўринлатди. Шоир шеърий таржимада устози Миртемир мактабига содиқ қолиб, халқ оғзаки ижоди намуналарини халқимиз дилига етказишда ўзига хос бир йўсинда, ажиб бир нашъу намо билан қалам сурмоқда. Муҳаммад Алининг таржималари асл нусха руҳига яқинлиги ва, шу билан бирга, ўзбек шеъриятининг нафосатини кўз-кўз қилувчи бақувват поэтик асарлар бўлгани билан кўп миллионли ашъорфаҳм китобхонларга манзур.

ҒАРБУ ШАРҚ АНЪАНАЛАРИ ТИМСОЛИ

Ж ОВАННИ Боккаччонинг «Декамерон» асари Европа Уйғониш даврининг илк обидаларидандир. Унда XIV аср Италия ҳаётининг реал манзаралари акс этган. Бироқ ўн кун ичида бир жаҳон воқеалар тасвирини қамраган бу ажойиб асар шарқ руҳи билан ҳам суғорилган. Сабаби, Боккаччо ўз новеллаларининг сюжетини кўпинча Шарқ адабиётидан олган. «Декамерон» ҳикояларини ўқиганда ҳинд, араб ва Ўрта Осиё халқлари адабиётида шуҳрат топган «Минг бир кеча», «Калила ва Димна», «Синдбоднома», «Тўтинома» каби асарларда тасвирланган қизиқ-қизиқ саргузаштлар, ўзбек халқ оғзаки ижодида мавжуд латифалар кўз олдингизда жонланади. Ажабки, Боккаччо китобида бадиий талқин қилинган воқеаларнинг баъзилари Жалолиддин Румий, Саъдий Шерозий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий асарларидаги ҳикоя ва қиссаларга жуда-жуда ўхшайди. «Декамерон»нинг ички ҳикояларидан ташқари, унинг фабуласи тузилиши ҳам шарқонадир: Боккаччо худди «Минг бир кеча», «Калила ва Димна»да бўлганидек, бош қолипловчи ҳикоя қаҳрамонлари (Флоренциядаги вабодан қочиб, шаҳар ташқарисидаги қишлоққа чиқиб кетган қизлар ва йигитлар) тилидан турли мавзудаги саргузаштларни келтиради. Муҳими, Боккаччо тарғиб қилган гуманистик ғоялар билан Шарқ мутафаккирлари, айниқса Алишер Навоий тараннум этган чуқур инсонпарварлик бир-бирига яқин. Бу нарса Шарқ ва Ғарб Уйғониш даврлари орасидаги ўхшашликдан, жаҳоннинг икки қутбида бир-биридан мустақил ҳолда ривож топган адабиёт вакиллари ижодида муштарак ғоявий мотивлар, бадиий-тасвирий жиҳатдан монандликлар мавжудлигидан далолат беради: ҳар икки буюк адиб ҳам Шарқ халқларининг оғзаки ижод намуналаридан унумли фойдаланган, шунингдек, ҳар иккиси Шарқда IX—X асрларда ривожланган кучли маданий кўтарилиш туфайли юзага келган илғор қарашлар, тараққийпарварлик ғояларини ижодий давом эттирганлар. Шу сабабдан «Декамерон» Шарқу Ғарб адабий ҳамдастлигини ўзида мужассамлантирган антиқа бир асар бўлиб майдонга келган. Бу хусусият Боккаччонинг тили ва услубида ҳам ўз изини қолдирган.

Шундай экан, таржимонимиз олдида ғайри одатий жиддий муаммо кўндаланг бўлади: «Декамерон» таржимасида қандай йўл тутиши керак? Таржима билан танишаётган ўзбек китобхони илгари ўзи ўқиган ёки қулоғига етган ҳикояларнинг моҳиятини ҳис этишдан ташқари, XIV аср Италия ҳаёти, европаликларнинг турмуш тарзи, ўй-фикрлари, психологияси, характери билан ҳам танишган бўлмоғи лозим. Таржимон Қодир Мирмуҳамедов бу гал ҳам классик адабиёт обидаларини ҳозирги ўзбек тилига ўгириш замирида яширинган ана шу лисоний-услубий зиддиятни тўғри ҳал қилишга муваффақ бўлган, деб дадил айтиш мумкин, «Стилист санъаткор» Боккаччо (академик А. Веселовский) ҳикояларини таржимон ўзбек халқ китоблари ва Абдулла Қодирийнинг ширингуфтор, латиф тили «йўлида» ўгириш орқали услубий «ўхшашлик», монандликни юзага келтирган.

Қодир Мирмуҳамедов таржимада ҳар бир сўз, тафсилот, детални иложи борича бекаму кўст акс эттиришга ҳаракат қилади, лекин шу билан баробар, ортиқча ҳижжалаб ўгиришдан ҳам ўзини сақлайди. У «сўзни сўз билан» эмас, балки «маънони маъно билан» бериш йўлидан боради. Маъно сўздан ташқарида ёки сўз маънодан хорижда бўлмайди, дейишлари мумкин. Йўқ, турли тилларда айни бир тушунчани бошқа-бошқа сўз билан ифодалаш ҳоллари учраганидек, айни бир калима бошқа-бошқа маъноларни билдириши ҳам мумкин. Бундан ташқари, муайян бир ҳодиса турли халқларда ҳар хил талқин этилиши ҳоллари ҳам кўп учрайди. Бу ҳар бир халқнинг моддий ва маънавий турмуш шароитларига боғлиқ. Хуллас, Қ. Мирмуҳамедов ҳам ҳижжалаб таржима қилишни қатъиян рад этгани ҳолда, ҳар гал «Айни ҳолатда ўзбеклар қандай гапирган бўлардилар?», деган мулоҳаза билан иш кўради.

Тўққизинчи куннинг тўққизинчи ҳикоятидан бир мисол: «Я — гость, мне не пристало прекословить хозяину». Бу: «Мен меҳмонман, хўжайин билан айтишиб ўтиришим ярашмайди!», дегани. Таржимон эса фақат сўзга, иборага, жумлага, абзацга, саҳифа ёки новеллага ҳам эмас, балки бутун асар контексига қараб иш кўради. Кимдаким бирон гап ёки жумлани алоҳида олган ҳолда, унинг таржимасини таҳлил қилса-ю, ундан асл нусхага нисбатан номувофиқликлар топса, шу асосда таржимонни койиб бўлмайди. Таржимон бошда муайян принцип, йўл, тадбир танладими, бу нарса асарнинг охиригача изчил давом этади, ҳар галги ҳар бир хусусий масала ўша умумий планда ҳал этилади.

Юқоридаги мисол таржимада: «Мен — меҳмонман, мезбоннинг раъйига юришим шарт», деб табиий, ихчам ифода этилган.

Таржимада хонимларга нисбатан қўлланилган хислат, сифат, таърифларни бир кўздан кечирайлик: «дилрабо», «дилнавоз», «муҳтарама», «шоиста», «азиз», «дилкаш», «дилором», «латофатли», «эъзозли», «латифа», «малоҳатли», «соҳибжамол», «дилбар», «мафтункор», «навниҳол», «жозибадор», «дилрабо», «пуршафқат», «хушфеъл», «фусункор», «пурлатофат», «лобар», «илтифотли», «лазиза», «бебаҳо», «машҳура», «марҳаматли», «нажиба», «оқила», «меҳрибон», «раҳмдил», «хуштабиат». Гўзалларнинг таърифини ифодаловчи ўттиздан ортиқ сўз! Мана шу луғавий-услубий омилнинг ўзиёқ тилимизнинг ғоятда бой луғавий имкониятларини намойиш этади.

Декамероннинг олтинчи куни арафаси тасвири русча таржимада шундай берилган: «Уже луна, стоявшая в самом зените неба, померкла и новое светило, взойдя, осияло наш мир, когда королева, поднявшись со своего ложа, велела созвать приближенных, и все медленным шагом пошли по росе...» Бу ажойиб манзара ва зарифа хонимларнинг хотиржам, хушвақт алфози, кайфияти таржимада ажиб бир тарзда, самимият билан акс эттирилган: «Қоқ найзага келган ой хиралашиб, самога кўтарилган янги ёритқич — офтоб бутун оламни чароғон этган пайтда, малика ўз тўшагидан туриб, барча муқарраблари-ни чақиришга фармон берди ва ҳаммалари шудринг кечиб, аста-секин сайрга чиқиб кетдилар» (366). Бунда барча тасвир ва тафсилотлар соф ўзбекча: найза бўйи келган ой; маликанинг муқарраблари; шудринг кечиб юришлар...

Таржимада баъзи қусурлар ҳам йўқ эмас. Чунончи, ўша «яқин турувчи», «яқин дўст» маъносидаги муқарраб калимасини (568-бетда «муқарриб» деб бузиб ҳам ёзилган) аёллар гуруҳига нисбатан қўллаш қандай бўлар экан? Башарти, мумкин бўлган тақдирда ҳам, уни муаннасий шаклда муқарраба деб қўллаш дурустроқ эмасми?

Айтиш керакки, умуман китобнинг корректураси ёмон ўқилган: 569-саҳифада Антиохия —«Антоихия» деб, 372-бетдаги кичик сарлавҳада Флоренция (Италия)— Франция деб (бу нуқсон мундарижада ҳам такрорланган) хато ёзилган. Бундан ташқари, гоҳи ўринларда ғарб адабиёти асарига сал меъёридан ортиқроқ «шарқий» тус бериб юборилган, шекилли. Кейин, эсизки, шундай гўзал асар, мукаммал таржиманинг нашр сифати, безатилиши талабга жавоб бермайди. «Шоҳнома», «Рамаяна», «Занжирбанд Прометей» олдида «Декасусида бирор нарса ёзиш ғояси дастлаб марҳума адибамиз Ойдин опада пайдо бўлиб, шу орзуни рўёбга чиқаришни у киши биздан илтимос қилган эдилар», деб ёзади Тўхтасин Жалолов «Ўзбек шоиралари» китобига ёзган сўзбошисида. «Орадан кўп вақт ўтиб, 1956 йилда яна шу масала қўзғалди,— дейди олим.— Бу гал айни муҳим масалани филология фанлари доктори, профессор Иззат Султон ўртага қўйиб, бизни чала қолган ишимизни битиришга даъват қилди». Хуллас, адабиётшунос Тўхтасин Жалоловнинг ўзбек шоиралари ижоди бўйича олиб борган изланишлари учун мақсадни муҳит берди. Бинобарин, биз бу ўринда, В. Маяковский таъбири билан айтганда, ижтимоий буюртма, адабий эҳтиёж тадқиқотчининг ижодий кучи рўёбга чиқиш учун сабабчи бўлганини кўрамиз. Албатта, муҳитни тирик одамлар, халқ яратади. Муҳитдан ғоя ва баҳра олган адабиётшунос Тўхтасин Жалолов шеъриятнинг яратувчиси ва хазинабони бўлган халқнинг турли касбдаги вакиллари кўнглига йўл топиб, уларни маълум ижтимоий-адабий вазифани адо этишда ўз кўмакчиларига айлантира билди. Ўзбек шоиралари, шунингдек, Паҳлавон Маҳмуд асарларини топиш, тўплашда,— тадқиқотчи мамнуният билан таъкидлаб ўтганидек,— Музайяна Алавия, Абдулла Болтаев, Юнус Юсупов, Яҳё Ғуломов, Мадраҳим Раҳмонов, Рустам Муҳамедов, Улфат (Имодиддин Қосимов), Омонулла Валихонов, Раҳим Бекниёз, Порлоқ Ёқубов, Анисий (Абдулаҳад Азизов), Разиддин Салоҳиддинов, Шамсинисо Зиёвиддин қизи, Абдуллажон Файзиматов сингари адабиётга чексиз муҳаббат қўйган ҳурматли кишилар қизғин иштирок этгани, балки шериклик қилгани — ажойиб ҳодиса. Бу, совет замонида маданий мерос чинакамига халқ мулкига айланганини, адиб эса, маънавий хазина яратувчисигина эмас, фаол ташкилотчи ҳам бўлиб қолганини кўрсатувчи кундалик мисолдир. Тўхтасин Жалолов ўзбек классик шоиралари ҳаёти ва ижоди бўйича олиб борган тадқиқотларининг яна бир хусусияти бадиийликка мойиллигидадир. «Тўхтасин ака ўзи текшираётган бадиий асарларни аввал шоирона қалб билан ҳис этиб, ҳаяжон ичида ёзгани учун унинг кўпчилик мақолалари прозадаги шеъриятга ўхшаб кетади», деб ёзади филология фанлари доктори Маҳмудали Юнусов. Дастлаб Тўхтасин Жалолов ижодида кўринган илмийлик билан бадиийликнинг пайвастлиги кейинги йиллар адабиётшунослиги намуналарида янада ёрқинроқ намоён бўлаётганини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Т. Жалолов китобида жамланган мақолалар ва ғазаллар ўзбек шоиралари ижодига хос демократик руҳни, исёнкорлик ва некбинликни, чинакам инсоний муҳаббат тараннумини, ҳаётсеварлик ва эрксеварликни аён қилди. Бу эса ўзбек шоиралари ижодигагина эмас, балки умуман ўзбек классик шеъриятига янгича файз бағишлади, дейиш мумкин. Бону ижодини таҳлил этар экан, муаллиф жумладан шундай дейди: «Шеърият ҳеч қачон шахсий мусибатлар доирасида колиб кетмаган. У ҳамиша кенг ижтимоий мазмун касб этиб, бирор синф, ижтимоий табақанинг кайфияти, руҳий ҳолати, орзу-умидлари инъикос этган ойна бўлиб қолади. Бону ижодига ҳам ана шундай кенг маънода, ўзбек жамиятининг ярмини ташкил этган барча хотин-қизларнинг, ҳамма бонуларнинг куйга солинган фарёди деб қараш зарур». Бу фикрни далиллаш мақсадида адабиётшунос уч миллатга мансуб уч шоиранинг — ҳиротлик Биби Марям, истамбуллик Назиҳа хоним ва қўқонлик Нозук хоним ғазалларини мисолга келтириб, «бу — жудолик алами, бу — фироқ дарди, бу — хотинлик шарафи поймол этилган, таққирланган аёлнинг ижтимоий адолатсизликка қарши норозилик овози, ўзлари яшаган карқулоқ, ҳимматсиз жамиятга қарши исён овозидир», дейди.

Ўзбек шоиралари ижодининг ижтимоий аҳамиятини бундай таъкидлаб кўрсатиш Т. Жалолов китобининг ҳар икки нашрига хос. Дарвоқе, ана шу фазилатларига кўра, «Ўзбек шоиралари» китоби илм аҳли, адабий жамоатчилик, кенг китобхонлар оммаси томонидан самимий кутиб олинди. Академик Ойбек «Ўзбек шоиралари» китоби ҳақида фикр юритиб, «Тўхтасин Жалолов тарих варақларини ахтара-ахтара ўзбек шоиралари ҳақида хийла қимматли маълумотлар тўплади. Ўзининг катта, синчикли текширишлари натижасида ўттиздан ортиқ ўзбек шоираларини топди. Бу ғоят ажойиб воқеадир», деган эди. Лекин адабиётшунос эришилган муваффақият билан кифояланиб қолмади. Кўнглидаги мурод-мақсад раъйига

мерон» нашри анча кўримсиз. Таржиманинг сифати ва савияси билан унинг матбаа техникаси бир-бирига мос эмас.

БУЮК ОЛОВБАРДОР

«Қизил ва қора» ёки «Карл IX салтанатининг йилномаси» романларининг таржимаси хусусида гап кетганда, ўз-ўзидан маълумки, бунда «Декамерон» таржимони қўллаган тадбир ҳожатраво бўлолмасди. Мазкур икки асар ҳам Ғарб адабиётининг намунаси, улар Шарқ адабий анъаналаридан батамом фарқ қиладиган эстетик муҳит маҳсули ўлароқ, давр эътибори билан ҳам Стендаль ва Мериме романлари «Декамерон»дан ажралиб туради — улар XIX аср реалистик прозасига мансубдир. Шунинг учун Ҳасан Тўрабеков билан Озод Шарафиддинов ҳозирги ўзбек адабий тилининг талаблари, принцип ва нормалари асосида андоза олиб, ўзига хос чиройли таржима яратганлар. «Қизил ва қора»даги чуқур психологик таҳлил, ёркин образлар, буржуа жамиятининг ички зиддиятлари, оддий одамлар учун ҳожиали бўлган манфур турмуш шароитини таржимон ўзбек тилида ғоят усталик билан ифодалай олган. Таржиманинг тили равон, бадиий жиҳатдан пухта, айни вақтда Стендаль услубига хос «дағаллик», бепардоз, бетакаллуф тасвир табиий равишда намоён бўлган. Ҳасан Тўрабеков кўзи пишган таржимон, анча йиллардан бери шу соҳада ижод қилади. Талантли танқидчи Озод Шарафиддинов эса, гарчи таржима назарияси ва амалиёти соҳасида аллақанча эътиборга лойиқ нарсалар яратган бўлса-да, Проспер Меримедан қилган таржима унинг дастлабки йирик ижодий ютуғидир. Таржимон шиддатли характерлар ижодкори Мерименинг драматизмга бой асарлари руҳини сақлаган ҳолда ўзбек китобхонларига етказиб, бадиий таржимада яхшигина қалами борлигини кўрсатган.

Эрамиздан олдинги антик адабиёт асарларининг таржима қилина бошлагани ўзбек маданиятида ўзига хос алоҳида саҳифа очди. Юнон адабиётининг бобокалони Гомернинг «Илиада» ва «Одиссея» достонларини таржима қилишга дадил киришилди. Асқад Мухтор Софоклнинг «Шоҳ Эдип» трагедиясини маҳорат билан таржима қилди. Бунга Эдип ролини ижро этган буюк актёр Шукур Бурҳонов маҳорати қўшилиб, ўзбек таржимачилиги ва театр санъатининг улкан ютуғини намойиш этди. Яқинда ёш шоир Асқар Қосимов юнон аттика даври адабиётидан Эсхилнинг «Занжирбанд Прометей» трагедиясини ўзбекчага ўгирди. К. Маркс ва Ф. Энгельсни мафтун этган «Занжирбанд Прометей» асарини Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти алоҳида китоб ҳолида босиб чиқарди. Бу ажойиб нашрни чинакам китоб санъати намунаси деса бўлади. Китобни безашда рассом И. Кириакиди ўзининг бутун таланти, меҳри ва завқини ишга солган.

Муқовада букилмас иродали, буюк жафокаш Прометей тасвирланган. У ёниб турган оташни инсонлар авлодига қўш қўллаб узатмоқда. Тепасида қонхўр бургутлар унга таҳдид солиб, чарх уриб учади. Оёқлари остида даҳшатли илонлар заҳар солиш қасдида тўлғанади. Инсонга меҳр-оқибати учун қаҳр-ғазабга учраган Прометейнинг фожиали аҳволи ёркин тасвирланган. Китоб ичидаги расмлар ҳам ғоят жонли, таъсирчан, маънодор.

Ҳинд шоири Валмикининг «Рамаяна» эпопеяси билан юнон драматурги Эсхилнинг «Занжирбанд Прометей» трагедиясининг ўзбек тилига таржимасида фақат бир-биридан узоқ адабиётларгина эмас, шу билан бирга, турли миллий удумлар, диний-фалсафий қарашлар, тасаввурлар, бидъату фикрат ифодалари ҳам ўзаро дучлашган.

«Рамаяна»да эрамиздан олдинги XIV—XII асрларда бўлиб ўтган воқеалар тасвирланган бўлса, «Занжирбанд Прометей» эрамиздан олдинги 500-йилларда яратилган. Шуниси диққатга сазоворки, ҳар иккала таржимон — Муҳаммад Али билан Асқар Қосимов, аксарият ҳолларда, бир хил муаммога дуч келганлар.

Асқар Қосимовнинг русча нашрга мос эркин шеърда қилган таржимаси оҳанги, услуби, луғати эътибори билан диққатни тортади. Бир қанча манзара ва лавҳалар таржимаси фожиа услубига мос, таъсирчан.

«Дебоча»нинг иккинчи саҳнасидан Прометей монологидаги мана бу мураккаб мисралардан таржиманинг умумий тарзи-тароватини ҳис этиш мумкин:

Эй, сиз арши аълонинг бор-йўқ
карими,
Учқур қанот шабодаю ложувард наҳр
Ила денгиз долғасининг қаҳқаҳалари,
Она-еру чор атрофни ёритган офтоб,
Ҳаммангиз ҳам шоҳид бўлинг: қаранг,
шу тарзда
Маъбудлардан зулм кўргум маъбуд
эсам-да!

Занжирбанд Прометейни «инсофга» чақираркан, инсонлар билан алоқани узиб, Зевс билан муроса қилишга даъват этаётган Гермес шундай дағдаға қилади:

Аввалambор ўз аршидан падари
бузрук
Чақмоғини йўналтирар, бузар
қоянгни.
Тоғу тошлар вужудингни кўмиб
ташлайди.
Қайтадан сен чиққунингча ёруғ
дунёга
Ўтиб кетар қанча-қанча давру
давронлар...

Шеър гарчи қофиясиз эса-да, яхши жаранглайди. Сабаби — мисраларнинг оҳангдошлигига эришилган, луғат трагедияга мос, услуб худди шунга кўра тантанавор.

Умуман олганда, Асқар Қосимов, сўз бошида айтилганидек, «Занжирбанд Прометей» трагедиясининг «...фалсафий ҳамда инсоний моҳиятини ўзбек китобхонига тўла етказиб беришга интилган».

ҲАЁТБАХШ АНЪАНАЛАР

Таржиманинг муваффақияти, аввало, таржимон истеъдодига боғлиқ бўлса, иккинчидан, объектив шарт-шароитга, таржима асар билан ватан адабиёти орасидаги даврий ва миллий «масофа», яқин-йироқлик, адабий-эстетик анъаналар, дид ва тушунчалар орасидаги тафовутлар, адабий алоқа ва таъсирнинг характери, халқ тилининг бойлиги, адабий тилнинг тараққиёт босқичи, поэтик имкониятлар ҳамда китобхон савияси, тайёргарлик даражаси, шунга мувофиқ талаб ва эҳтиёжларига ҳам бевосита алоқадор. Таржимон ўзи севган, фойдали ва зарур деб билган асарни бутун салмоғи, ғоявий-бадиий нафосатини сақлаган ҳолда қалб қўри билан таржима этишга шайланади, ўз қалам тебратиш йўсинини авторнинг услуби «антенна»ларига мослаб ижод этишга киришади. Бунинг самараси ўлароқ, санъат асари бошқа тилга, ўзга адабий муҳитга, янги китобхонлар орасига қараб йўл олади. Энди бу меҳнатни, таржимон чеккан заҳматни қадрлай оладиган дидли китобхон керак. Мабодо, таржимани китобхон тушуниб, севиб қаршиламаса, ундан таъсирлана билмаса, завқ олмаса, мутаржимнинг барча саъй-ҳаракати зое кетади. Баъзилар бундан қочиб, асарни ватан адабиёти руҳига батамом мослаштириб, бус-бутун «ўзимизники» қилиб юборишга зўр берадилар. Бу муаллиф услубини сохталаштиради, уни миллий-этнографик ўзига хосликдан маҳрум этади, давр нафасини сўндиради, натижада китобхон айни таржимадан кутган янгиликни ололмайди. Ваҳоланки, таржимадан мақсад ўзимизда мавжуд қандайдир бадиий асарларнинг бошқачароқ талқини ёки «варианти»га эга бўлиш эмас, балки янги гўзаллик олами, янги адабиёт, янги ёзувчи кашф этиш, оммага янги эстетик олам эшигини очишдан иборат. Худди шундай таржимагина ватан адабиётини бойитишга қодирдир. Ҳозирги ўзбек таржимонларининг кўплари ана шу иккинчи йўлга амал қиладилар. Улар ўзга адабиётларга мансуб нодир бадиий обидаларнинг ўзига хос ғоявий, миллий ва услубий безакларини сақлаган ҳолда, уларни ўзбек адабиёти орбитасига ўтказиб, китобхонларни хушнуд қилмоқдалар. Зотан, совет даврида қарор топган реалистик таржима принциплари шуни талаб қилади, бу эса ўзига хос таржимонлик уқуви, малакаси ва истеъдодини тақозо этадиган чинакам катта ижодий меҳнат орқали қўлга киритилади.

Гётенинг фикрича, бошқа халқ адабиётига мансуб асарни китобхон дидига мослаштириш ва аниқ таржима яратишнинг уч босқичи маълум: дастлаб асарни ватан адабиёти руҳида тарбияланган китобхонлар талабига батамом мувофиқ ҳолда эркин таржима қилиш; иккинчи топқир уни барча миллий ва услубий хусусиятларини сақлаган ҳолда тақдим этиш, яъни китобхонни муаллиф ватанига

юриб, шаҳарлар кезди, одамлар орасида бўлди — китобининг ўзидан бошқа ҳеч ким сезмаган кемтикларини тўлдирди. Шу тариқа «Ўзбек шоиралари»нинг иккинчи нашрини тайёрлади. «Тадқиқотларимизнинг энг муҳим маҳсули — шоира Самар Бону девонининг топилиши, албатта,— деб ҳисоблайди муаллиф.— Бу нашрда муҳтарам китобхонлар ажойиб шоирамиз Самар Бону ижоди билангина эмас, балки машҳур шоиримиз Ҳувайдо номига пайванд бўлиб келган бир адабий сулола билан танишадилар». Дарҳақиқат, адабиётшунос Самар Бону шеъриятини бу шоира яшаган давр, адабий муҳитдан ажратиб олмаган ҳолда ўрганди ва Самар Бону, шунингдек, «Ўзбек шоиралари» китоби қаҳрамонларидан бўлган ҳар бир шоира ижоди асрий, бой маънавий-маданий заминда унганини тасдиқлади. Шу ўринда таъкидлаш мумкинки, адабиётшунос Тўхтасин Жалоловнинг ўзбек классик шоиралари ижодига бағишланган тадқиқотлари ўзбек бадиий тафаккури ривожи ҳақидаги тасаввурни бойитди, ёркинлаштирди, адабиётшунослигимиз тараққиётига қўшилган ўзига хос ҳисса бўлди.

Т. Жалолов ижодидаги яна бир муҳим саҳифага — Паҳлавон Маҳмуд ижодига аталган саҳифага алоҳида эътибор қилиш керак. Т. Жалоловнинг Паҳлавон Маҳмуд ҳаёти ва ижодига бағишланган тадқиқоти, андижонлик ҳамкасблари, дўстлари Улфат ва Боқир билан қилган таржималари классик шеъриятимизнинг то бунгача ўзбек совет адабиётшунослиги мавзуи бўлмаган ёркин бир сиймосини кашф этди. Паҳлавон Маҳмуд рубоийлари учинчи нашрига ёзган сўзбошиси тадқиқотчи Хоразм Хайёми ижодини йилдан йилга тўлароқ ва кенгроқ идрок эта бораётганини, файласуф рубоийнавис ижоди ижтимоий сарчашмаларига чуқур эътибор бераётганини маълум қилади. Муаллиф Паҳлавон Маҳмуд футувват ёки жувонмардлик оқимининг улуғ етакчиларидан бири эканини уқтиради, ёш олим Ёқубжон Исҳоқовнинг: «Ҳунармандлик гуруҳининг илғор қарашлари ва интилишларини ифодалаган бу йўналиш ўша даврдаги илғор кучларнинг маълум қисми учун маънавий замин бўлган» деган мулоҳазаларига қўшилади. Ҳақиқатан ҳам «футувват — жувонмардлик ҳаракатининг ташкилотчисигина эмас, унинг маънавий раҳнамоси» (Т. Жалолов) ҳам бўлган Паҳлавон Маҳмуд классик шеъриятимизга мансуб граждан шоирнинг ёркин тимсоли. Унинг ижоди навбатдаги, махсус ва йирик тадқиқотларга муносиб.

Албатта, йиллар асл шароб ва эзгу мурод-мақсадга бўйсундирилган ақлнинг кучига куч қўшиб бораверади. Адабиётшунос Тўхтасин Жалолов етмиш ёшдан ошганини ўйлаганимизда, шу фикр хаёлимизга келди. Демак, Жалолов домла ҳали-бери кексаликни бўйинга олмайди, ўз тадқиқотларини ёшлик ғайрати билан давом эттираверади. Зеро, ҳозиргача номаълум қолиб келаётган, ахтариб топадиган тадқиқотчисини кутаётган шоирлару шоиралар, асарлар, ким билсин, қанча!.. Сўнгра, ўзбек классик шоиралари ижодининг тадқиқ этилиши жараёнида туғилган ёки баҳсталаб бўлиб қолган масалалар анча-мунча. Чунончи, «Ашъори нисвон»да Иброҳим Даврон тўпловчилиги ва авторлигининг нисбати, адабиётшунос Аҳмаджон Мадаминовнинг кандидатлик диссертациясида Нодира ижоди деб қараладиган бир қанча асарларнинг шоир Узлат қаламига мансублиги тўғрисида келтирилган далилларга «Ўзбек шоиралари» китоби муаллифи муносабат билдирмай қўя қолиши мумкинми? Ҳақиқат — адабиётнинг олий матлабидир. «Зебуннисо Маҳфий эмас!» деб исботлаган — муҳим адабий муаммони илмий ҳал этган олим Тўхтасин Жалолов ҳозиргина зикр қилинган баҳсли масалаларга адолат ва тажриба кўзи билан қарашига аминмиз, чунки унинг ўзбек классик шоиралари ижодига чуқур муҳаббати шуни тақозо этади.

Тўхтасин Жалолов изидан адабиётшунослигимизга ўзбек шоиралари ижодини ўрганишни мақсад қилиб олган қобилиятли тадқиқотчилар кириб келдилар. Уларнинг илмий изланишлари янгидан-янги самаралар келтириши табиий, чунки асрлар шамоли кўздан яшириб кетган талай бадиият ганжиналари мавжудлигини кутилмаганда топилиб, адабиёт тарихимиздаги ўз қонуний ўрнини эгаллаётган асарлар мантиқан уқтириб турибди.

Роппа-роса қирқ йилдан бери ўзбек классик шоиралари шеъриятини тадқиқ этиб келаётган олимимиз Улуғ Октябрь социалистик революцияси туфайли бахт, севги, озод меҳнат куйчиси бўлиб танилган ўзбек совет

сафарбар этиш, уни бутунлай бегона адабий муҳитга олиб кириш. Лекин бу аниқ таржима эмас, балки бегона адабий анъаналарни бадиий маънавиётимиз даргоҳига зўрма-зўраки бошлаб келиш демакдир. Бунда турли-туман изоҳу шарҳлар, илмий маълумотлар, тушунтиришлар жуда кўпайиб кетади. Ва ниҳоят, учинчи марта асарни мукаммал бадиий аниқ таржима қилиш мумкин. Бундай таржимада автор услуби ҳам, ватан адабиёти, она тилининг шарт-шароитлари, талаблари эътиборга олинган бўлади. Чунки дастлабки икки босқичда китобхон асар руҳига чоғланади, унга ўзини мослайди, кўникма ва дид пайдо қилади, уни идрок этиб, завқланадиган бўлади. Бу чинакам бадиий баркамол таржимага замин ҳозирлайди. Жаҳон таржима тарихига ёхуд, узоққа бормасдан, ўзбек таржимачилиги босиб ўтган йўлга разм солинса, Гётенинг кузатишлари жуда тўғри эканлигига қаноат ҳосил қилиш мумкин. Чунончи, А. С. Пушкин ёки Шекспир асарларининг илк таржималари билан ҳозиргиларини қиёслаган киши ана шу ҳақиқатни ҳис этади.

Шуниси борки, ватан адабиётининг ўзи ҳам доимо бир маромда турмайди, ўсиб-улғайиб, ранг-баранг жанрлар, янги форма ва услублар ҳисобига бойиб, жаҳон адабиёти ютуқларини ўзида сингдириб, унга уйғунлашиб бораверади. Демак, шунга мувофиқ тарзда, бегона адабиётни таржима қилишнинг характери, босқичлари ҳам ўзгариб боради. Адекват таржима яратиш жараёнига тадрижий тараққиёт давомида синаб кўрилган тажрибалар, эришилган ютуқлар кучли таъсир кўрсатади. Натижада борабора бир йўла аниқ, бадиий баркамол таржимани амалга ошириш имконияти туғилиши ҳам мумкин. «Илоҳий комедия», «Фауст», «Декамерон», «Рамаяна», «Шоҳ Эдип»га ўхшаш мураккаб санъат обидалари бизда хийла пухта, ижодий аниқ таржима қилинди. Бу эса ўша А. С. Пушкин, М. Ю. Лермонтов, В. Шекспир, Л. Н. Толстой, Ш. Руставели, Т. Шевченко, М. Горький, В. Маяковский ва бошқа кўплаб атоқли адиблар асарларини бир неча ўн йиллар давомида таржима қилиш борасида орттирилган яхши анъаналар, ғоят бой тажриба заминида рўёбга чиқди. Бу тажриба яна шуни тасдиқлайдики, бадиий таржима — ўзбек адабиёти тараққиёти билан елкама-елка ривожланиб, баравар ўсиб-улғайиб борган тақдирдагина ўзга адиблар томонидан бино қилинган сўз санъати намунаси ўз салмоғи ва тароватини сақлаган ҳолда, эндиликда бизнинг ўзимизники бўлиб қолиши мумкин.

Модомики, таржима асарга янги лисоний қиёфа бағишлаб, она тилининг бадиий-тасвирий қувватини намойиш этувчи адабий ҳодиса бўлар экан, таржимоннинг маҳорати, санъаткорлиги ҳам кўпроқ ана шу тил соҳасидаги ижодкорликда кўзга ташланади. Атоқли ёзувчиларимизнинг ажойиб таржималари, таржима устаси сифатида танилган адибларнинг ижодий фаолияти фикримизнинг далилидир. Ўзбек таржима адабиётининг ва таржимонларнинг ижодий принципларини ҳам шу ҳодиса ўзаро бирлаштиради ва айни пайтда ҳар бир таржимонга мансуб услубий ўзига хослик шу нуқтада бир-биридан фарқ қилади ҳам.


Тилининг қашшоқ ва фариблиги, бадиий ижод иқтидорининг камлиги, шоирона заковат, дид ва истеъдод етишмаслиги таржиманинг рангпар, номукаммал, бетаъсир чиқишига сабаб бўлади, асар ички жозибасининг сўнишига олиб келади. Афсуски, кўздан кечирилган завқбахш таржималар билан баробар, бизда асл нусханинг соясинигина эслатувчи, бадиий фазилатдан маҳрум таржималар ҳам учраб турибди. Ҳолбуки, хом-хатала, бўш оригинал асарлар каби, воқеани шунчаки баён этувчи, ҳароратсиз, шуурсиз таржималар ҳам фақат зарар келтиради, холос.

Мамнуният билан қайд этиш керакки, кейинги вақтларда Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти янги-янги асарлар таржимасини тайёрлаш билан бирга, китобхонларга манзур бўлган таржима асарларини қайта нашр этишни ҳам яхши йўлга қўймоқда.

Бадиий таржимачилик соҳасида устод адиблар очган қутлуғ йўлдан бориб, қимматли анъана, бой меросга содиқ қолган, ижодий фидойиликнинг машаққатли ҳалол насибасини тотаётган Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Муҳаммад Али, Рауф Парфи, Барот Бойқобилов, Миразиз Аъзам таржимасида тақдим этилаётган асарлар катта шеърий таржима даргоҳимиз янада юксалаётганидан дарак бермоқда.

Китоблар оламида

НОЁБ ҚЎЛЁЗМА



шоиралари ижодини ҳам меҳр билан ўрганиб, «Қизлар қасидаси» (1977) китобини нашр эттирди. Танқидчиликда бу китоб хусусида мунозарали фикрлар баён қилинди. Албатта, муаллиф бу фикрларнинг маъқулларини инобатга олиб, «Қизлар қасидаси»ни қайта кўриб чиқса, айни муддао бўлар эди. Зеро, янги шеърият ўз адабий мезонлари асосида текширилсагина тадқиқот муваффақиятли чиқиши мумкин. Олимнинг Ойбек, Мақсуд Шайхзода, Миртемир, Зулфия каби йирик санъаткорларимиз ҳақидаги тадқиқотлари ҳам шуни кўрсатиб турибди.

Ҳар бир миллий адабиётнинг ўз даҳо шоири, энг улуғ устоди бўладики, шу адабиётга кирган шоир ё олим, эртами-кечми, унинг ижодига мурожаат қилади, ўз эҳтиромини баён қилади. Ўзбек адабиётида Алишер Навоий ана шундай даҳо сиймодир. Т. Жалолов, унинг ўз таъбири билан айтганда, адабиёт оламига ҳазрат Навоий этагини ўпиб кириб келган. Алишер Навоийнинг 500 йиллик юбилейи арафаларида Тўхтасин Жалоловнинг «Хамса талқинлари» рисоласига кирган мақолалари аввал «Гулистон» журнали саҳифаларида босилиб чиқди. Олим Алишер Навоийнинг даҳо санъаткор эканлигини, «Хамса» шоир ижодининг гултожи эканини илмий далиллади, улуғ ўзбек шоири ижоди бўйича билдирилган нотўғри, ноилмий қарашларга зарба берди.

Т. Жалолов кўп қиррали ижодкор. У насрда ҳам куч синаб кўрди. Албатта, бу ўринда у буюк ҳинд адиби Рабиндранат Тагорнинг «Ҳалокат», «Кўзга тушган чўп», «Бибҳа соҳили», «Донишманд рожа» романларини, атоқли тожик адиби Сотим Улуғзоданинг «Ёшлигимиз тонги», «Восеъ» романларини, «Гавҳари шамчироқ» комедиясини, устод Садриддин Айний «Эсдаликлар»и учинчи қисмини, В. Смирнова-Ракитинанинг «Абу Али ибн Сино» ҳужжатли қиссасини таржима қилиб, ўзбек бадиий таржимачилиги тараққиётига сезиларли ҳисса қўшди. Т. Жалоловнинг таржимонлик маҳорати махсус ўрганилишга арзийди.

Ўзбек классик шеърияти, ўзбек совет поэзияси намояндалари ижодини меҳр-муҳаббат билан ўрганиб, ўз кашфиётларини кенг ўқувчилар оммаси билан ўртоқлашаётган ҳурматли олим Тўхтасин Жалоловга узоқ умр, ижодига барака тилаймиз.

Ўрта Осиё халқларининг адабий-эстетик тафаккури тарихида XV—XVII асрлар янги босқич бўлди. Бу давр шоирларининг аксарияти бадиий адабиётнинг ижтимоий мавқеи, адабий танқид, ижоднинг назарий-эстетик хусусияти ҳақида баҳс этувчи салмоқли рисолалар яратиб қолдирган. Жомийнинг «Баҳористон», Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис», «Мезон ул-авзон», «Муфрадот», Бобирнинг «Мухтасар» ёки «Аруз ҳақида рисола», Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкират уш-шуаро», Атоуллонинг «Бадоеъ ус-саноеъ», Кошифийнинг «Саҳифаи шоҳий», «Махзан ул-иншо» каби асарлари кейинги асрлар адабиётшунослигига ҳам сезиларли таъсир кўрсатди.

Мазкур рисолалар орасида Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Бадоеъ ул-афкор фи саноеъ ул-ашъор» («Шеърий санъатларга доир янги фикрлар») асари ўзига хос ўрин тутади. Зукко шоир, забардаст адабиётчи, давр нотиқлик санъатининг пешвоси Кошифий атоқли адабиётшунос, шеърият нуктасанжи ҳам бўлган. Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобир сингари улкан санъаткорлар эътиборини қозонган, катта адабий-илмий мерос қолдирган Кошифийнинг ҳаёти ва ижоди илм-фан соҳиблари эътиборидан четда қолиб келмоқда эди. Турли муносабатлар билан Кошифий ҳақида билдирилган фикрлар эса номукаммал, зиддиятли эди. Иқтидорли шарқшунос, Ўрта Осиё халқлари адабий-эстетик қарашлари тарихининг серзавқ тадқиқотчиси Р. Мусулмонқулов кўп йиллик изланишлар, кўҳна қўлёзмаларни қиёсий таҳлил этиш натижасида Ҳусайн Воиз Кошифийнинг ижодий биографиясини яратишга муваффақ бўлди; «Бадоеъ ул-афкор фи саноеъ ул-ашъор» рисоласининг танқидий матн характеридаги факсимил нашрини яратди[1].

Бу нашр босмага тайёрловчининг муқаддимаси, илова, тузатишлар ва матндан иборат. Муқаддимада тадқиқотчи Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис», Соммирзо Сафавийнинг «Туҳфаи Сомий», Хондамирнинг «Равзат ус-сафо» ҳамда бошқа маъхазлар асосида Кошифийнинг ҳаёти ҳамда ижодий фаолиятига доир кўпгина лаҳзаларни аниқлаган, адибнинг шеърий салоҳияти, нотиқлик маҳорати, «Анвори Суҳайлий», «Ҳотами Той», «Ахлоқи Муҳсиний», «Саҳифаи шоҳий», «Махзан ул-иншо» сингари асарлари хусусида пухта маълумотлар берган. Сўнгра Кошифийнинг ҳанузгача кенг илм аҳлига номаълум бўлиб келаётган «Бадоеъ ул-афкор фи саноеъ ул-ашъор» асарининг Тошкент, Кембриж ва Париж нусхалари хусусида, рисоланинг мазмуни, XV аср адабий-эстетик қарашлар тараққиётида тутган мавқеи ҳақида фикр юритган.

Маълумки, XV асргача ҳам Шарқда адабиётшуносликка доир, жумладан, аруз, қофия, радиф, шеърий санъатлар хусусида кўплаб рисолалар яратилган. Улар орасида, айниқса, Рашиддиддин Ватвотнинг «Ҳадойиқ ус-сеҳр фи дақойиқ ул-шеър», Шамсиддин Муҳаммад бинни Қайс Розийнинг «Ал-мўъжам фи маоир ашъор ул-Ажам», Рудиёнийнинг «Таржимон ул-балоға» асарлари кенг шуҳрат қозонган. Ҳусайн Воиз Кошифий, бир томондан, ана шу салафларининг анъаналарини давом эттирди, улардан ижодий баҳраманд бўлди. Иккинчи томондан, шеърият назарияси, шеърий санъатлар хусусидаги ўтмишдошлари фикрларини такомиллаштирди, хатоларини ислоҳ қилди, янги назарий мулоҳазаларни ўртага ташлади. Чунончи, Ҳусайн Воиз Кошифийга қадар ўтган барча адабиётшунослар бадиий санъатлардан — такрорнинг бир тури хусусида фикр юритган бўлсалар, у. «такрор ики навъдур», деб бу хилларнинг ҳар бирини характерли мисоллар билан кўрсатади. Кошифийгача ўтган адабиётшунослар фардни алоҳида шеър тури сифатида махсус қайд этмаганлар. «Бадоеъ ул-афкор»да эса, фард лирик жанрнинг бир хили деб, қонуниятлари кўрсатилган. Кошифийнинг мусаммат, сажъ, ҳажв, ҳазл, мутоиба, илми нақд (назмдаги нуқсонлар масаласи) хусусидаги мулоҳазалари ҳам давр адабий-эстетик қарашлари талабидан келиб чиқиб айтилган оригинал назарий хулосалардир. Бу сингари фазилатлар рисоланинг жиддий илмий-назарий қимматидан далолат беради.

Факсимил нашрларда қиёсланган, кўздан кечирилган барча нусхалардаги нуқсон, тафовут ва етишмовчиликлар, китобат ғалатларини кўрсатиш мушкул. Аммо Р. Мусулмонқулов асарнинг ноёблиги, қўлёзмаларнинг саноқли эканлигини ҳисобга олиб, муқаддимада ҳар уч қўлёзманинг хийла мукаммал тавсифини, нашр принципини баён этган; иловада эса, нусхалардаги тафовут, ўзгариш, нуқсонларни саҳифама-саҳифа кўрсатган, асарлар, номлар кўрсаткичларини берган. Натижада нашрнинг хийла пухта, мукаммал илмий-назарий асосга эга бўлишини таъминлаган.

Шарқшунос Р. Мусулмонқуловнинг синчковлиги, заҳмати туфайли муҳим адабий-илмий қимматга молик «Бадоеъ ул-афкор фи саноеъ ул-ашъор» беш асрдан сўнг илм-адаб аҳлига тақдим этилди.

Ҳамиджон ҲОМИДОВ,
филология фанлари кандидати

---

[1] Камал ад-дин Хусайн Ваиз Кашифи. Бадаи ал-афкор фи санаи ал-ашор. Изд-во «Наука», Москва — 1977.

Г. Пугаченкова
О. Галеркина

МИНИАТЮРЫ СРЕДНЕЙ АЗИИ



ЎРТА ОСИЁ МИНИАТЮРАЛАРИ

Ўрта Осиё халқларининг қадимий маданий меросини ўрганиш совет олимлари ҳамда санъатшунослари учун муҳим ва шарафли вазифадир. Фридрих Энгельс айтганидек, «қадимий давр ҳар қандай шароитда ҳам ҳамма келажак авлод учун ажойиб қизиқарли давр бўлиб қолади. Чунки у сўнгги юқори даражадаги тараққиёт учун негиз яратади».

Шу ҳикматли сўзларни дастурилламал билиб ижод этаётган совет олимлари ўтмиш маданий меросини чуқур ўрганиш борасида тинимсиз самарали тадқиқот ишлари олиб бормоқдалар. Хусусан, кейинги йигирма-ўттиз йил мобайнида тасвирий санъат, китоб безаш санъати ва унинг узвий қисми бўлган миниатюра санъати устида олиб борилаётган изланишлар таҳсинга сазовордир. Темурийлар, бобирийлар ва сафавийлар даври миниатюра санъати, буюк бобокалонимиз Алишер Навоий достонларига, Заҳириддин Муҳаммад Бобирнинг «Бобирнома» асарига ишланган расмлар адабиётшунослар, эстетика мутахассислари, санъатшунослар ва китоб мухлисларини доимо қизиқтиради.

Ўрта Осиёнинг бой тарихга эга миниатюра санъати кўплаб санъатшунос олимларимиз эътиборини тортиб келмоқда. Бу соҳада амалга оширилган жиддий ишлар сифатида рус олими В. Стасов асарларини, совет олимларидан А. Семёнов, Б. Денике, Б. Веймарн, Г. Пугаченкова, А. Казиев, К. Каримов, О. Галеркина, А. Иванов, Н. Норқулов, М. Ашрафий ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларини кўрсатиш мумкин.

Бу борада санъатшунослик доктори Галина Анатольевна Пугаченкова ишлари айниқса муҳим аҳамиятга эга. Олима китоб ва мақолаларида Ўрта Осиё халқларининг китоб безаш, хусусан, миниатюра санъатида тутган ўрнини, уларнинг ўзига хос миллий хусусиятларини фактик далиллар билан исботламоқда. Яқинда Г. Пугаченкованинг ленинградлик олима О. Галеркина билан биргаликда яратган «Ўрта Осиё миниатюралари» деган янги китоби босмадан чиқди.[1]

XV—XVII асрларда Бухоро, Самарқанд ва Шохруҳияда санъатнинг бу тури қандай шаклланганлиги, у ерда китобат қилинган асарлар, хаттотлар ва баъзи мусаввирлар ижоди ҳақида китобда қизиқарли маълумотлар берилган.

Олимлар мазкур маданият марказларида мўъжаз расмлар ишлаш санъатининг шаклланиш жараёни хусусида фикр юритар эканлар, Ватанимиз ҳамда турли хорижий мамлакатлардаги қўлёзмалар фондларида, кутубхоналар ва шахсий коллекцияларда сақланаётган қўлёзмаларга чизилган миниатюраларни ҳар томонлама илмий таҳлил қилганлар. Жомийнинг «Силсилат уз-заҳоб» («Олтин занжир»), «Юсуф ва Зулайҳо», Саъдийнинг «Бўстон» ва «Гулистон», Навоийнинг «Садди Искандарий», Низомийнинг «Хамса» асарларига ишланган миниатюралар таҳлил доирасидан кенг ўрин олган.

ЎзССР Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган Фирдавсийнинг «Шоҳнома», Мулла Муҳаммад Шодийнинг «Фатҳнома», Ҳусайн ибн Али Воиз Кошифийнинг «Анвори Суҳайлий», Масъуд ибн Усмони Кўҳистонийнинг «Тарихи Абулхайрхон», Дурбекнинг «Юсуф ва Зулайҳо», Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» каби асарлари саҳифаларидаги миниатюралар китобнинг асосий тадқиқот объекти қилиб олинган.

Шунингдек, Ленинграддаги М. Е. Салтиков-Шчедрин номли кутубхона ва СССР Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти, Москвадаги Шарқ халқлари санъати давлат музейи фондида, Нью-Йорк Метрополитен музейи, Вашингтондаги Фрир галереяси, Женевадаги Мартин Бодмер фонди, Париж Миллий кутубхонаси, Оксфорддаги Бодлеян кутубхонаси, Дублиндаги Честер Битти кутубхонаси фондларида сақланаётган қўлёзмаларга ишланган миниатюралар ҳам китобга киритилган. Бу миниатюраларнинг баъзилари илгари ҳам эълон қилиниб, илмий жиҳатдан ўрганилган бўлса, баъзилари илк бор мазкур китобда таҳлил этилган.

Авторлар Шарқ миниатюра санъатининг жозибали, сеҳрли қудратини пухта ўйланиб танланган бадиий юксак намуналар орқали кўрсатишга астойдил интилганлар. Бу миниатюралар турли мактаб ва санъат даргоҳлари мусаввирлари мўйқаламига мансуб. Масалан, китобда Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асарига Самарқанд рассомлари, Ўрта Осиё мусаввирлари ва Бухоро миниатюра мактаби мўйқалам усталари томонидан ишланган ўн иккита расм келтирилган. Уларни кўздан кечирганда дарҳол ҳар бир ижодий мактаб ва мусаввирнинг услуби ҳақида аниқ тушунча пайдо бўлади.

Ҳозирги замон санъатшунослик фанида Самарқанд миниатюра мактаби, унинг шаклланиши ва намояндалари ҳақида илмий ишлар ниҳоятда кам. Китоб авторлари илк темурийлар даври Самарқанд рассомлари мўйқаламига мансуб миниатюралар ҳақида маълумот берадилар. Мазкур мактаб мусаввирларидан баъзиларининг номлари ҳам аниқланган.

Истанбулдаги «Юлдуз» кутубхонасида сақланаётган темурийлар ҳужжатлари тўплами орасидан ўрин олган «Самарқанд девори олдидаги жанг» (1405—1409) деган расмда Темурнинг набираси Халил Султоннинг шаҳарни душмандан мудофаа қилиш эпизоди тасвирланган. Яна бир миниатюра Жомийнинг «Силсилат уз-заҳоб» асарига ишланган «Тоғдаги жанг» миниатюраси бўлиб, тадқиқотчиларнинг фикрича, асар сафавийлар Эронида кўчирилган ва миниатюра ишланган. Бу расмлар ҳақида фикр юритар эканлар, авторлар улардан аввал мазкур миниатюрани ўрганган Ф. Мартин ва А. Иванов каби олимлар уни Ҳирот мактабига мансуб, деган фаразни олға сурганликларини, бироқ изланишлар расм Самарқандда ишланганлигини тасдиқловчи хулосага олиб келганини ёзадилар. «Бу миниатюра ўзида XV аср Самарқанд тасвирий санъатининг қаҳрамонлик романтикаси кайфиятини мужассамлаштирган асардир», дея таъкидлайди тадқиқотчилар.

Китобда Вашингтондаги Фрир галереясида сақланаётган, 1441—1442 йилларда Самарқандда ишланган ажойиб бир миниатюранинг муфассал таҳлили ҳам берилгани айниқса диққатга сазовор. Расмда буюк олим ва давлат арбоби Улуғбекнинг оила аъзолари ҳамда мулозимлари билан овга чиққан пайти тасвирланган. Авторларнинг ёзишича, бу асар темурийлар хонадони аъзоларининг портретлари яратилган тарихий ҳужжатгина бўлиб қолмай, балки бадиий юксак санъат асари ҳамдир. Ҳақиқатан ҳам, миниатюрада ўзига хос ёркин образлар яратилганлиги бу расм портрет жанрининг истеъдодли устаси қаламига мансуб эканидан далолат беради. Самарқандда ишланган расмлар рўйхати қаторидан Низомийнинг «Хамса»сига чизилган миниатюралар ҳам ўрин олган. Авторлар қўлёзма Самарқандда хаттот Али ибн Искандар ал-Кўҳистоний томонидан кўчирилиб, наққош ва рассом — Султон Али ал-Бавардий томонидан безатилгани ҳақида маълумот берадилар.

Китобда Ўрта Осиё, Бухоро миниатюра мактаблари ҳақида, мусаввирларнинг ижодий услуби, уларнинг ўзига хос характерли тасвирий воситалари хусусида ҳам Самарқанд мактаби таърифидагидек маълумотлар келтирилган. Шунингдек, асарда Бухоро миниатюра мактаби ҳақида шу пайтгача мавжуд бўлган, яъни у Эрон миниатюра мактабининг шохобчаси, деган қараш ғайри илмий эканлиги ҳам конкрет далиллар билан исботланади. Ҳақиқатан ҳам, француз олими Эд. Блоше, Бухоро рассомлик санъати анъаналари 1567 йилдан сўнг йўқ бўлиб кетди, деган фикрни илгари сурган. Китобда Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сига, Ҳусайн Бойқаронинг «Мажлис ул-ушшоқ» асарларига Бухоро миниатюра мактаби мўйқалам усталари томонидан ишланган миниатюралар келтирилганки, бу Блоше фикрининг нотўғри эканлигини кўрсатади.

Китобдан жой олган миниатюралар Ўрта Осиёда санъатнинг бу тури қадимдан шаклланиб, камолотга эришганини кўрсатиш билан бирга аждодларимиз бадиий тафаккурининг юксак ривожланганлигидан ҳам далолат беради. Шеъриятни, фалсафий талқинларни мутолаа қилиб, уларни теран идрок этган бу санъаткорлар ҳаётий лавҳаларни ҳам ана шундай маҳорат ва заковат билан тасвирлай олганлар.

Ўз саҳифаларида 72 нодир миниатюрани жамлаган, рус ва инглиз тилларида, юксак полиграфик сифат билан нашр этилган бу китоб санъатшунослик фанига қўшилган муҳим ҳисса бўлгани жиҳатидан диққатга сазовордир.

Шарофат ҚАМБАРОВА,
санъатшунослик кандидати

[1] Г. Пугаченкова, О. Галеркина. Миниатюры Средней Азии в избранных образцах (из советских и зарубежных собраний). Издательство «Изобразительное искусство», Москва — 1979.

Япониянинг Хонсю оролидаги Из шаҳрида қуёш маъбудаси Аматеразо Омикам шарафига тантанали маросим ўтказиш анъанаси етти асрчадан бери давом этади. Ҳар йигирма йилда бўладиган бу маросимда муқаддас саналган қуш Токи патлари билан безатилган қилични қўлга тутганча диний рақслар ижро этадилар.

Лекин атроф-муҳитнинг ғоятда ифлосланиб кетиши оқибатида бутун Японияда атиги ўн биттагина Токи қуши жон сақлаб қолган. Муқаддас қушнинг қидириб топилган уч дона тухуми ҳам палағда чиқди. Сўнгги марта анъанавий маросим 1973 йили бўлиб ўтган эди. 1993 йили учун эса иккитагина пат сақланиб қолган. Бироқ 2013 йилга бориб бу маросим қандай тарзда ўтар экан?

Жаҳон кўчаларида ҳодисалар шу қадар кўп юз берадики, улардан ҳатто газета саҳифаларига тушгани ҳам тезда унутиб юборилади. Аммо Норвегиянинг Вестеролен шаҳрида тўқнашган икки машина тўғрисидаги дув-дув гап бир неча кунга чўзилди. Воқеа шунинг учун ҳам муҳим эдики, оролдаги ягона енгил автомобиль ва ягона юк машинаси шаҳарнинг ягона кўчасида тўқнашиб кетган эди.

Америка Қўшма Штатларининг ғарбидаги яйловларнинг кўпчилигида қўйларни бўрилардан қўриқлаш мақсадида олимлар қалампирнинг аччиқ таъмини берадиган ўткир синтетик дори ишлаб чиқдилар. Бу суюқлик вақти-вақти билан қўйларга пуркаб турилади. Ана шунда бўрилар узоқ вақтгача уларнинг яқинига йўлолмайди.



Швециядаги Мальмё шаҳри стоматологлари қабулга ёзилган мижозларининг тиш кабинетига киришдан қўрқиб, муолажадан бош тортаётганликлари учун маъмурларга арз қилдилар. Шаҳар маъмурияти ниҳоят тиш докторларининг шикоятини инобатга олиб, қуйидагича кўрсатма берди: «Агар қўрқоқ мижоз белгиланган соатда врач ҳузурига кирмаса, 50 долларгача жарима тўлашга мажбур». Бу ташаббусни Швециянинг бошқа шаҳарларида ҳам кенг муҳокама қилмоқдалар.

РАНГЛАРГА ЯШИРИНГАН СИЙРАТ

Рассом Раъно Ҳабиб — Исматова ўзбек қизи, Тошкентда туғилиб ўсган. Унинг тақдири, муҳаббати эса икки буюк халқ дўстлигига бир далилдир: Раъно Ҳабиб ҳинд йигитига турмушга чиққан, ҳозир Ҳиндистонда яшайди.

Рассом мўйқаламига мансуб асарлар орасида уч ажойиб шахс — Зебуннисо, Увайсий ва Гулбаданбегим сиймолари моҳирона акс эттирилган портретлар латиф бўёқлар ҳамда туйғуларга бойлиги билан ажралиб туради. Эҳтимол, бу асарларнинг жозибасига Раъно Ҳабиб қалбидаги ижодкорлик руҳи ўша нозиктаъб шоираларнинг юрак кечинмаларига ҳамоҳанглиги сабабдир. Эҳтимол, бу тарихимизнинг унутилмас сиймоларига рассомнинг улкан эҳтироми, она юртимиз — Ўзбекистонга фарзандлик муҳаббати ифодасидир.

Биз жуда севадиган, хаёлан қайта-қайта такрорлайдиган, ўйларимизни ҳар сафар тўлқинлантирадиган қадрдон қўшиқлар, шеърлар бор. Шундай қўшиқ, шеърларнинг юрагимизни беихтиёр жазиллатадиган мисраси ёки байтини ҳайратга тушиб тинглаймиз, аммо уни шарҳлаб беролмаймиз: дард, бадиий санъат, ўзимиз ҳис этган, бироқ таърифини билмаган туйғулар билан тиниқ фикр уйғунлиги...

Шеърнинг бир банди ёки бир байти нисбатан мустақиллик кашф этиши мумкин. Лекин рассомнинг баъзан бир неча кун, гоҳида йиллаб машаққат чекиб яратган асаридаги бирорта ҳам чизиқ номутаносиб бўлиши мумкин эмас. Мўйқалам соҳиби ҳолатга муносиб ранглар, шакллар, манзаралар топади, натижада шеърнинг шоҳ сатридек бетакрор санъат асари туғилади — Раъно Ҳабиб яратган Увайсий, Зебуннисо, Гулбаданбегим портретларини томоша қилганимда хаёлимдан шу фикр кечади.

«...Гулнинг ҳиди япроқларига яширинганидек, мен сўзда яширинганман, кимнинг кўрмоққа майли бўлса, мени сўздан — шеърдан ахтарсин», деб ёзган эди шоира Зебуннисо.

Раъно Ҳабиб ўзига тақдирдош, ҳаёт йўли ўзбек халқи билан ҳинд халқининг азалий дўстлиги тимсоли бўлган шоира Зебуннисо қиёфасини унинг шеъриятидек латиф, дилбар талқин этган. Гўзал табиат манзараси, шоҳона либослару қимматбаҳо зеб-зийнатлар билан ороланган шоиранинг сулув чеҳраси. Ўйчан кўзлар чуқур хаёлга толган, на ўз насл-насабидан ва на табиий латофатидан ғурурланиш сезилади уларда. Шоира нигоҳида мана бу сатрлар ифода топгандек:

Шоҳ қизи бўлсам-да, қилдим фақр
йўлин ихтиёр,
Бас менга бу зебу зийнатким, отим
Зебуннисо...

Рассом қисмати ўтмишдаги ўзбек аёли тақдирининг типик тимсоли бўлган, «замона кулфатидан кўнгли доғ» Увайсий портретини яратишда сиқиқ кўк ранглардан кўпроқ фойдаланган бежиз эмас. Раъно Ҳабиб Зебуннисо ва Гулбаданбегим сиймосини бепоён табиат бағрида тасвирлаган бўлса, Увайсий қиёфасини, аксинча, баланд девор ва зич ёпилган эшик фонида акс эттиради. Гўё шоиранинг анор ҳақидаги чистонидаги рамзийлик ушбу расмда тажассум топгандек... Лекин... Увайсий қаттол даврнинг кўзига тик қараб тургандек, барча тақиқлару таҳқирларни тан олмай, ҳаётга, эркка муҳаббатини дадил куйлаётгандек бўлади.

Мени «Лоядҳулу!», деб маҳрум этма, боғбон аҳли,
Азал деҳқони бағрим қонини сочкан бу гулзора.

Буюк шоир ва саркарда Заҳириддин Муҳаммад Бобирнинг фарзанди, машҳур «Ҳумоюннома» асарининг муаллифи Гулбаданбегим сиймосида аёллик латофати ва тафаккур қатъияти ёрқин акс этган. Рассомнинг сеҳрли мўйқалами образнинг бутун моҳияти ярқ этиб кўринган оний бир лаҳзага абадийлик бағишлагандек...

Халқчил санъатнинг умри боқий. Раъно Ҳабиб яратган ушбу портретлар ўзбек халқининг зукко аёллари сиймосини кўз ўнгимизда яна ҳам равшанроқ гавдалантиради. Шу билан бирга, бу бетакрор санъат асарлари жозибали шеърнинг жозибали мисрасидек, Раъно Ҳабиб ижодида ҳам ярақлаб туради.

Муҳтарама УЛУҒОВА



Носир
МУҲАММАД

Хотира

Иккинчи жаҳон урушида Францияниинг Орадур, Чехословакиянинг Лидице, Белоруссиянинг Хатинь қишлоқларини фашистлар ер билан яксон қилиб, аҳолисини батамом қириб ташлаганлар. Бу уч қишлоқ иккинчи жаҳон уруши ва фашизм келтирган даҳшатли фожианинг рамзига айланган.

Кўп эрур дунёда шаҳарлар,
қишлоқлар,
Ҳаттоки санамоқ қийиндир батамом.
Барчасин ўз умри,
қисмати,
шони бор
Ва лекин қон билан ёзилган учта ном:
Мунгли бир қўшиқдай қалбларни
титратур —
Лидице,
Хатинь,
Орадур.
Тескари айланиб тарих ҳам бир замон,
Ёприлди башарга фашизм вабоси.
Шаҳарлар кул бўлди,
гўдаклар берди жон,
Самога туташди мазлумлар нидоси.
Эсласак, ҳар лаҳза юраклар порадур,
Лидице,
Хатинь,
Орадур.
Босқинчи шиори маълум-ку азалдан,
Аввало у руҳан ўлдирмоқ истайди.
Ғурурни топтайди,
бўғади эркни ҳам,
Мангу тиз чўктирмоқ йўлини излайди.
Ғолиб эрк қўшиғи ва сўнмас бир ғурур:
Лидице,
Хатинь,
Орадур.
Заминни титратди нағалли пошналар,
Ўлим ҳам,
даҳшат ҳам отланди изма-из.
Йўлини тўсолди зиёга ташналар,
Инсон-ла ёвузли келганда юзма-юз.
Зулматни тилкалаб ўтолган митти нур:
Лидице,
Хатинь,
Орадур.
Номларин қасамдай такрорлар ҳар
одам,
Тупроғин тумордай кўкракка босарлар.
Йўқ, улар ўлмаган.
Навқирон ва кўркам,
Мисоли хокидан тирилган самандар.
Ғолиблар сафида ҳар қачон ёдланур:
Лидице,
Хатинь,
Орадур.
Алмашур асрлар,
алмашур насллар,
Фашизм дилларда мудҳиш бир хотира.
Бегуноҳ қурбонлар,
курашлар эсланар,
Одамзод ёдидан ўчмагай у сира —
Ер узра бонг каби жаранглаб турадир:
Лидице,
Хатинь,
Орадур.

* * *

Деразамдан мўралайди тун,
Ўйлар қисар исканжасида.
Наҳот ўтди умрдан бир кун —
Шу савол бор жимлик сасида.

Девордаги соатга маъюс
Тикиламан,
у айлар огоҳ:
Ёшлик ўтар ел каби беиз,
Топармисан бундан ҳеч паноҳ?

Назаримда миллар қайчидай,
Умр ипларин қирқар бирма-бир.
Капкур — болға,
савалар тинмай,
Демоқчидай: бўйсун, бу — тақдир!
Йўқ!
Жўш урар томиримда қон,
Илҳом отин олға сураман.
Қалам — қилич,
юрагим — қалқон,
Вақтга қарши жангга кираман.


* * *

Севги — бир маъводир,
Оғуши баҳор,
Тунлар кўз илинмас гоҳо шавқидан.
Неча бор севсанг ҳам — ёнишлар такрор,
Изтироби ширин
унинг завқидан.
Севги — бир рўёдир,
Лазизу йироқ,
Ташналарга фириб бергувчи сароб.
Бир эзгулик каби имлагай муштоқ,
Лекин ета олмай
чекурсан азоб.
Севги — бир дунёдир,
Бемакр, бериё,
Унда бор айрилиқ,
унда бор висол.
Қирғинлар кўрса-да бўлмаган адо,
Коинот сингари қадим,
безавол.
Севги — бир зиёдир,
Инсонга ҳамроҳ,
Дилларга бергувчи ҳарорат ва нур.
Усиз бўлар эди одамзод гумроҳ,
Етимдай
нотавон қоларди шуур.
Севги — бир дарёдир,
Ҳамиша уйғоқ,
Асрлар армони —
обиҳаёт у.
Гарчи соҳилида турибман чанқоқ,
Мадҳини куйларман,
куйларман мангу.

* * *

Табиат уйғонар,
Уйғонар замин,
Осмон чилдирмадай бермоқда садо.
Баҳор таронаси атрофда бугун,
Қуёшдан нур эмас,
таралар наво.
Майсалар бўйнида ёмғирдан маржон,
Адирлар кўксига қадалган чечак.
Борлиқ вужудида ажиб ҳаяжон,
Мисоли илк бора нур кўрган гўдак.
Кўзлардан чекинар ғафлатнок уйқу,
Ҳислар-чи, созланган тор каби таранг.
Юракларда жўшар оташин туйғу,
Томирларда оқар унсиз бир оҳанг.
Ана, кўчат экар чол ва набира,
Саксон баҳор завқин туйган оқсоқол.
Гўзалликка тўйиб бўларми сира?
Юзинчи баҳорин қилади хаёл.
Набирага эса олам — бир тилсим,
Ҳайрат билан ерда ташларкан қадам,
Осмон ҳам, қушлар ҳам сеҳрлар дилин,—
Дунё кашфин шундай бошлайди Одам...
Яна ошиқлар-ла гавжум хиёбон,
Гул атрига тўла еллар нафаси.
Дилбар фасл бугун ўлкамда меҳмон,
Умрларга арзир унинг лаҳзаси.
Ҳа, азал завқу ишқ улашар баҳор,
Табассум бахш этар лабларимизга.
Сўнгра кетмоқликка қилар-да қарор,
Мангу кўчиб ўтар қалбларимизга.

РАССОМ РАЪНО ҲАБИБ ЧИЗГАН ПОРТРЕТЛАР




ГУЛБАДАНБЕГИМ.



ЗЕБУННИСО.

УВАЙСИЙ.



Ўзбекистон халқ рассоми

ЧИНГИЗ АҲМАРОВ

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий номидаги
Санъатшунослик институти фоесига чизган
деворий суратлар



ШОИРА.



МУСАВВИРА.



СОЗАНДА.



РАҚҚОСА.

ЛАТОФАТ

Ўзбекистон халқ рассоми Чингиз Аҳмаров ижодида ўзбек хотин-қизлари образи алоҳида ўрин тутади. Унинг латофат, вафо ва садоқат мавзуидаги асарлар туркуми томошабин тасаввурида чексиз гўзаллик оламини намоён этади.

Машҳур мўйқалам соҳибининг кейинги йилларда яратган асарлари, хусусан, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий номидаги Санъатшунослик институти деворларига ишланган ранг-баранг нақш ва расмлар нафис жозибаси ҳамда шакл ва мазмуннинг баркамол уйғунлиги билан диққатга сазовордир. Уларда мусиқа, шеърият, рассомлик ва рақс санъати гўзаллигини намойиш қилувчи санъаткор сиймолари — оқила қизлар тасвирланган. Ҳар бири мустақил композицион мужассамлик касб этган бу асарларда бир қарашда, созанда, шоира, мусаввира ва раққоса ижодининг оний лаҳзаси ифода топгандек туюлади. Лекин уларни синчиклаб кўздан кечирар экансиз, қизлар қиёфасида камалакдек товланаётган гўзаллик ва маънавий етуклик сизни беихтиёр мафтун этади.

Бу асарлар бадиий услуб жиҳатидан ўзбек тасвирий санъати тарихида қадимдан мавжуд бўлган деворий расмлар, яъни монументал рангли суратларни, шунингдек, китоб саҳифаларига ишланган миниатюраларни эслатади. Маълумки, бундай мураккаб, айни пайтда содда ва етук асар яратиб, бадиийлик ва мутаносибликка эришиш — санъаткордан юксак маҳорат, беназир иқтидор талаб қилади. Чингиз Аҳмаровнинг шогирди, ёш рассом Темур Саъдуллаев билан биргаликда яратган бу юксак асарлари гўзаллик шаънига битилган латофат қасидасидир.

Эркин ҚОРАЕВ

Қутлаймиз!



Республикамизда миллий вокал санъати ривожига салмоқли ҳисса қўшган таниқли ижодкорлардан бири, Ўзбекистон халқ артисти, Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясининг профессори Насим Ҳошимов 60 ёшга тўлди. Истеъдодли қўшиқчи кўҳна Самарқандда, санъаткор оиласида дунёга келди. Актёр Ҳошим Нарзиқулов хонадонидаги ижодий муҳит болада музикага, санъатга ҳавас уйғотди: Насим ўн бир ёшидаёқ «Ғунчалар» спектаклида етим бола Худойқул ролини ижро этди. Унинг самимий ҳаракатлари, жозибадор овози томошабинларга манзур бўлди.

Насим Ҳошимов Самарқанд педагогика техникумида таълим олган кезларида ҳам ҳаваскорларнинг спектаклларида фаол иштирок этар, концертларда қўшиқ айтар эди. Ёш ижодкорларнинг кўрик-конкурсларида эришган муваффақиятлари унинг санъатга бўлган меҳрини янада кучайтирди. Республика ҳукуматининг ташаббуси билан Москва Давлат консерваторияси қошида очилган Ўзбек опера студиясида таҳсил олишга юборилган бир гуруҳ ёшлар орасида Насим Ҳошимов ҳам бор эди. Кириш имтиҳонлари пайтида йигит ёқимли овози, ёрқин мусиқий ва артистлик иқтидори билан комиссия эътиборини ўзига жалб этди. Имтиҳонлардан муваффақиятли ўтган Н. Ҳошимов атоқли профессор Д. Аспелунд синфига ўқишга қабул қилинди.

— Устозлардан омадим келган экан,— дея хотирлайди Н. Ҳошимов.— Чунки менга А. Столяров, В. Нардов каби ажойиб санъаткорлар билан учрашиш, ижодий мулоқотда бўлиш насиб этди. Менинг вояга етимўлжалланган барча асосий партияларни ижро этди. Хонанданинг ранг-баранг овоз имкониятлари унинг Ғарбий Европа, рус, совет ва ўзбек композиторлари операларидаги партияларни маҳорат билан куйлашига имкон берди. У талқин этган Мазепа, Онегин, Риголетто, Фигаро, Нуъмон образларининг ёрқин ва тўлақонли жозибаси ҳамон томошабинлар хотирасида.

«Бирор образни яратишда мен, энг аввало, шу асар музикаси руҳидан келиб чиқишга, айни пайтда, шу қаҳрамон ҳаракати ва интилишлари моҳиятини ҳар томонлама англаб, уни музикали драматургиянинг мантиқий ривожига мос равишда ижро этишга интиламан». Ҳошимов опера қўшиқларини куйлашда ана шу йўлдан боради. Бундан ташқари, у ранг-баранг программада тез-тез концертлар ҳам бериб туради.

САОДАТ ДАВРОНИНИНГ КУЙЧИСИ

Насим Ҳошимов кўп йиллардан буён ўз ижрочилик фаолиятини ёш истеъдодларга таълим беришдек мураккаб иш билан уйғунлаштириб олиб бормоқда. Унинг билим ва тажрибасидан баҳраманд бўлган кўпгина санъаткорлар Самарқанд, Душанба опера театрларида, филармонияларда хизмат қилмоқдалар, педагогика соҳасида жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Н. Ҳошимов қўлида таҳсил кўрган шогирдлар орасида вокалчиларнинг халқаро конкурси лауреати Мақсуд Хўжаниёзов, Глинка номидаги Бутуниттифоқ вокалчилар конкурси лауреати Юрий Зиновенко сингари истеъдодли ёшлар кўп.

Устоз санъаткор ўз қўшиқларида гўзал ҳаётимизни, Ленин партияси қудратини, кундан-кунга чирой очаётган юртимиз васфини, халқларимиз ўртасидаги дўстлик туйғуларини жўшиб тараннум этади, шогирдларига ҳам юксак ғояларни юксак пардаларда куйлаш сирларидан сабоқ беради.

Саодат давронининг куйчиси Насим Ҳошимовни қутлуғ айёми билан қутлаб, унга санъат шинавандалари номидан янги ижодий муваффақиятлар тилаймиз.

А. ПРОТАСОВА,
Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясининг катта ўқитувчиси

Ҳайдар ЯҲЁЕВ

Регистон

Неча юз йилким, само тургай Регистон бошида,
Қанча сиру қанча асрор бу фалак йўлдошида!
Қанчалар илму заковат воқифи кошона бу,
Ўтмиши беҳад китобким, неча юз йил ёшида.
Неки меъмор зотини шайдо этиб, меъмор ўзи,
Қай ҳунар лол қолмади зебо Регистон қошида.
Гарчи тилла ранги қолмиш, кўп безакда қон изи,
Қон изи қолган замондан қайси бир наққошида...
Не замонлар кечса ҳамки, у элимдай пойдор,
Гул Самарқандим зиёси ёнса ҳар бир тошида.
Бахтиёр давронда,— дер Яҳё,— Регистон жилвагар,
У жило бергай Самарқанд сайқалининг бошида.

Дутор

Гоҳи шодлик, гоҳи қайғу боридан куйлар дутор,
Хаста дилнинг қат-қат асроридан сўйлар дутор.
Турфа куйлар, турфа куйлар мисли инсон қисмати,
Гоҳ муҳаббат, гоҳ ғаним озоридан сўйлар дутор.
Жон ато этгайки машшоқ дастида айлаб наво,
Мадҳ этар инсон дили абгоридан куйлар дутор.
Куйларига жон қулоғин берсангиз беихтиёр,
Назм аро халқим ширин гуфторидан сўйлар дутор.
Нолакор мозий садоси пардалар узра ниҳон,
Ё «Муножот» бирла дунё зоридан куйлар дутор.
Икки тор, икки юрак бандига пайвандким, чунон,
Ошиқ аҳлига санам дийдоридан сўйлар дутор.
Тингласам, Яҳё, дуторим дилнавоз овозини,
Ўзбекистон бахтининг гулёридан куйлар дутор.

Оразинг

Оразинг олдида гулнинг гул жамоли лол,— дедим,
Ҳам бари бўстон чиройин қатраи мисқол,— дедим.
Оҳ, эсиз гул барги сўлгай, гул жамоли сўлмасин,
Гул чиройингни, санам, кўз мардумида қол,— дедим.
Қатраи оби зилолинг юз уза гоҳи равон,
Гарчи инжудир алар, алвон юз узра ол,— дедим.
Дил дедиким, ушбу ганждир, қанча озору алам,
Дилга мен ганжини қолдир, ранжини сен ол,— дедим.
Сўрсалар: «Яҳё, на, деб, бу қилмишингнинг боиси?»,
Ёр ашкин рашку ҳижрон бобидан тимсол,— дедим.

Хиром этди

Дилоромим хиром этди,
Хиромин эҳтиром этди,
Жаҳон оролиғи бирла
Табассумда салом этди.
Саломи лаҳзадир, аммо
Муҳаббатдан калом этди.
Каломи куй мисолидир,
Куйин сўзда давом этди.
Давоми севги оҳанги,
Садоқатдан мақом этди.
Мақомига ҳазин Яҳё
Кўнглини мангу жом этди.

ТАРИХГА УЛУҒ ҲУРМАТ



«Юлдузли тунлар» романи «Шарқ юлдузи» журналида босилиб чиққанидан сўнг ёзувчининг қаламкаш дўстларидан бири бу асар «халқимизнинг бой ва шонли тарихига улуғ ҳурмат ёдгорлиги сифатида севиб ўқилажак», деб ёзган эди. Дарҳақиқат, орадан кўп ўтмай асар алоҳида китоб ҳолида нашр этилди[1], таниқли адиб Юрий Суровцев уни зўр иштиёқ билан рус тилига таржима қилди. Романнинг журнал нусхасини ҳам, алоҳида нашрини ҳам китобхонлар илиқ кутиб олдилар, ёзувчилар, адабиётшунос олимлар унга юксак баҳо бердилар; жамоатчилик ўртасида у катта тарихий-маърифий, зўр бадиий қимматга эга асар сифатида жиддий қизиқиш уйғотмоқда, қизғин баҳсларга ундамоқда.

«Юлдузли тунлар» том маънодаги тарихий романдир. Аввало, у бошдан-оёқ тарихий ҳужжатлар асосида яратилган, автор халқ тарихининг муҳим босқичини чуқур бадиий тадқиқ ҳамда таҳлил этади, тарих фани ва адабий тафаккурнинг бугунги савияси даражасида туриб тарихий ҳодисалардан жиддий сабоқлар чиқаришга интилади.

Асарда шоир ва шоҳ Бобир ҳаёти тасвири асосий ўрин эгаллайди, бу улкан шахснинг тарих саҳнасига чиққан кунидан бошлаб то ўлимига қадар — салкам қирқ йиллик ҳаёти, фаолияти, шунингдек, шахсияти — инсоний қиёфаси, оилавий муҳити, ижодкор — шоир, носир, олим, файласуф сифатидаги маънавий, руҳий дунёси, саркарда, шоҳ, фотиҳ сифатида қилган ишлари — барчаси бир роман имконияти доирасида кенг ёритилади. Бу ҳол асарга тарихий-биографик хусусият бахш этади. Айни пайтда автор романда хроника принципига амал қилиб, Бобир ҳаёти ва фаолиятини йилма-йил, ойма-ой, баъзан эса кунма-кун изчил акс эттиради. Бироқ асар тарихий-биографик ва роман-хроника доирасида чекланиб қолмайди. Гарчи романда Бобир ҳаёти кенг ўрин тутса-да, асар сюжетини ҳаракатга келтирадиган куч Бобир шахси эмас, балки биринчи галда тарихий ҳодисаларнинг ўзидир; эпопея романларда бўлгани каби «Юлдузли тунлар»да ҳам тарихий жараён тасвири биринчи планга чиқади. Асар бошида гул ва қуюн рамзий образи бор, бу образ асарнинг марказий қаҳрамони билан ундаги тарихий жараён, шароит, муҳит орасидаги муносабатга бир ишорадир; дарҳақиқат, беғубор, истеъдодли ўн икки яшар йигитча Заҳириддин тарихий вазият тақозоси билан давр қуюни — ижтимоий тўс-тўполонлар гирдобига тушиб қолади ва ўттиз йилдан ортиқ шу қуюн ичида тинимсиз олишади, гоҳ ғолиб чиқади, гоҳ мағлуб бўлиб изтироб чекади, давр қуюни уни ўз юртидан юлқиб ўзга эллар — Афғонистон ва Ҳиндистонга элтиб ташлайди... Роман сюжетининг асосини қуюндек чарх урган, қаҳрамонни не-не куйларга солган ҳодисалар — темурийлар салтанатининг инқирози, Афғонистон ҳамда Ҳиндистон воқеалари, демакки, тарихий жараён тасвири ташкил этади. Сюжет тузилиши тақозосига кўра, Бобир ҳаёти, фаолияти оилавий муҳити тасвири билан ёндош ҳолда оддий меҳнаткаш халқ турмуши, аҳвол-руҳияти, тарихий жараёндаги иштироки, шунингдек, Бобир тўқнаш келган даҳшатли кучлар — Шайбонийхон, Исмоил, Иброҳим Лоди, уларнинг ҳадсиз лашкарлари, беклар, хилма-хил ижтимоий тўдалар, диний мазҳаблар тавсифи, алоҳида шахслар характери ва тақдири — буларнинг барчаси асарда муносиб ўрнини топган; воқеалар содир бўлган макон — Қува, Ахси, Андижон, Ўш, Самарқанд, Ўратепа, Исфара, Тошкент, Ҳирот, Қундуз, Кобил, Лоҳур, Панипат, Деҳли, Агра, Секри каби шаҳру вилоятларнинг ўша даврдаги кўриниши, ҳолати батафсил, жонли гавдалантирилган; муайян шахсларнинг оилавий ҳаёти, ижодкорнинг ижод онлари, дўстлар суҳбати, рақибларнинг даҳанаки тортишувлари, саройдаги базм-тантана, оломон олдидаги тадбир-намойиш, гул сайри, ов гашти, лашкарлар юриши, ҳужум сурони, қамал фиғони, улкан қирғинлар, кўкатлар устига сочилган қон-

[1] Пиримқул Қодиров. Юлдузли тунлар. Роман. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент — 1979.

макриз

КАШФИЁТ ТАҚДИРИ



«Азиз ўз хаёллари таъсирида қандайдир бир суқротона қиёфага киргандай бўлди-ю, «Яхши ҳам Муҳиддин Жабборовичлар бор дунёда!— дея пичирлади.— Улар ҳамиша одамни курашга чақиради, асабингни бузади, қонингни қайнатади... Беаёв кураш, гирдоб жараёнида худди қимматбаҳо маъданлар чўкиб тингани сингари, ҳақиқат, адолат туғила боради. Ёмонлик бўлмай, яхшилик йўқ!..»

Азизнинг бу фикрларини ҳамшира қизнинг: «Хотинингиз келди», деган овози бўлиб юборади. Азиз, ранги қув ўчиб, ўрнидан туради.

Бу —«Гирдоб»[1] романининг хотимаси. Унда асар бош қаҳрамони Азиз фаолиятига оид учта муҳим жумбоқни кўриш мумкин. Биринчиси: Азиз нима учун суқротона қиёфага киргандек бўлди? Иккинчиси: Муҳиддин Жабборович ким ўзи ва нима сабабдан унинг борлиги қаҳрамон томонидан қандайдир мамнунлик туйғуси билан эътироф этилмоқда? Учинчиси: нега қаҳрамон хотинини кўриши билан ранги қув ўчиб, ўзини йўқотгандек ҳолатга тушди?

Бундай жумбоқлар китобда балки шугина эмасдир. Лекин биз худди мана шуларга диққатингизни жалб этмоқчимиз.

Гап шундаки, Азиз олим, яратувчи, кашфиётчи. Бунинг учун эса чинакам истеъдодга, ижод қилиш қудратига эга бўлиш керак. Қудрату истеъдод уйғунлашиб, бир бутунликни ташкил этса, олимга қанот бағишлайди, уни юксакларга олиб чиқади. Истеъдоднинг ўзи билангина юксакликларга кўтарилиш қийин. Унинг парвоз қилиши учун зарур шарт-шароит керак. Суянчиқларга, ёрдамчиларга, ҳамдарду ҳамкорларга эҳтиёж туғилади. Зотан, асл моҳияти билан тузумимиз яратувчилик, кашфиёт ғояларини ҳамиша қўллаб-қувватлайди. Лекин, маълумки, маънавий ва моддий бойликларни яратиш, кашф этиш мураккаб жараён. Қайноқ ҳаётимизда қанча чигалликлар, зиддиятлар бўлса, барчаси яратувчилик, кашфиётчилик дунёсида гоҳ бевосита, гоҳ бавосита ўз аксини топади. Хусусан, маънавий хазина яратиш, кашф этиш жараёни ғоят мураккаб кечадики, буни «Гирдоб» романида очиқ-ойдин кўрамиз.

Асарнинг номидан кўп нарса англашилади: туйғулар гирдобига, фикрлар, нуқтаи назарлар, хилма-хил қарашлар курашидан, тўқнашувидан туғилган гирдобга нисбат берилмоқда. Ҳаракат, фаолият бор жойда албатта шундай ҳолат юзага келади. Кимки бирор соҳада янгилик, ўзгариш ясашга, яратишга киришаркан, у равон йўлни кўзламайди. Ўйламайдиган, фикр юритмайдиган, меҳнату фаолиятдан йироқда юрадиган одамгина ана шу гирдобни четлаб ўтиши мумкин.

Асарнинг бош қаҳрамони курашиш, яратиш иштиёқи билан яшайди. Табиат унга катта ва ноёб истеъдод ато этган. Шу истеъдод уни тиниб-тинчимасликка, изланишу интилишларга ундайди. Шахсий ҳаётда ҳам, ижтимоий фаолиятда ҳам жон-ҳолига қарамасдан фидокорона ишлашга, кечани кеча, кундузни кундуз демай тер тўкишга, сабр-чидамли, матонатли бўлишга чорлайди. Мана шу яратувчилик қонуниятини, ўсиш-ўзгариш талабларини ҳис қилиб, шунга мувофиқ иш олиб борган, бу йўлда учраган сон саноқсиз қийинчиликлар, тўсиқларни бартараф этган, яратиш, кашф этиш гирдобига шўнғиб, катта зафарлар қучган истеъдод соҳиби «суқротона қиёфага киради».

Аслида, «суқротона қиёфага кириш»ни, олим бўлишни орзу қилмаган, шунга интилмаган, шу ҳақда бош қотирмаган одам кам учрайди, бунинг айби ҳам йўқ. Бироқ тасаввурингизнинг қай даражада ҳақиқатга тўғри келишини аниқлаб олишингиз зарур, акс ҳолда, кўнгилсиз оқибатларга дуч келишингиз мумкин. Дадил тасаввур, хаёл билан ҳақиқат фақат чинакам истеъдод эгаларидагина бир-бирига мос тушади, муштараклик касб этади.

Азиз билан илк бор танишганимизда унда ана шундай муштараклик борлигини кўриб, дилдан ёқтириб қоламиз. Аммо бу — қаҳрамон ниманики амалга оширмасин, қандай фикрни олға сурмасин, барчасини қўллаб-қувватлаш, барчаси билан келишиш керак, деган маънони англатмайди, албатта. Ёзувчи Азизни жонли қаҳрамон, ҳаққоний сиймо сифатида яратган. Ҳаракатда, фаолиятда гавдалан-

[1] Ўктам Усмонов. Гирдоб. Роман. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент — 1979.

лар, лолазор узра думалаган бошлар — ҳамма-ҳаммаси романдан муносиб жой олган. Тасвирдаги бундай кенг қамров «Юлдузли тунлар»ни панорама роман деб аташга асос беради.

Шу ўринда адабиётшунос Матёқуб Қўшжоновнинг «Тарих сабоқлари ҳақида роман» мақоласидаги («Ўзбекистон маданияти», 1978 йил, 12 декабрь) роман поэтикаси хусусида айтган бир мулоҳазасига эътироз билдиришга тўғри келади. Танқидчи романдаги кенг қамровли воқеаларнинг батафсил хроник ифода усулини етук истеъдодга муносиб бўлмаган, эскича анъанавий йўл, деб атайди. «Ҳозир Пиримқул Қодировнинг истеъдоди етилган давр. Ўзининг истеъдод кучидан фойдаланиб, воқеаларни тартибга солишда, образлар характерини тасвирлашда бошқача йўлларни излаб кўрса, китобхонни қаҳрамонлар тақдири билан яна ҳам кучлироқ банд қиладиган кескинроқ конфликт ва коллизиялар, сюжет линияларини яратиш устида ўйлаб кўрса, роман яна ҳам ўқишлироқ бўлиши мумкин эди», деб ёзади у. Унинг фикрича, хронологик тасвир ёзувчини материалга мute қилиб қўяди. Танқидчи бу хилдаги тасвир адабиёт тарихида кўп учрашини эслаб, «Бироқ анъана — анъана! Энди доим нималар биландир банд, доим вақтини ўлчаб сарф қилишга одатланган китобхонга воқеалар тафсилотини ихчамроқ йўл билан баён қилиш устида ўйлаш керакка ўхшайди», дейди.

Бу мулоҳазалар, бизнингча, мунозарали. Гарчи ёзувчи изчил, батафсил тасвир йўлини тутса-да, асарда китобхонни толиқтирадиган чўзиқлик йўқ, аксинча, автор баъзи ўринларда муҳим тафсилотларни ўта ихчамлаштириб, тасвир суръатини тезлаштириб юборган кўринади; асар материали унинг ҳажмига нисбатан хийла катта экани, ёзувчининг ўй-режалари, дилидаги гаплари учун бир роман доираси торлик қилиб қолгани сезилиб турибди. Бу — масаланинг бир томони. Энди ёзувчи танлаган батафсил, осойишта тасвир усулига келсак, уни анъанавий бўлгани учунгина камситиш тўғри эмас, деб ўйлаймиз; бу усулдан кейинги йилларда бир қанча улкан сўз усталари моҳирона фойдаланаётирлар, чунончи, худди шу йўлда ёзилган А. Ивановнинг «Мангу даъват»и каби кенг қамровли романларни китобхонлар оммаси мароқ билан ўқимоқда. «Юлдузли тунлар»нинг жамоатчилик томонидан яхши қабул қилиниши ҳам бундай тасвир усулининг ҳали эскирмаганидан бир далолатдир.

Биламизки, ёзувчининг бадиий ниятн, концепцияси кўпинча бадиий шакл билан бирга туғилади, асар шаклини, поэтикасини белгилашда унинг мавзу-материали ҳал қилувчи аҳамиятга эга. «Юлдузли тунлар»га ғоят ишончли тарихий-адабий манбалар, аввало, «Бобирнома» билан «Ҳумоюннома» асос бўлган. Бу манбаларда Бобир ҳаёти ва фаолиятининг барча босқичлари, у яшаган даврнинг хилма-хил жиҳатлари жанр имкониятлари, ўша замон савияси доирасида яхши ёритилган. Бугунги кунда Бобир ҳақида катта эпик асар яратишга аҳд қилган адибимиз Бобир ҳаётининг бирор босқичини четлаб ўтганида унинг тўлақонли образини гавдалантириши, даврнинг ҳаққоний манзарасини чизиб бериши мушкул эди. Буни чуқур ҳис этган адиб ўша ишончли манбаларга асосланиб тўғри қилган.

Шуниси ҳам борки, «Юлдузли тунлар» автори тасвирда тарихий фактларга таяниб иш кўрган бўлса-да, фактларга бўйсунибгина қолмаган; асар «Бобирнома» билан «Ҳумоюннома»даги фактларнинг шарҳи, тавсифи ҳам эмас. Ёзувчи фактларга ижодий ёндашиб, тасаввурига кенг эрк беради, бироқ давр руҳига зид бормайди, ҳамиша тарихий ҳақиқатга содиқ қолади. Асар изчил реалистик тарихий романчиликнинг энг яхши анъаналари руҳида ёзилган, унда тарихий ҳужжат бадиий тўқима, факт билан ижодкор фантазияси, тасаввури муносабатлари, меъёри муаммоси муваффақиятли ҳал этилган.

«Юлдузли тунлар» автори учун «Бобирнома» ва бошқа манбалар гўё ўз вақтида ёзилмай қолган реалистик романнинг хомаки материаллари вазифасини ўтаган. Ёзувчи мавжуд фактларни жиддий саралаб олган, манбалардаги кўпгина хусусий, натуралистик тафсилотларни четлаб ўтган. Иккинчи томондан, манбаларда шунчаки тилга олинган, етарли ёритилмаган, аммо асар ғоясини очишга, давр руҳи, ҳақиқатини ифодалашга хизмат этадиган муҳим маълумотлар адибнинг ижодий тасаввури орқали бутун тафсилотлари билан қайта тикланган. Масалан, «Бобирнома»да узоқ давом этган оғир ҳижрондан сўнг Хонзода бегимнинг Бобир билан учрашуви, бу учрашувда дастлаб опаси инисини таний олмагани ҳақида қисқагина маълумот бор. Шу учрашув «Юлдузли тунлар»да ёркин психологик картина даражасига кўтарилади. Ёки Бобир билан Ойиша бегим ўртасидаги муносабатни олайлик. «Бобирнома»да мана шу чигал оилавий можарога баъзи имо-ишоралар бор, холос. Романда муҳаббатсиз қурилган оила тарихи, унинг кўнгилсиз оқибатлари бутун бошли сюжет шахобчасини ташкил этади. Худди шундай ҳолни Бобирнинг Малика Байда билан мулоқат, тўқнашувлари тасвирида ҳам кузатиш мумкин. Бундай ўринларда ёзувчи ҳаётда айнан бўлиб ўтган ҳодисаларнинг манбаларда эътибордан четда қолган жиҳатларини бугунги реалистик тасвир имкониятларидан келиб чиқиб психологик асослашга эришади. Бугина эмас, «Юлдузли тунлар»да манбаларда деярли учрамайдиган талай эпизодлар, образлар ҳам бор. Фазлиддин, Робия сингари персонажлар, Хонзода бегим билан Фазлиддин, Тоҳир билан Робия ўрталаридаги севги саргузаштлари ёзувчи ижодий тасаввурининг маҳсулидир. Хонзода бегимнинг шахсий фожиаси манбалардан таниш, аммо унинг оддий меъмор йигитга кўнгил қўйгани номаълум. Тоҳир билан Бобир ўртасидаги муносабат ҳақида бир жумла маълумот бор, холос; бир ўринда Бобир Тоҳир офтобачи деган одамни ўзига яқин олгани, умрининг охирида тож-тахтдан воз кечиб, у билан бир гўшада бирга турмоқчи бўлгани тўғрисида қисқа маълумот учрайди. Биргина жумлада айтилган фактга таяниб ёзувчи асарда Тоҳирнинг мураккаб ҳаёт йўлини тиклайди. Бироқ бу хилдаги ижодий тасаввур самаралари ёзувчини тарихий ҳақиқатдан узоқлаштирмайди, балки унга яқинлаштиради. Чунки ёзувчи бу хил тасаввур меваси бўлган воқеа ва персонажтирилган характер бизни қайси жиҳатлари биландир қойил қилади, нималаригадир эътироф, нималаригадир эътироз уйғотади, нималари биландир ўзига тортади.

Хуллас, асарнинг бошидан охиригача, бутун воқеалар ривожи давомида Азиз эътиборимизни ўзига жалб этиб туради. Айниқса, унинг йирик олим сифатида шаклланиши, камолот босқичига кўтарилиши ҳаяжонли манзараларда ифодаланади.

Ҳар қандай янгиликнинг туғилиши, етукликка эришиш жараёни ғоят қизиқарли, мураккаб ҳолатларга тўла бўлади. Хусусан, истеъдодли олимнинг оёққа туриши, ўз-ўзини англаши, кашфиётлар яратишга қадар бўлган даврдаги ҳаёти, изланиш-интилишлари қизғин ва шиддатли «жанг»ларни қамраб оладики, бунга қизиқиш сира сусаймайди.

Азиз талабалик йилларидан бошлаб нимадир яратишга талпинганини кўрамиз. Бу қисқа, лекин таъсирли манзараларда ёритилади:

«Ўшанда Азизларнинг курси пахта териб юрган донгдор колхознинг донгдор бригадири вилтга қарши кимёвий дори сепилган майдонга кириб кетиб... заҳарланиб узоқ ётган, айни йиғим-терим пайтида оламдан ўтган эди. Азизни биринчи бор қаттиқ ларзага солган, селекционерлик нақадар масъулиятли касб эканини миясига қуйган ҳам ўша ўлим эди. Азиз «Бу фожиага энг аввало селекционерлар айбдор», дея шафқатсиз ҳукм чиқарган эди ўшанда. Шу-шу, унинг ягона орзу мақсади — вилтга чидайдиган янги нав яратиш бўлди...»

Тўғри, бу фожиа тез-тез учраб турадиган ҳол эмас, аммо унинг аҳён-аҳёнда учраши билан ҳам асло келишиб бўлмайди. Партия ва ҳукуматимиз олимларни қишлоқ хўжалик зараркунандаларига, хусусан вилтга биологик воситалар билан зарба бериш йўлини топишга даъват этмоқда.

Азиз ана шу даъватни ёшлигидан қалбига жо қилган, у пахтанинг янги навини яратишга умрини бағишлайди. Шубҳасизки, иш фақат янги нав яратишнинг ўзи билан чекланиб қолмайди. Чунки ғўза касалликлари, шу жумладан, оқпалакдан қутулиш учун фақат янги нав яратиш етарли эмас. Ернинг кучсизланиб қолишини ҳам эътибордан соқит қилиш ярамайди. Алмашлаб экишнинг ҳамма ерда кенг жорий этилмаётгани-чи? Она ерни эъзозлаш, ардоқлаш зарур. Ҳалигача ер қадрини, халқ олдидаги масъулиятни тўлиқ ҳис этмайдиган шахслар учраб туради. Қишлоқ хўжалик ноз-неъматларини кўплаб етиштириш йўлида яна қанчадан-қанча муаммолар борки, роман автори уларнинг бадиий таҳлилини бераман, деб даъво қилмайди. У йирик бир масала — ғўзанинг янги навини яратиш жараёнига боғлиқ воқеаларни диққат марказига чиқаради ва нима тўғрисида сўз очмасин, шуни Азизнинг тақдирига «пайвандлаш»га интилади. Китобхон қаҳрамонларнинг кечинмалари, ўйлари, хатти-ҳаракатларидан таъсирланиб, ўзини улар билан бирга нафас олаётгандек, яшаётгандек, курашаётгандек ҳис этади, қувончу севинчларини ҳам, ғам-аламларини ҳам бирга баҳам кўра бошлайди.

Чинакам истеъдод меваси сифатида яратилган асаргина шундай таъсирчанлик касб этади, китобхонга нималарнидир «юқтиради», уни олдинга етаклайди.

Ёзувчи Азизнинг олим ва инсон сифатида шаклланиш тарихини ёритади. Бу ниятни амалга ошириш учун қаҳрамоннинг янги нав яратиш йўлидаги курашини диққат марказига қўяди. Ҳар қандай янгиликнинг кашф этилишида янги кучлар, янги восита ва янги муносабатлар, янги фикр ва туйғулар майдонга чиқади. «Гирдоб»даги Азиз, Салтанат, Муҳиддин Жабборович ва бошқа қаҳрамонларни ҳам адабиётимизда мисли кўрилмаган бадиий типлар, бутунлай янги характерлар, деб бўлмайди, албатта. Аммо улар ниҳоятда ҳаётий чиққан ва айтиш мумкинки, ёзувчи баъзан айрим қаҳрамонлар ҳаётини тадқиқ этиш, тасвирлаш ўрнига баёнчиликка йўл қўйса ҳам, характерлар мантиқи билан ҳаёт тараққиётининг мантиқини бир-бирига моҳирона «пайвандлаш»га улгуролмай қолган ҳолларда ҳам (бу асар хотимасида кўпроқ кўринади) табиийлик ва самимийликни қўлдан бермайди.

Ёзувчи ниманики қаламга олмасин, барчасининг ижтимоий моҳиятини очишга, бизни ҳозирги кунда безовта қилаётган, ташвишлантираётган ўткир, долзарб ахлоқий-маънавий муаммоларга бевосита боғлиқ жиҳатларини кўрсатишга интиладики, бу биринчи галда Азиз тақдирини таҳлил этишда ўз аксини топган.

Азиз ёш олим сифатидагина тасвирланмайди. Унинг сиймосида ёзувчи ҳозирги замоннинг яратувчи қаҳрамонини кўради ва уни шиддатли тўқнашувларда, курашларда, чиниқиш жараёнида гавдалантиради. Баъзан тавсиф, таъкид, тасвирлар бир-бирига омухта бўлиб, бирлашиб кетади, баъзан эса улар алоҳида-алоҳида келиб, асар ғоясининг тўлқинлантирувчи манзараларда ифодаланишига монелик қилади.

Маълумки, ҳар қандай ғоя, фикр дастлаб хаёлимизда, онгимизда туғилади, сўнгра муайян шаклларга кириб, ўзлигини кўрсата бошлайди. Аммо бу ҳеч қачон осонликча бўлмайди, унга нималардир халақит беради: истеъдоднинг етуклик касб этмагани, мантиқий изчиллик билан меҳнат қила олмаслик, иродани жиловлаб, олий мақсадга бўйсундира олмаслик, билим, тажриба етишмаслиги каби бир қанча омиллар борки, уларни ички тўсиқлар деб таърифлаш мумкин. Мана шундай ички тўсиқлар билан олишувда қанчалик оғир, чалкаш вазиятлар юзага келишини истеъдод соҳиблари яхши биладилар, аммо айни чоқда ташқи тўсиқлар ичкиларига қўшилиб, аралашиб, ваҳимали гирдоблар ҳосил қиладики, автор буларнинг моҳиятини яхши идрок этган. Романда Азизнинг ички монологлари, ўз-ўзи билан тортишувлари, баҳслари кўп учрайди, улар қаҳрамоннинг илм заҳматкаши эканлигидан далолат беради. Лекин шу заҳматкашнинг янги нав яратиш борасидаги изланишлари баъзи ўринларда шунчаки таъкидланади. Қани энди, ўша тавсифлар, таъкидлар жонли, ёркин тасвирларга уланиб кетса, деб қоламиз гоҳида ва баъзан шу истагимизнинг амалга ошганини кўриб қувонамиз. Бироқ биз бунинг баъзан эмас, ҳамма вақт юзага чиқишини хоҳлардик!

Шунга қарамасдан, асарда ҳақиқий ҳаётий вазият кашф этилган: Азизнинг қарийб саккиз йиллик муддат ичида қандай қилиб ғўзанинг вилтга чидамли янги навини яратгани барча қийинчиликлари, чигалликлари, мураккабликлари билан қаламга олинади. Натижада аён бўладики, ўша муддат ичида Азиз бир лаҳза ҳузур-ҳаловат нималигини билмай, тушида ҳам, ўнгида ҳам борлиғини илмий изланишлар, машаққатли меҳнат ва туйғулар қамраб олади, у қувончу хурсандчиликларини ҳам, бахт-саодатини ҳам бўлғуси кашфиётда кўради.

Айтишга осон-у, бироқ роҳатдан воз кечиб, қарийб саккиз йил заҳмат чекиб яшашга рози бўладиган бундай мардлар кам топилади. Шундайлар орасида Азиз ҳам бор эканини Ўктам Усмонов гоҳ алоҳида фахр туйғуси, гоҳ аламли ачиниш, гоҳ сами-

ларни тарихий ҳодисалар фонида, улар билан узвий алоқада гавдалантиради, бунда тарихий жараён мантиқига таяниб иш кўради; ҳаётда рўй бериши мумкин бўлган, эҳтимолки, манбаларда унутилиб, қаламга олинмай қолган ҳодисаларни гўё қайта тиклаётгандек бўлади..

Ҳар жиҳатдан баркамол, инниси Бобирга, унинг эзгу ишларига ниҳоятда ҳурмат билан қараган, ёши ўтиб қолса-да, тенги топилмай узоқ вақт турмуш қилмаган Хонзодадек хон кизининг Фазлиддин каби бир оддий меморни пинҳона севиб қолиши ҳақиқатдан узоқ эмас; Фазлиддиндек нозиктаъб, Бобирга яқин бир меъмор кўнглида ҳукмдор қизига майл уйғониши ҳам бўладиган савдо; лекин икки қалб висолга етишиш у ёқда турсин, бир-бирига талпинишга ҳам, кўнглини очишга ҳам журъат этолмайди; бу ҳам ҳақиқат, чунки ҳукмдор қизи билан оддий меъморнинг севгиси ўша давр учун ақл бовар қилмайдиган ҳодиса; ёзувчи муҳит яратган улкан ғовнинг икки томонида турган икки ошиқ қалбнинг пинҳона изтиробини жуда нафис, ҳаққоний ифода этади... Тоҳир образини яратишда эса автор юқорида эслатилган қисқа бир факт замиридаги мантиққа таянади. «Бобирдай улкан сиймо бутун сарой аҳлидан кўра битта офтобачини ўзига яқинроқ олган бўлса, демак, Тоҳир унга жуда кўп яхшиликлар қилган, ниҳоятда қадрдон бўлиб қолган», дейди адиб биз билан суҳбатда. Бундай тахмин ёзувчини Тоҳир саргузаштини яратишга рағбатлантиради. Қувада кўприк синиб, Самарқанд қўшинларининг катта талафот кўргани ҳақида «Бобирнома»да гап бор, аммо бу ҳодисанинг сабаблари айтилмаган; ёзувчи эса буни урушлардан безган меҳнаткаш халқ орасидан чиққан, Бобирга содиқ Тоҳирнинг иши қилиб кўрсатадики, бу ҳам мантиққа асло хилоф эмас.

Шу тариқа ёзувчининг тарихга ҳурмати, аввало, реалистик тарихий роман принципларига изчил амал қилганида, тарихий фактларга катта масъулият билан ижодий ёндашганида ва ҳамиша тарих ҳақиқатига содиқ қолганида намоён бўлган. Тарихга улуғ ҳурмат, айниқса, тарихий ҳодисалар, тарихий шахслар характери таҳлилида, моҳиятини очишда, тарих сабоқлари талқинида яна ҳам ёркинроқ зуҳур этган. Бу фикрнинг исботи учун яна «Юлдузли тунлар»ни унинг тарихий манбалари — биринчи галда «Бобирнома» билан қиёслашга тўғри келади. «Бобирнома» ўтмишда яратилган кўплаб мемуар асарлардан ўзининг мардона ҳақиқати, ҳаққоний услуби билан ажралиб туради; унда кўплаб тарихий ҳодисалар, шахслар айни ҳаётдагидек рўй-рост гавдалантирилган. Маълумки, ҳаётнинг ўз кўринишидаги ҳаққоний сурати ҳали реализм эмас; реализм — шахс ва ҳодисалар моҳиятини таҳлил этиш, шахс билан тарихий шароит ўртасидаги мураккаб муносабатни кўрсатиш, ҳодисалар замиридаги ички сабабий, диалектик алоқадорликни очиб беришдир. Реалистик роман —«Юлдузли тунлар» автори олдида «Бобирнома» муаллифига муяссар бўлмаган ана шундай вазифани адо этиш муаммоси турар эди. Романда бу муаммо асосан муваффақиятли ҳал этилган.

Ёзувчининг реалистик таҳлил маҳорати хусусан Бобир образи тасвири ва талқинида жуда равшан кўринади. Дадил айтиш мумкинки, ўзбек адабиётида ҳозирга қадар Бобирдек мураккаб, зиддиятли тарихий шахс образи яратилмаган эди. Бобир ўрта асрнинг чигал, зиддиятли бир палласи, юқорида айтилганидек, темурийлар салтанатининг емирилиши, ўзга юртлар — Афғонистон ва Ҳиндистонда янгидан тикланиши даврида яшади. Бу салтанатни энг қалтис дамларда сақлаб қолиш учун астойдил курашган энг саботли шахс ҳам, янги империянинг асосчиси ҳам Бобир эди. Демак, Бобир саркарда сифатида қудратли давлатнинг сўнгги кунлари — емирилиш даври фожиасини татиб кўрган мағлуб, лекин курашдан толмаган, бирлашган қудратли давлат тузиш режаларини ўзга элларда амалга оширган ғолиб шахс. Иккинчи томондан, Бобир Шарқнинг улуғ мутафаккирлари, биринчи галда, Алишер Навоийнинг юксак гуманистик ғоялари руҳида тарбияланган, инсон қалбини, унинг дарду ташвишларини юракдан ҳис этган баркамол одам, нозиктаъб шоир, санъаткор, билимдон олимдир. У тахтга ўтирган биринчи кундан бошлаб зиммасидаги шоҳлик бурчи билан инсонлик, шоирлик туйғуси бир-бирига тўқнаш келади; вазият тақозоси, амирлар қутқуси, талаби билан кўнгли тиламаган ишни қилишга — бегуноҳ бир одамни қатл эттиришга мажбур бўлади; шу зиддият умр бўйи уни қийнайди. Бобир кўнгли ҳамиша эзгу туйғуларга мойил, у тожу тахтнинг бебақолиги, шафқатсизлигини билади, неча бор ундан воз кечмоқчи ҳам бўлади; бироқ, айни пайтда, ўзининг темурийзода эканини унутолмайди, темурийзода сифатида салтанат, унинг истиқболи олдидаги бурчи, масъулиятини ҳамма нарсадан устун қўяди. Шу бурчни адо этиш йўлида ҳадсиз кўргиликлар — оғир жудоликлар, қийноқлар, хўрликлар таҳқиру надоматларга дош беради; шоҳлик — зўрлик деган қоидага амал қилади, шафқатсиз замонда яшаётганини, йиртқичлар орасида кийик бўлиб асло кун кўролмаслигини, мақсад йўлида кўнгилчанлик ёки чекиниш ўлим билан баробар эканини ич-ичидан ҳис этади. Шунинг учун теварагини қуршаб турган бўрилар билан шер бўлиб олишиш зарур, деган хулосага келади ва доим шунга амал қилади; унда зўрликка зўрлик, зарбага зарба билан жавоб бериш истаги кучли, бу эса ўз навбатида уни кўп шафқатсизликлар, гуноҳлар сари етаклайди. У раият ғамини ҳам ўйлайди, аммо раиятни деса, бу майл беклару навкарлар манфаатига зид келади; беклар, навкарларсиз эса тожу тахтни идора этиш мумкин эмас; шу тариқа, беихтиёр, раият манфаатига хилоф ишлар қилишга мажбур бўлади. Бобирнинг бу чигал ҳолатини теварагидаги холис ниятли дўстлари ҳам сезадилар. «Ўзлари соҳибдил шоир, маърифатли инсон бўлсалар ҳам подшоҳлик билан фотиҳлик у кишини мураккаб зиддиятларга дучор қилган», дейди улардан бири.

Шуниси ҳам борки, Бобир шоҳ ва саркарда сифатида амалга ошираётган кўп ишлари «хатолиғ» эканини ўзи ҳам билади, чин инсон, шоир сифатида бундан қийналади, дардини шеърлари орқали тўкиб солади, лекин амалда, бари бир, кўнгли чопмаган ишларни қилаверади, замон, тарихий мий меҳр-муҳаббат, гоҳ қандайдир эзилиш ҳисси билан ҳикоя қилади ва бунда эҳтирос билан қалам тебратгани сезилиб туради. Қаҳрамоннинг барча фазилатлари, айрим нуқсонлари, камчиликлари билан танишганингизда ана шундай таассурот туғилади.

Лекин «Гирдоб» автори Азизга меҳри товлангани ёки ачинганини изҳор қилишдан кўра муҳимроқ, аҳамиятлироқ ният билан қўлга қалам олганини унутмайди. У анча чуқур тадқиқ этилган, баъзан тавсифланган қаҳрамон характерида шунчаки истеъдодли олимнинг ўсиш-ўзгариш, камолотга эришиш тарихинигина эмас, балки барча кашфиётчилар тақдирини намоён қилишга интилган. Сўз санъатининг бир қонуни якка шахслар, айрим қаҳрамонлар фаолиятини тадқиқ этиш орқали ёзувчи ўзининг замонга, маънавий-руҳий тараққиётга, дунёни яратувчи, ўзгартувчи кучларга муносабатини ифодалаши билан белгиланадики, шунга мувофиқ Ўктам Усмонов романда ҳаракат қилувчи персонажларни ҳам, тилга олинган воқеаларни ҳам пировардида Азиз тақдирига боғлайди. Бундай боғланишлар қанчалик ҳаққоний, ранг-баранг, чуқур мазмун касб этса, яратилган образларнинг таъсир кучи, ижодкор айтмоқчи бўлган фикрлар шунчалик табиий ва ишонарли чиқади.

Азиз билан Салтанат ва Муҳиддин Жабборовичлар ўртасидаги муносабат ниҳоятда ҳаётий. Муҳиддин Жабборович Азизнинг расмий илмий раҳбари ва маълум маънода рақиби бўлгани учунгина асар сюжетини ҳаракатлантирувчи кучга айланмаган. Ҳар иккала қаҳрамон ўзига хос кўзгу, Азиз фаолиятини барча мураккабликлари, қарама-қаршиликлари билан ёритишга қаратилган бадиий образлардир. Тўғри, Муҳиддин Жабборовичнинг хатти-ҳаракатларида қора ранг гоҳо ҳаддан зиёдроқ, лекин у ҳам, Салтанат ҳам ўзининг инсоний, ижтимоий хусусиятлари, айрим фазилатлари, нуқсонлари билан кўп қиррали шахслар тарзида гавдалантирилади.

Кўп қиррали шахслар деган фикрни алоҳида таъкидлагим келади, чунки яхшилар ҳам, ёмонлар ҳам хилма-хил вазиятларга боғлангани учун, уларни чекланиб қолган, «бир қатли» одамлар, деб бўлмайди. Ёзувчи диққатимизни шунга жалб этадики, Салтанат аёллик назокати, иффати ҳаёдан холи эмас ва, умуман, хотин киши бундай хусусиятларсиз тўлақонли бўлиб чиқмайди, ўзлигини йўқотади. Баъзи авторларнинг асарларида аёлларнинг салбий образлари биргина қора рангга чапланиб ташлангани учун ижтимоий-маънавий ҳаётни тадқиқ этишга хизмат қилмайди. Ўктам Усмонов Салтанатнинг ор-номус, ҳиёнат нималигини яхши билишини ошириб-тоширмасдан кўрсатади, унинг Азиз кечираётган турмушнинг оғирлигини кўтаролмай қолгани, машаққатли ҳаёт синовига бардош беролмагани хусусида куюниб, афсус билан мулоҳаза юритади. Янги нав яратиш жараёнида Азиз ўзи дуч келган қийинчиликларни қандай бартараф этганини қанчалик кенг миқёсда кўрсатишга жазм этса, Салтанатнинг ахлоқий тубанликка юз тутиш сабабларини ҳам шунчалик чуқур, кўламли тафсилотлар билан гавдалантиради. Салтанатнинг кечинмалари, қилмишлари, азобланишлари, тўлғонишлари яхши бадиий тадқиқ этилган. Унинг ўзи билан олишувлари мантиқий изчилликда давом этади ва қадам-бақадам қоқилиб бораётгани кўз ўнгимиздан ўтиб туради.

Муҳиддин Жабборович ҳам муайян хусусиятлари билан Салтанатга яқин туради: у ҳам эзгулик, янгилик, кашф этувчилар тагига сув қуювчи, илм фидойиларининг илдизига болта урувчи кимса; эл-юрт учун меҳнат қилаётганини кўз-кўз этиб юради, илмдаги ўсиш-ўзгаришга, тараққиётга ўзини тарафдор деб кўрсатади; бир вақтлар ғўзанинг янги навларини яратиб, ўзига муносиб ҳайкал қўйган, академикликка сайланган, лекин одамгарчилик, инсонийлик ҳақида ўйламай қўйган. Автор унинг кейинги пайтларда ўсиш-ўзгаришдан батамом орқада қолиб кетганини, энди ижодий изланишни бутунлай йиғиштириб, ўзгалар меҳнатининг маҳсулини ўзлаштириб яшаётганини, ўсишдан тўхтаб, қотиб қолганлигини куйиб-ёниб сўзлайди.

Энди тасаввур қилингки, мана шундай номдор кимса Азизнинг илмий раҳбари этиб тайинланган, бироқ у бўлғуси олимга раҳнамолик кўрсатмайди, аксинча, шогирдининг изланишларини чиппакка чиқариб, уни чалиб йиқитиш пайига тушади, бора-бора устоз шогирдининг рақибига, сўнгра ашаддий душманига айланади. Азиз ҳар қандай қийинчиликларга қарамасдан янги навини яратганидан кейин унга шерик бўлиш учун курашга отланади. Курашга отланади-ю, бироқ ўзича ўйлаб қолади, ҳар хил мулоҳазаларга боради: «Нима зарур менга шу ишга шерикчиликни даъво қилиб? Нимам кам? Обрўйим камми? Ёки мол-дунём етишмайдими? Нима зарур, ёшим бир жойга борганда... шу тирранча билан ҳақ талашиб? Унинг олдида ялингандай ғуруримни поймол этиб? Агар зиғирдай ақли, фаҳм-фаросати бўлганда-ю, шу пайтгача... ўзи айтарди! Ўзи айтиши керак эди. «Домла, бу бевосита сизнинг раҳбарлигингизда қилинган иш... Марҳамат!», дейиши керак эди... Бэ-э бунга ақл-фаросат керак! Шундай экан, нима қиламан шу ғавғога аралашиб, номимни булғаб? Ундан кўра, бировлар ҳозир Азизнинг атрофида айланишиб, томоғи тақиллаб юрган бир пайтда мен ҳақиқий олимлардек... ўзимни сипо тутиб, номим ва ёшимга муносиб иш қилиб, Азизни қўллаб-қувватлаб чиққаним дуруст эмасми? Майли, талашиб-тортишиб, унга шерик ҳам бўлай, хўш кейин нима? Ким менга раҳмат дейди? Кўз тўярканми бу дунёда? Ундан кўра, ёшларга ҳомий бўлиб чиққаним яхши эмасми? Болаларим жой-жойини топиб кетган... Назокатхоннинг егани олдида, емагани кетида. Яна нима керак менга? Мабодо... мабодо... Азизнинг ўзи таклиф қилса... у бошқа гап! Уйлаб кўриш керак унда».

Мантиққа қаранг ёш олим ақлсиз, аҳмоқ бўлса, босар-тусарини билмайдиган тирранча бўлса, у ҳолда қандай қилиб ғўзанинг янги навини яратиб, уруғчилик илмида катта ўзгариш ясаган?

Бунинг нотўғрилигини Муҳиддин Жабборович билади, сезади, аммо шогирдини ҳам, унинг кашфиётини ҳам юракдан эътироф этгиси келмайди, шогирди мустақил равишда катта ютуққа эришганига ғаши келади — Азизни ҳақорат қилади. Шуниси даҳшатлики, бунинг адолатсизлик эканини англаган ҳолда бундай йўл тутади: «Муҳиддин Жабборович шу тахлит фикр юритаркан, ора-сира ўз виждони олдида қийналар, ҳар қалай, бу даражада инсофсизлик, бировнинг тайёр ошига бу даражада чанг солиш одамгарчиликка иснодлигини ўз-ўзига уқдирар, аммо қанча ўйламасин, ўзини қанчалик айбламасин, бари бир кўнглида туғилган ўша хуфиёна нияти тобора кучайиб, тобора қатталашар; бу ният эса ўз навбатида Муҳиддин Жабборович дилида қатъий бир ишонч пайдо қилган; бу ишонч — шу институт даргоҳида нимаики яратилган, нимаики кашф этилган бўлса, ҳаммаси деярли унинг паноҳида

шароит, муҳит, вазият шоҳ сифатида уни шунга мажбур этади. Бобирнинг энг оғир руҳий драмаси, фожиаси ҳам ана шунда. Буларнинг барчаси романда юксак маҳорат билан ифода этилган.

Шу билан бирга ёзувчи тарихда ўтган шахсларга баҳо беришда марксча-ленинча йўл-йўриққа амал қилган ҳолда, Бобир амалга оширган хайрли, прогрессив тадбирларни, хусусан, унинг марказлашган давлат учун кураш, Ҳиндистонни бирлаштириш, турли эл, дин ва диний мазҳабларни муросага келтириш, ободончиликни йўлга қўйиш сингари ишларини объектив тарзда ҳаққоний акс эттирган, булар жуда катта қийинчиликлар, зиддиятлар билан амалга ошганини китобхонга етказа олган.

Романда Бобирнинг шахсий хислатлари, оилавий ҳаёти — онаси Қутлуғ Нигор хонимга чин фарзандлик туйғуси, опаси Хонзода бегимга инилик, фарзандлари — Ҳумоюн билан Гулбаданга оталик меҳри ёрқин картиналарда ифода топган. Ойиша бегим билан ўтказган кўнгилсиз дамлари драмаси, Моҳим билан ғаройиб танишув дақиқалари, чин ва тенг севги сурури, Моҳимнинг Бобирга чексиз садоқати, беором турмуш ташвишларидан чеккан изтироблари — барчаси маромида берилган.

Бобирнинг ижод онлари романнинг энг гўзал саҳифаларини ташкил этади. Ёзувчи манбаларга таянган ҳолда жуда кўп шоҳ сатрларнинг ёзилиш тарихини тиклайди, ижодкорнинг ўша дамлардаги руҳий ҳолатини жонли гавдалантиради. Бу картиналарга хос бир хусусият бор: Бобир ижод ва илҳом оғушида эканида кимдир давлат, тож-тахт иши билан шошилинч тарзда унинг ҳузурига киради, санъаткор ижод хаёлини тарк этиб, давлат ишига берилади... Ижод лавҳаларига оид шу деталда катта ҳақиқат бор. Дарҳақиқат, шоҳлик, тож-тахт бу мислсиз санъаткорнинг илҳоми ва ижодига умр бўйи монелик килган. Айни пайтда унинг ижоди, ҳаёти, ижтимоий фаолияти билан чамбарчас боғланган. Бобир ҳеч қачон шеър ёзиш учунгина қўлига қалам тутган эмас, у ҳеч нарсани тўқиб чиқарган эмас, бевосита кўрган-кечирганларини, шахсий ҳаётий тажрибаларини қаламга олган; шеъриятга, бадиий ижодга қалб эҳтиёжи деб қараган, қалбидаги эзгу туйғуларини, ҳеч кимга айтолмаган ҳақ сўзини, дарду аламларини, армонларини қоғозга тўкиб солган.

Романда бошқа тарихий шахслар — Шайбонийхон, Малика Байда, Зуҳра бегим, Хадича бегим кабилар ҳаёти батафсил кўрсатилмаса ҳам, китобхон уларни яхши эслаб қолади, бугина эмас, китобхонда уларга нисбатан аниқ-равшан муносабат пайдо бўлади; ёзувчи бу шахсларни китобхонга улар ҳаётининг энг кескин, драматик дақиқаларида рўпара қилади. Зуҳра бегим ва Хадича бегимга муносабатдаёқ Шайбонийхоннинг ўта ёвуз, шафқатсиз, беҳаё, мунофиқ бир кимса экани аён бўлади. Зуҳра бегимнинг босқинчи хон «илтифоти»га умид боғлаши унинг маънавий савияси қай даражада эканини ошкор этади; ёзувчи бу аёлнинг аянчли қисмати, хонга умид боғлаб, даҳшатли бир кимса — Мансурбек қўлига тушиб қолиши, ўғлининг бошсиз жасади устида чеккан фарёди орқали хиёнатнинг мудҳиш оқибатини ғоят таъсирчан бир тарзда ифодалайди. Ҳаётида кўп разилликлар қилган, набираси Мўмин Мирзонинг умрига завол бўлган хунхўр Хадича бегим бошига Шайбонийхон солган савдо — қариган чоғида ўша даҳшатли Мансур бахшига тортиқ этилиши, унинг қўлида мислсиз азоб билан итдек ўлиб кетиши гўё қабиҳликка берилган энг адолатли жазо, разиллик устидан ўқилган айбномадек туюлади.

Малика Байда билан Бобир ўртасидаги муносабат романдаги энг ҳаяжонли лавҳалардан. Байда — Панипат жангида ҳалок бўлган шоҳ Иброҳим Лодининг онаси. Бобир аламдийда бу аёлга катта ҳиммат кўрсатади — маликага ҳеч ким озор етказа кўрмасин, ҳамма уни мўътабар онамиздек ҳурмат қилсин, дея буйруқ беради. Лекин Байда — бари бир она; фарзанд доғи уни интиқомга ундайди, она Бобирдан ўч олишга чоғланади, уни заҳарлашга эришади... Сўнг икки рақиб рўпара келадилар. Кўрсатган ҳаммати қимматга тушган Бобир дарғазаб, Байда эса ўз ишидан мамнун; даҳанаки тортишув бошланади — малика ҳам, шоҳ ҳам кўнглини очади, ҳар иккови ҳам ўзича ҳақ, малика жонидан тўйган, у шоҳдан оғир жазо — ўлим кутади, бу билан шоҳ устидан маънавий тантанага эришмоқ, онани ўлимга маҳкум этган шоҳни эл олдида ёмон отли қилмоқ истайди; буни сезган Бобир ўзига хос донишмандлик кўрсатиб, яна тантилик қилади — маликани тирик қолдириб, ўз тантаналари билан руҳан эзиб, ундан ўч олишга қарор беради; бу билан эл-юрт олдида танти шоҳ тарзида обрў ҳам қозонади... Мана шу мураккаб драматик ҳолатлар романда психологик жиҳатдан жуда пухта ишланган.

Асарда Бобирга замондош бир қанча ижодкорлар образи учрайди. Аммо уларнинг бадиий ифода даражаси бирдек эмас. Хондамир, Беҳзод, Муҳаммад Солиҳ шахси негадир силлиқроқ, давр драмаларидан бир қадар четда талқин этилган, улар ҳаётидаги мураккабликлар, чигалликлар шунчаки айтиб, эслатиб ўтилган, холос. Асарда анча кенг ўрин эгаллаган Хондамир, очиғи, тирик одамдан кўра маълум фикрнинг иллюстрациясига айланиб қолган; Бобир билан суҳбатда у ўз дилидан, тилидан эмас, кўпроқ ёзувчи номидан сўзлаётгани билиниб туради. Биноий образига келганда, манзара бошқача. Ёзувчи истеъдодли шоир Биноий шахсидаги зиддиятларни яхши кўрсатган. Навоий билан Биноий ўртасидаги келишмовчиликлар сабаби, Биноийнинг сўнгги пушаймонлари; нотинч, дарбадар турмуш туфайли бошига оғир савдолар тушгани, ҳокимият қайси тоғдор қўлига ўтса, унинг шаънига мадҳ этиб шеърлар битгани ва охири тоғдор зуғуми билан қаламкаш дўстлари олдида гуноҳ ишлар қилишга мажбур бўлгани — шоирнинг ана шундай мураккаб ҳаёти асарда аниқ тарихий ҳужжатлар асосида ҳаққоний акс эттирилган.

Яна талай фазилатларга эга бўлган бу роман, такрор айтамиз, аввало тарихий ҳақиқатга катта масъулият ва улуғ бир ҳурмат туйғуси билан йўғрилгани учун ҳам қимматли, тарихий романчилигимизда муҳим ҳодисадир.

Умарали НОРМАТОВ

амалга оширилган; буни каттадан кичикнинг бари билади, тан олади, деган ишонч эди».

Бироқ ишончнинг замирида ҳақиқат, адолат ётиши керак-да! Лекин Муҳиддин Жабборович ўзининг ноҳақлигини била туриб ифлослик йўлига кирган.

Салтанат ҳам ўзининг жарга қулаб кетаётганидан хабардор ҳолда хиёнат сари боради. Ҳар иккаласи ҳам ўз манфурлиги билан Азизга ҳам тўғри маънода, ҳам мажозий маънода суиқасд қилаётганини билади, аммо улар қора ниятларидан воз кечишга қодир эмаслар. Муҳиддин Жабборович Азиз яратган навга шерикчилик қилолмай мағлуб бўлади, бироқ енгилганини тан олмайди, отдан тушса ҳам узангидан тушишга тоби йўқ, шармандаи шармисор бўлса ҳам, ҳали келажакда ўзини кўрсатиши мумкинлигига ишончи бор, аммо бу ечилмаган муаммолигича қолади.

Лекин Азиз нима учун «Яхши ҳамки, Муҳиддин Жабборовичлар бор бу дунёда!», деб шукур қилади? Бу мантиққа зид эмасми?

Йўқ. Негаки, ўсиш-ўзгариш, яратиш ҳамма вақт курашларда рўй беради, курашлар эса рақиблар, мухолифларсиз бўлмайди. Мухолифлар, рақиблар қанчалик бақувват бўлса, тўқнашувлар, олишувлар миқёси, кўлами шунчалик каттадир. Лекин мухолифлар, рақиблар ҳар хил. Масалан, Муҳиддин Жабборович фанда, ҳаётда эзгулик яратишга қурбимиз етмай қолди, ёшимиз ҳам бир жойга етди, энди ёшларга кенг йўл берақолайлик, дейдиганлардан эмас. Ёки улар, биз янгилик яратувчиларга қарши чиқадиган мухолифларимиз, рақиблармиз, деб жар солмайдилар. Аксинча, ўзларини эзгулик, тараққиёт тарафдори қилиб кўрсатадилар. Оқибатда улар яратган гирдоблар ҳақиқий «жанг»лар, курашу тўқнашувлар майдонига айланмайди.

Шунинг учун ёш танқидчи Абдулла Матёқубов «Гирдоб» таҳлилига бағишланган тақризида («Тошкент ҳақиқати», 1979 йил, 26 сентябрь) Муҳиддин Жабборовичлар ўсиш-ўзгаришга монелик кўрсатадиган сунъий гирдоблар ҳосил қилишлари билан хавфлидирлар, деб таъкидлайди. Ҳатто Салтанатнинг ахлоқий-маънавий хиёнат кўчасига киришида Муҳиддин Жабборовичлар қисман айбдор, деган фикрни илгари суради.

Бу фикрда жон бор, албатта. Лекин Муҳиддин Жабборович ва Салтанатларга хос гирдобларни фақат сунъий деб таърифлаш тўғри бўлармикан? Улар ҳақиқатан ҳам сунъий бўлганда барҳам бериш унчалик қийин эмасди. Ваҳоланки, Азиз халқимизга эзгулик бахш этадиган кашфиёт яратгунча жуда кўп ғовлар, тўсиқлар, қийинчиликларга барҳам беради, шу йўлда энг яхши, ширин, гўзал туйғуларини ҳам, дунёда беқиёс бойлик ҳисобланган соғлигини ҳам қурбон қилишга мажбур бўлади. Ахир, унинг Муҳиддин Жабборовичлар билан Салтанат қилмишларидан устун чиқиш арафасида касалхонага тушиб қолиши бежиз эмас-ку!

Дарҳақиқат, у касалхонага тушади-ю, бироқ ғолиб чиқади, натижанинг шундай бўлишини ҳаётимиз йўсини тақозо қилади. Аммо Азизнинг мухолифларини даф этиб, ғолиб келишини автор ҳар томонлама асослаган, дейиш қийин. Шунга кўра, Салоҳиддин Мамажоновнинг «Асар конфликтини юридик жиҳатдан ҳал қилишга мойиллик борлиги унинг якуний қисмини бир оз схематизм томон тортган», деган даъвосини қисман эътироф этишга тўғри келади. Айни замонда унинг «Романда партия ташкилоти секретари атайин фаолиятсиз қилиб қўйилган: у Азиз тақдири масаласида деярли аралашмайди, у на академик томонда, на Азиз томонда туради», деган фикрига («Ўзбекистон маданияти», 1979 йил 31 август) қўшилиб бўлмайди. Чунки ёзувчи институт партия ташкилотининг фаолиятини муфассал ёритишни ўз олдига вазифа қилиб қўймаган. Романнинг ғоявий-бадиий мазмуни Азиз, Муҳиддин Жабборович, Салтанат каби образларда мужассамлашган ва Ўктам Усмонов шу образларни чинакам коммунистик эътиқод руҳидан келиб чиқиб тасвирлашга муваффақ бўлган.

Романда баъзи персонажлар учрайдики, улар муайян ғоявий-бадиий хизматни бажаришга автор ихтиёри билангина йўналтирилгани кўриниб қолади. Чунончи, Йўлдош, Шорасул, Назокат, қисман Толмас Азимов билан яқиндан танишганимизда шундай таассурот туғилади.

Айтайлик, Йўлдош ҳаётдан ўз ўрнини тополмаган, ҳеч қандай истеъдодга эга бўлмаган бетайин шахс, аммо алдам-қалдам ишларда жавлон уриб, доимо ошиғи олчи бўлиб юргани тавсифланади ва у Салтанатни йўлдан оздириш учунгина асарга киритилгандек туюлади. Шорасул эса, эгри йўллардан бориб фан кандидати бўлади. Назокат Муҳиддин Жабборовичнинг эрка хотини сифатида тилга олинади, холос. Толмас Азимов билан Маҳамат чатоқ ҳақиқатпарвар, чўрткесар, жанговар одамлар деб таъкидланади ва кўп ўринларда улар ана шу гапга мувофиқ ўзларини кўрсатадилар.

Буларнинг барчаси иккинчи даражали қаҳрамонлар бўлиб, асарнинг асосий конфликтини тебратишга бир оз таъсир қилади, холос. Борди-ю, уларнинг хатти-ҳаракатлари кўпинча ташқи жиҳатдан тавсифланиб, ички дунёсида рўй бераётган ўзгаришлар қоронғида қолмаганда, «Гирдоб»нинг мазмундорлиги яна ортарди.

Ёзувчи уч йирик, мураккаб характерли қаҳрамон — Азиз, Муҳиддин Жабборович ва Салтанат хатти-ҳаракатлари, кечинмаларини бугунги маънавий-ахлоқий тараққиёт талабларидан келиб чиқиб ҳаққоний ёритолган. Бу жараёнда баъзан нималардир етишмагани, нималардир чала қолгани, нималарнингдир ҳар жиҳатдан чуқур тадқиқ этилмагани тўғрисида ҳар хил мулоҳазалар туғилиши табиий.

Эзгулик яратувчи, илм-фанда, ишлаб чиқаришда, ҳаётда янгилик яратувчи инсон ўз қудратини курашларда намоён этишини Азиз тимсолида кўрдик, нимаики тараққиёт йўлига кўндаланг бўлса, оқибати яхши бўлмаслигини ҳам Салтанат ва Муҳиддин Жабборович қисмати кўрсатди.

Романни ўқиб тугатганимиздан кейин албатта анчагина саволлар, муаммолар, жумбоқлар хаёлга келади, аммо уларнинг барчасини ёзувчи ечиб, ҳал қилиб, ойдинлаштириб бериши шарт эмас. Борди-ю, шундай қилса, ёзувчиликнинг сеҳри қолмасди. Ахир, маънавий озуқа бериб, қалбингизни тўлқинлантирмаган ҳаяжонлантирмаган, баҳсларга чорламаган, яшаш, яратиш, кашф этиш, курашиш хусусида бош қотиришга мажбур этмаган асарни ғоявий-бадиий жиҳатдан етук, баркамол, деб бўлмайдику! «Гирдоб» романи бунинг тўғрилигини яна бир карра исботлайди.

Ўктам Усмонов дастлабки йирик асари билан романист сифатидаги истеъдодини намойиш қилди. Бироқ ҳаётий замини мустаҳкам бўлган «Гирдоб»да ҳали анча-мунча қиёмига етказилмаган, чуқур ёритилмаган, юзаки ўринлар, ҳолатлар бор.

Умуман олганда, асар китобхонни ўйлатади, баҳсларга даъват этади ва у танқидчилигимизга янада мукаммалроқ, чуқурроқ, батафсилроқ таҳлил учун бой материал беради.

Норбой ХУДОЙБЕРГАНОВ

makpuz

Хосият БОБОМУРОДОВА

Соғинтирма, ёмғир...

«Хайр энди!»
Шу сўзларни айтиш чўзилиб кетди,
Гарчанд айтиб бўлган эди нигоҳлар.
Ниҳоят юракдан узилиб кетди
Сиполик тўрига ўралган оҳлар...
Мен сизни батамом йўқотдим бугун,
Энди қайтмоғингиз кутилмаган ҳол.
Ечилди йил бўйи қийнаган тугун,
Энди кўп маҳолдир биз учун висол.
Бир вақтлар сирлашар эдим сиз билан
Телба юрагимнинг ғалаёнларин.
Ҳис билан,
Кўз билан,
Топсам — сўз билан,



Сизга айтар эдим юракда борин...
Ўйлардимки, ёлғиз сиз тушунасиз
Ҳислар юки эзган қалб овозини.
Ногоҳ айтиб қўйиб аччиқ-олуд сўз,
Синдирмайсиз, дея, ташна созини...
Ўйлардимки...
Тўхтанг! Ўйим ҳақида
Нега энди сизга очмоқдаман бағир?
Сиз бир бегонага айланган чоқда,
Мендек гуноҳкорни тингламоқ оғир.
Фаришталар менга дўст бўлолмайди,
Мен билиб яшайман гуноҳларимни...
Сиз кетиб, битта ҳам ҳамдард қолмади,
Энди дўст қиламан дард-оҳларимни.

Лутфингни заминдан тутмагил дариғ.
Токи бизнинг сиёҳ кўзлардан сим-сим —
Ёмғир тўкилмасин! Қил дарддан фориғ.

Ёмғир, сени жуда соғиниб кетдик...

Санобар ФАХРИДДИНОВА

* * *

Ёмғир ҳазин куйламоқда,
Интиқ дилни эзиб-эзиб.
Дардларимни сўйламоқда
Томчиларга тизиб-тизиб.
Майин оҳанг қуйилади
Деразамдан сизиб-сизиб —
Эриб оққан туйғуларнинг,
Қувончми ё
Қайғуларнинг
Сувратини чизиб-чизиб.

Ёмғир дардим куйламоқда...

* * *

Мен сени изладим, изладим
Хаёлнинг энг кўркам боғидан.
Мадҳингни гулларга сўзладим,
Сўзладим дарёга гоҳида.

Дарё ҳам куйларди...
Наздимда,
Сас бердинг ногаҳон йироқдан.
Наҳотки йироқдан? Аслида
Мен сени топдим-ку юракдан!

ЯШИЛ БОЙЛИК

Табиат — дўстимиз

Бундан икки йил муқаддам Москва область ва шаҳар советлари ижроия комитетларининг қарорига биноан Подмосковьедаги турли ёввойи гул ва гиёҳларни поймол этиш қатъиян тақиқланган эди. «Бир пайтлар,— деб ёзган эди ўшанда «Комсомольская правда» газетаси,— бу ерларда ранго-ранг чечаклар қулф уриб ўсарди. Эндиликда уларнинг айримларини топиш маҳол. Агар бунинг олди олинмаса, фарзандларимиз ана шу чечакларнинг қандай эканлигини тасаввур қила олмасликлари, табиатнинг бу ноёб ҳадяларидан бебаҳра қолишлари турган гап...»

Шу муносабат билан бир воқеа ёдимга тушди.

Сафарга отланиб турган эдим, Зокир ака деган танишим мени йўқлаб келибди. У киши пионерлар лагерида қоровуллик қилади. У Тошкентга кам келарди, мен аксинча, улар томонга тез-тез бориб турардим. Зокир ака мени кутишга фурсати бўлмай бир энлик хат қолдирибди: «Космос» меҳмонхонасидаман. Сизда зарур ишим бор».

Оқшом меҳмонхонага борсам, Зокир ака ҳали ётмаган, верандада бир йигитга қандайдир гиёҳни кўрсатиб алланималарни тушунтираётган экан.

— Бу одамнинг касалини яхши билмасдан дори беряпсиз, зарар қилмасмикан?— дедим, салом-аликдан сўнг. Зокир ака кулимсиради:

— Хавотир олманг, бу гиёҳни соғ одам еса ҳам зарар кўрмайди. У — қадимдан хўракка ишлатилади.

Ўша куни тун бўйи ухламадик, десам ҳам бўлади. Унинг келишдан мақсади — тоғ ўт-ўланлари, дов-дарахтлар ва ўрмонга нисбатан яхши қаралмаётганидан тегишли ташкилотларга шикоят қилиш экан. Мен воқеани батафсил айтишни сўраган эдим:

— Ўзингиз бир тоққа боринг, ҳамасини кўрасиз,— деди у куюниб.

Зокир ака пионерлар лагерида йигирма йилдан буён хизмат қилади, шунинг учун ҳам тоққа кўчиб кетган. Ўн мингдан ортиқ кўчат экиб, тоғ бағрида боғ барпо қилган. Ҳозир бу ер — болаларнинг оромгоҳи. Баъзи шўх, тантиқ болалар у эккан ниҳолларни синдирар, арчаларни кесиб, доривор гиёҳларни илдизи билан юлиб кетар эканлар. «Болаларни тартибга чақиринглар», деса, лагерь бошлиғи эътибор бермабди.

Ўтган йили май ойида у яшаётган Кўҳитанг тоғига бордим.

Кимки бу ерларда сайр қилса, сулув табиатни бир умр эсдан чиқаролмайди. Ҳайвонот дунёси бой. Бўрсиқ, тулки, чил, бургут, кийик, архар...

Кўҳитанг тоғи оралиқларида йигирмага яқин қишлоқ бор. Шу сабабдан тоғ этакларигача асфальт йўл борган. Баҳор ва ёз фасли Кўҳитанг гавжум бўлади. Сўлим дараларда ўнлаб пионер оромгоҳлари, дам олиш уйлари қурилиб, ишга туширилаётир. Бу қувонарли, албатта. Аммо, таассуфки, Зокир аканинг айтганича бор экан, табиат бойликларидан нотўғри фойдаланиш ҳоллари юз бераётганининг шоҳиди бўлдим. Сайрга чиққанлар, болалар шифобахш гиёҳларни илдизлари билан юлиб, қуритиб юбораётганликларини кўриб ачиндим. Бунинг устига нов-ниҳоллар, буталар синдирилган. Кўҳитанг шарқида эса арчаларни кесишга рухсат бериб қўйилган. Вандоб, Шержон, Қизил олма ва Лайлаккон сойларида сув камайиб қолган. Пода боқилганидан кўриқхона зонасидаги гиёҳлар йўқ бўлиб кетмоқда. Мамлакатимизнинг бир қанча хўжаликларида ёввойи гиёҳлар экилиб, парвариш қилинаётган бир пайтда, ортиқча сарф-харажат талаб қилмайдиган гиёҳлардан оқилона фойдаланиш ҳеч кимнинг эсига келмаётгани ачинарлидир.

Боботоққа йўлингиз тушса, ўзгача манзарани кўрасиз. 50 минг гектарлик ўрмонзор, 17,5 минг гектарлик пистазор ва бодомзор адирлар табиат кўркига кўрк қўшиб турибди. Бу ерда ҳар йили 30 тонна писта терилади, 2 тонна тоғ асали олинади, 1200 литр қимиз етказилади. Доривор гиёҳлар область дорихоналарига топширилади. Худди шундай хўжаликларни нега Кўҳитангда ҳам ташкил қилиш мумкин эмас? Ҳолбуки, бу ерда ҳам катта қулайлик ва афзалликлар бор-ку!

Мен бир неча ўртоқлар билан шу хусусда суҳбатлашдим. Шеробод район ўрмон хўжалигининг директори Кўчар Маматов бундай дейди:

— Қўл остимизда 80 минг гектар ўрмон бор. Албатта, уни эҳтиётлаб қўриқлашимиз керак. Қўриқхона ёпиқ бўлишини лозим кўрган эдик. Аммо тегишли ташкилотлар комиссия юбориб, негадир маъқулламадилар.

— Бундан саккиз йил илгари,— дейди биология фанлари кандидати Худойқул Очилов,— мен Шеробод водийсининг доривор ўсимликлари тўғрисида диссертация ёзганман. 207 ёввойи ўсимликдан 105 таси шифобахш эканлигини аниқлаганман. Ҳали билмаганларим қанча! Дарҳақиқат, Кўҳитанг гиёҳларга жуда бой. Бу ерларда бошқа тоғларда топилмайдиган ҳаррон, тармуқ, шунғула, муртак, ипор ва алқор каби кам ўрганилган ноёб гиёҳлар тўлиб-тошиб ётибди. Уларни авайлаб асраш — бурчимиз.

Медицина фанлари кандидати, кекса врач Ёқуб Маҳмудов эса қуйидагиларни айтди:

— Мен яқинда Брянск ўрмонларидан қайтдим. У ерларда шифобахш гиёҳларнинг экиб кўпайтирилаётганини кўрдим. Ҳатто равоч ҳам ўстирилаётган экан. Кўҳитанг ҳавоси, суви, иқлими, гиёҳлари ажойиб. Сабаби, унинг ўрни бир пайтлар денгиз бўлган. Бу тоғ этакларида санаторийлар ташкил этилиб, йўқолиб кетаётган гиёҳлар кўпайтирилса, айни муддао бўларди. Пистазорлар, бодомзорлар, ёнғоқзорларни кўпайтиришни ҳам ўйлаб кўриш лозим.

Тоғ оралиғидаги Пошхурт қишлоғида яшовчи муаллим Бўри Ҳасанов шундай дейди:

— Бу тоғда, ўзингиз кўргансиз, СССРда биринчи табиий санъатшунослик кўриқхонаси — Зараутсой бор. Тоғ ёнбағирларида «Ҳасан якдаста», «Қирққиз» каби шамоллар тарашлаган ғаройиб тош ҳайкалларни кўргансиз. Туз тоғимизда шифобахш сув оқади. Тоғ ёнбағирларида кўзга ором берувчи бепоён лолазорлар бор, юрагингизга шифо бўладиган чучмомалар ўсади. Аммо сўнги пайтларда улар борган сари сийраклашиб кетмоқда. Қишлоқ яқинидаги тепаликларда бўймадрон, чукри, ҳаррон, исмалоқ, шунғула каби юзлаб гиёҳлар ўсарди. Бугунги кунда уларни тоғнинг олис, хилват гўшаларида учратасиз, холос. Улар гўё биздан ранжиб қочиб бораётгандек. Ажаб эмаски, ҳализамон тоғ чўққиларига чиқиб, Луқмонга роз айтсалар.

Бу — халқ ибораси. Тоғда шундай ривоят бор. Эмишки, бир пайтлар Луқмони ҳакимнинг ўғли хаста бўлиб қолибди. Ота ўз фарзандига шифо қидириб боғидаги гиёҳлардан сўраб чиқибди. Бирор гиёҳ: «Мен даво», демабди. Луқмони ҳаким ўғлининг дардига даво тополмай ожиз қолибди. Ўғли қазо қилибди. Ҳаким уч кун ўтгач, ариқ бўйида юзини юватуриб, шундай нола қилибди: «Эй тангрим, мен шунча беморни даволадим, ўз ўғлимга шифо тополмадим». Ўшанда оёғи остида эзилиб ётган Чўлялпиз тилга кирибди: «Ўғлингизнинг касалига мен даво». Ҳаким ёқа ушлаб, ундан сўрабди: «Шундай экан, илгари нега айтмадинг?» «Тақсир,— дебди Чўлялпиз,— сиз қиё боқмай мени босиб ўтдингиз». Шунда улуғ ҳаким лол қолган экан.

Бу — ривоят. Аммо унинг замирида бошқа гап бор. Биз ҳар бир гиёҳ ҳақида ўз вақтида қайғуришимиз, ўз насибаларини аждодларимиз бизга қолдиргани каби келажак авлодга яхши мерос қолдиришимиз керак.

Мактабларда Ўзбекистоннинг шифобахш ўсимликлари чуқур ўргатилса айни муддао бўлар эди. Таассуфки, айрим мактаб ўқитувчиларининг ўзлари ўсимликларнинг маҳаллий номларини билмайдилар. Оқибатда ўқувчилар ботаника бўйича шунчаки умумий тасаввурга эга бўладилар. Муҳими — маҳаллий ўсимликлар билан яхшироқ танишмай қоладилар.

Кўҳитангдаги бир қишлоқ булоқларида сумбулни учратдим. Шу ерлик ҳамроҳимдан унинг номини сўрасам — елка қисди. Ўқитувчилар ҳам айтиб беролмадилар. Ҳамроҳимнинг нуроний ота-онаси бор. Улар қўлимиздаги ўсимликни кўриб: «Ҳа, нега сумбул кўтариб юрибсизлар?», дейишди.

Қишлоқ мактабларида аждодлардан кўп ҳикматларни олган қариялар билан учрашувлар ўтказиш, уларнинг наботот олами ҳақида билганларини ёзиб олиш фойдадан холи бўлмасди. Республикада гиёҳларни асраш, оқилона фойдаланиш борасидаги ташаббусларни янада кенг қулоч ёйдириш зарурияти туғилмоқда. Бу ишда олий ўқув юртлари, ўрта мактаблар, табиатни муҳофаза қилиш комитети ва ўрмон хўжалиги муассасалари бош-қош бўлишлари лозим.

Нодир НОРМАТОВ



Тошкент Бадиий буюмлар фабрикасида асосан хотин-қизлар меҳнат қиладилар. Корхона чеварлари тайёрлаган маҳсулотлар мамлакатимиздагина эмас, балки ўндан зиёд хорижий мамлакатда ҳам машҳур. Чеварлар унумли меҳнат қиладилар, кўнгилли дам оладилар. Корхонада бадиий ҳаваскорлик тўгараги ташкил этилган. Мастура Ҳошимбекова билан Муқаддам Ҳошимова бу тўгаракнинг фаол қатнашчиларидирлар. Улар дилрабо куй ва қўшиқлари билан ҳамкасбларини хушнуд этмоқдалар.

В. СИРОТКИН фотоси.

МУҚОВАДА

Биринчи бет: Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист **Маъмура Эргашева.** (11-бетдаги «Нигоҳларни сеҳрлар рақси» материалини ўқинг).

А. ГУБЕНКО фотоси

Тўртинчи бет: Тошкент метрополитени «Ленин майдони» станциясининг навбатчиси, меҳнат аълочиси **Динора Ахророва.**

М. ШТЕЙН фотоси


КРОССВОРД

Энига: 1. Тинч океандаги ороллардан бирида яшовчи халқ. 4. Спорт анжоми. 9. Оғирлик ўлчови. 11. Район. 12. Оптик асбоб. 14. Қуш. 17. От туси. 18. Овоз тури. 19. Халқ куйи. 20. Минерал сув. 23. Касб. 25. Механизм қисми. 26. Исм. 29. Рус совет математиги. 30. Мурожаат. 32. Ёғду. 33. Тош. 34. Жамоа.

Бўйига: 2. Жанубий Америкадаги тоғ. 3. Қўшиқ. 5. Ҳайвон. 6 Грамматик термин. 7. Ранглар йиғими. 8. Ой. 10. Миллат. 12. Электр асбоб. 13. Рус совет ёзувчиси. 15. Космонавт. 16. Авиаконструктор. 21. Таъм. 22. Кимёвий модда. 24. Халқ қўшиғи. 27. Қовун нави. 28. Хорижий автомобиль маркаси. 31. Олтин. 32. «Шоҳнома» қаҳрамони.

Тузувчи **К. АМИРОВ**

Қўқон



2-СОНДА БОСИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБИ

Энига: 5. Авербах. 6. Беруний. 7. Пўлат. 8. Қамиш. 10. Шопен. 14. Иқбол. 15. Архар. 16. Дарс. 17. Айил. 18. Руда. 19. Маяк. 22. Лавҳа. 24. Ханда. 25. «Эшвой». 28. Орион. 29. Мезон. 30. Савагич. 31. Диктант.

Бўйига: 1. «Авазхон». 2. Лайли. 3. Ферма. 4. Сиёҳдон. 7. Поезд. 9. Шоқул. 11. Паскаль. 12. Охунова. 13. Крахмал. 18. Радио. 20. Кошин. 21. Санобар. 23. Чойхона. 26. Чивин. 27. Измир.

Наъматак

Раим **ФАРҲОДИЙ**

Афандининг чумчуқлари

Ўй сурарди Афанди
Ерга қўйиб дўпписин.
Кириб келди судралиб
Кўк мачитнинг сўфиси.
Ҳовлининг этагида
Курка товуқ бир гала.
— Ёпирай!— деди сўфи
Саломи қолди чала.—
— Мурғми, тақсир, туями?—
Ёқасини ушлайди.
— Қизиқмисиз, чумчуқ-ку!
Парваришни хушлайди...
— Лоҳавла! — деди сўфи, —
Нима билан боқдингиз?
— Хай, сизга айта қолай:
Ёнғоғу қора майиз...
— Ёнғоқ, майиз...— деб сўфи
Ўрнидан туриб кетди.
Гўл бўлса ҳам, зиқна эди,
Нафс қутуриб кетди.
Кафтларини ишқаларди:
Келиб қолди омади!
Икки юзта чумчуқ тутиб
Қафасларга қамади.
Кеча-кундуз ёнғоқ билан,
Майиз билан боқади.
Биласизки, чумчуқларга
Текин сийлов ёқади.
Курка бўлар, деб сўфи,
Ширин хаёл суради:
Элликтасини сотиб
Бир иморат қуради.
Етмиштасини сотиб
Яна олади хотин.
У ёғини ўзи билар,
Хуллас, хазина, олтин...
Кунлар ойлар ўтарди.
Ер, ағанар ва ухлар,
Аммо ўсмас, ажабо,
Ўсмас эди чумчуқлар.
Сўфи ҳайрон, асабий,
Қафаслар сасиб кетган,
Чумчуқнинг чирқиллаши
Ҳовлини босиб кетган.
Бир кун сўфи тўнини
Елкасига солди-да,
Маслаҳатга югурди
Афандининг олдига.
— Ҳай, тақсир, нима бало,
Сири борми, ё фалак,
Ўсмаяпти чумчуқлар!
Кутиб бўлдим-ку ҳалак.
— Майиз беринг...
— Ҳа, тақсир,
Қораси билан боқдим.
— Ёнғоқ беринг...
— Ҳа, тақсир,
Сараси билан боқдим.
— Э-ҳа, эсгинам қурсин!
Чаппар урди Афанди. —
Битта сирни айтмабман, — деб
Астойдил афсусланди.
— Ахир улар қафасда-ку!
Ундай кунга қўймасин.
Сиқилса ҳеч семирмайди,



Қўйворинг-да, ўйнасин.
— Айтмайсизми шуни!..— дея,
Базўр босиб нафасин,
Сўфи дарров очворди
Йигирмата қафасин.
Бирдан чумчуқ галаси
Осмон юзин тўлдирди.
Эҳ, гўл сўфи, эҳ зиқна,
Хўп кулгига ўлдирди!
Кулдиму ўйга толдим,
Бир ишонч қолди манда:
Семирган билан чумчуқ
Ботмон бўлмас экан-да.

СУМКАНИНГ ҲАСРАТИ



Расмни Н. ИБРОҲИМОВ чизган

Тингланг: сизга энг муҳим муаммо — сумкаларнинг билим савияси ҳақида сўзлаб бермоқчиман. Аввало, ўзимни таништирай: мен аёллар сумкасиман. Ҳа, ҳа, оддийгина сумка. Тил ва адабиётдан дарс берувчи соҳибам мени ҳамиша ардоқлаб кўтариб юради.

Балки сиз: «Ҳеч замонда сумка ҳам гапирар эканми?», деб ҳайрон бўлар-сиз. Нима қилай, ҳасратим ичимга сиғмаганидан ёрилиб кетай, деяпман. Келинг, яхшиси бир бошдан айтай: тонгда, мен илгакда осиғлиғимча ором олаётганимда соат жиринглайди: жиринг-жиринг, жинг! Менга эса бу товуш «Жим-жим!», «Жим бўлинг, жим!», деб аллалаётгандек, ҳаммани тинчлантираётгандек туюлади. Шу пайт ичкари хонада чироқ ёқилади, соҳибам апил-тапил юз-қўлини ювиб ошхонага югуради. У ердан идишларнинг тарақ-туруқи, жиз-биз эшитилади. Соҳибам ошхонадан шошапиша чиқади-да, ўқдек учиб ваннахонага киради. Ваннахонадан сувнинг шовиллаши эшитилади. Соҳибам пол латтани олиб меҳмонхонага ўтади. Стол-стулларни нари-бери суриб, ҳар бир хона полини уч мартадан артиб-суртиб чиқади. Уйда эса беш хона. Ваннахонадан меҳмонхонага, меҳмонхонадан ваннахонага, ваннахонадан болалар хонасига, болалар хонасидан ваннахонага, ваннахонадан «хўжайин»нинг хонасига, ундан яна ваннахонага, ваннахонадан... уф... чарчаб кетдим. Ниҳоят, югур-югур тугайди. Соҳибам оҳиста уф тортиб, ҳали турмакланмаган сочини орқасига ташлайди. Сўнг югур-югурнинг иккинчи қисми бошланади. Соҳибамнинг икки ўғли, бир қизи бор. У болаларнинг кийим-кечакларини жавондан, тортмадан оларкан: «Туринглар, қўзичоқларим, ширинтойларим!», дея қўнғироқдек овоз билан уларни уйғотади.

Болалар уйғонадилар... Ана хархашаю мана машмаша! Бири йиғласа, бири кулади, бири кийинса, бири ечинади. Бири аясини қучиб ўпса, бири сочидан тортади. Қисқаси, болали уй — бозор, деганларидек, растадагидек шовқин-сурон бошланади. Шу вақт ичкари хонанинг эшиги очилади-да, йўл-йўл пижама кийган басавлат киши чиқиб келади.

— Бугун кеч турибсанми, Гул?— деб сўрайди у йўғон овоз билан. («Гул»— менинг соҳибам.)— Ҳали шимим ҳам дазмолланмабди.

Соҳибам индамайди. Балки болаларнинг қий-чувидан эшитмагандир. Ниҳоят, болалар кийимларини кийиб, боғчага отланиб бўлишади. Соҳибам сочларини қўллари билан силаб, нари-бери тузатади-да, рўмолини ўраб, пальтосини кияди. «Ишқилиб, мени олмасин-да,— деб хавотирланиб тураман. Чунки баъзан (кўпинча байрамларда) боғча опаларга совға-салом қилиш керак бўлса, соҳибам ичимни «туҳфа»га тўлдириб, мени олиб кетарди.

Соҳибам этигини кийиб, «хўжайин»нинг хонасига қараб шундай дейди:

— Мен болаларни боғчага ташлаб келаман. Қозондаги овқатни сузиб еб туринг, келиб шимингизни дазмоллаб бераман.

Эшик очилиб ёпилади.

Хайрият! Ҳали байрамга вақт бор шекилли. Нега боргим келмаганининг сабаби аён: эрталабки изғиринда иккита болани ченага ўтқазиб, биттасини қўлида кўтариб борувчи соҳибам мени болаларининг қўлига бериб қўяди. Улар эса юзимни ерга ишқаб, қорда судраб қийнайдилар.

«Хўжайин» хонасидан чиқади. Ҳозиргина соқоли олинган, ияклари ялтирайди.

— «Ўзинг сузиб ол», эмиш,— деб тўнғиллайди у. Сўнг бир керишиб, эринибгина ошхона эшигини очади. Ичкарига кирадию бақира кетади. Шўрим қурсин, намунча бақирмаса? «Хўжайин» жаҳл билан нималарнидир тарақлатиб отади:— Чўмич... Қани чўмич?

Ҳаҳ, бечора-я! Ўз уйида чўмич қаерда туришини билмаса! Яна «хўжайин» эмиш!..

Кўп ўтмай, соҳибам кириб келади. Пальтосини ечиб, қўшни хонага шошилади. Зум ўтмай овози эшитилади:

— Мана, шимингиз тайёр!

«Хўжайин» индамайди. Ошхонага кириб кетган соҳибам эса овқатланадими ёки, одатдагидек, улгурмай идиш-товоқларни ювиш билан кифояланадими, ҳар ҳолда, яна шоша-пиша меҳмонхонага чиқиб келади. У стол устидаги кечаси алламаҳалгача текширган бир даста дафтарни олади. Менга бунча дафтар сиғмайди — соҳибам ўрнимга бошқа сумка олмоқчи. Шунинг учун ҳам ана шу бир даста дафтарга кўзим тушса сесканиб кетаман.

Мактабга, одатдагидек, беш дақиқа кечикиб келдик. Эшик олдида турган директор яна қовоғини уйди. Соҳибам ерга қараганча ўқитувчилар хонасига кириб кетди. Мени илгакка илди, журнални олиб, дарсга шошилди.

Яна илгакдаман... Атрофимда менга ўхшаган сумкалардан яна бир нечтаси. Лекин улар гапирмайдилар. Нима ҳақда сўзлашни билмайдилар. Чунки баъзиларининг ичида пардоз анжомларидан бошқа нарса йўқ. Кўпчилигига эса ишдан кейин бозорга тушиб, рўзғорга майда-чуйда харид қилиб келиш учун тўрхалтадан бўлак ҳеч вақо солинмайди. Бу сумкаларнинг соҳибалари китоб ўқишга вақт тополмасалар керак-да... Ўқитувчилар янги китоб, газета-журналларни ўқиб бормасалар, ўқувчиларнинг билим савиясини қўяверинг-у, сумкаларнинг «билим савияси» ҳам пасайиб кетаркан. Мана, ҳозир ҳам атрофимдаги сумкалардан бирортаси лом-лим деёлмайди. Ҳар қалай, ўзимнинг соҳибам тузук. Ҳеч бўлмаса, танаффус пайтларида ўқиш учун ичимга янги-янги китоб-журналлар солиб юради.

— Биласизларми,— деб гап бошладим сумкаларга қараб,— мендаги китобда ёзилишича, аёл киши бир йилда кир ювиш ва дазмоллашга 220 соат, пол ювишга 70 соат, кийим сақлаш ва тозалашга эса 290 соат вақт сарф қилар экан. Агар бу рақамлар жамланса, 80 иш куни ҳосил бўлар экан. Йилига-я! Яна бунга овқат пиширш, болаларга қараш ва ҳоказолар кирмайди...

Дугоналарим индашмади. Мудраб кетибман. Кўзимни очсам, дарслар, ҳар хил машғулотлар тугабди чоғи, соҳибам пальтосини киймоқда.

Уйга соат бешларда етиб келдик. Яна югур-югур, чоп-чоп... Соҳибам кийимларини алмаштиради, овқатга уннайди, болаларни чулдиратиб боғчадан олиб келади, кир ювади, болаларни чўмилтиради. Уларни ухлатиб бўлганида «хўжайин» кириб келади.

— Азизам,— дейди у кулиб, негадир бу сўзни бугун бошқачароқ оҳангда талаффуз қилиб.— Азизам, бугун мен сенга совға олиб келдим. Қани, топ-чи, нима учун?

Соҳибам ҳайрон бўлиб қолди.

— Ёдимдан чиққан экан, Гул, менга ҳам ишхонада эслатишди,— дея давом этди «хўжайин».— Бугун турмуш қурганимизга беш йил тўлибди...

Соҳибам кулиб юборди:

— Вой, ўлмасам! Унутганимизни қаранг!— деди у жилмайиб.

— Тантанали маросим бошланди!— дея «хўжайин» барабан садосига ўхшатиб «Бум-бурум! Бум-бурум! Бурум-бум!», дея музика чалган кўйи қўлидаги ўроғлиқ нарсани оча бошлади. Қоғозлар шитирлаб очилгани сари менинг юрагим ҳам соҳибамникидек гупиллаб урарди. Бу совға сумка бўлишидан жуда-жуда қўрқардим. Соҳибам эса, аксинча, шуни хоҳларди, чамамда. Ниҳоят, қоғоз қутининг ўзи қолди. «Хўжайин» уни аста очди... Не кўз билан кўрайки... қутида — чўмич! Ҳа, ҳа, оддий, ошхонада ишлатиладиган чўмич! «Хўжайин» энди бум-бурумламас, соҳибам эса бир чўмичга, бир «хўжайин»га, бир менга қарар эди. Сўнг:

— Вой, адажонисидан ўргилай, мунча яхши совға бу!— дея шарақлаб кулди.— Уйимиздаги иккита чўмич учта бўлибди, яхши, вақт-бевақт керак-да.

«Хўжайин» эрталаб икки чўмичдан биттасини ҳам тополмай, ярим соат қошиқда овқат сузганини эслаб, томоқ қириб қўйди.

— Яна беш йилдан кейин қозон совға қиласиз-а?— деди соҳибам кулиб. Сўнг «хўжайин»нинг савол назари билан қараганини кўриб, илова қилди:

— Чунки бундан беш йил аввал — гул, бугун — чўмич, беш йилдан кейин қозон-да. Яна беш йилдан кейин эса...

— Бир гап бўлар,— деди «хўжайин», «Овқат тайёрми?», дегандек ошхона томонга боши билан ишора қилиб.

Икковлари ошхонага кириб кетишди...

Соҳибам бундан беш йил аввал худди шу куни «хўжайин»ни унга гулдаста тутиб: «Гулим, сенга умрим бўйи фақат гул тутай!», деб шивирлаганини эсладимикан? Билмадим. Лекин шу дамда (менга қанчалик оғир бўлмасин) бу совға сумка бўлишига ҳам рози эдим.

Чўмич... Соҳибам менда олиб юриб, танаффусларда ўқиган катта китобда ёзилишича, бир аёл туғилган кунига эри кастрюль совға қилгани учун аразлаб, ажрашишгача борган экан. Ҳа, энди у кастрюль эди-да... Чўмич важига унча хафа бўлмаса ҳам бўлади шекилли?..

Ҳечқиси йўқ. Уйда учта чўмич бўлганидан кейин шояд «хўжайин»нинг қўлига ҳам бирортаси илинса, соҳибамга осонроқ бўлар...

Сумканинг сўзларини ёзиб олган:

Ёқутхон АКРАМОВА

Бош редактор Асқад МУХТОР
Редколлегия: Чингиз АҲМАРОВ, Абдулла БОБОХОНОВ, Воҳид ЗОҲИДОВ, Наримон ИБРОҲИМОВ, Ваҳоб РЎЗИМАТОВ (бош редактор ўринбосари), Саид ШЕРМУҲАМЕДОВ, Комил ЯШИН, Ислиддин ҲАЙДАРОВ.

«Гулистон»— ежемесячный общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Техредактор А. САИДУМАРОВ

Корректор Н. ЙЎЛДОШЕВА

Адресимиз: 700000, Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41. Редакция телефонлари: бош редактор —33-35-20; бош редактор ўринбосари — 33-35-90; масъул секретарь —32-58-33; ижтимоий-сиёсий, фан ва маданият бўлимлари —33-36-59; адабиёт ва санъат бўлими —33-36-02; рассомлар бўлими —32-58-32.

Босмахонага туширилди 20.01.80 й. Р — 07090. Босишга рухсат этилди 25.02.80 й. Қоғоз 70×108 1/8. Ботиқ усулда босилди. Шартли босма тобоқ 5,6. Нашр ҳисоб тобоғи 7,80. Тиражи 265590. Буюртма 2426. Нашр А —98.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000, Тошкент, ГСП, «Правда Востока» кўчаси, 26.

Расмларни
А. Холиқов чизган







Изоҳнинг ҳожати йўқ.



—... Шундай қилиб, товани ўтга қўясиз-у икки юз грамм сариёғ оласиз, тухумни чақасиз...





—Сизни нега жазолашган эди?
—Туйларда хаддан ошиқ қатнашганим учун.
—Шунга-я?!
—Ха. Ҳар бир тўйда куёв бўлиб қатнашган эдим-да!



—Кечаги йиғилишда раисимиз эркакларни жуда мақтади: „Хотинларингиз эрлар каби ишлади", дейди.





—Нa мунча ҳаллосламасангиз?
—Сенга ошиқдим...



—М-ени қ-қўйиб юборинг, ўртоқ мили-ционер, м-мен, хотинимни таб-рик-лаш-га кеч қол-май.

Бахоси 30 тийин

Индекс 75233